

МУРОД ЧОВУШ



821.512.133.3. 2021/199.1	
U-7A Y. byur. Myrag.	
Yoz.	
T-2021u. 1288. 23.000	

Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan  
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart

Ilgarigi berilmalar miqdori \_\_\_\_\_

--

Мурод Човуш

ҲЕЧ



Тошкент  
«Akademnashr»  
2021

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)6

Ч 72

Ч 72 Човуш, Мурод.


Ҳеч [Матн] / М. Човуш. – Тошкент: Akademnashr,  
2021. – 128 б.

ISBN 978-9943-5226-1-9

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)6

*Мурод Човушнинг «Ҳеч» асари ўзига хос услуби билан ажралиб туради. Унда бугунги кун адабиётида кечаётган ўзгаришлар, шаклий изланишлар акс этган. Муаллиф воқеликка янгича назар ташлашга уринади. Сиз бу китобда бошқаларга ўхшамаган мутолаа завқини туясиз. Бадиий адабиёт ихлосмандлари учун мўлжалланган.*



ISBN 978-9943-5226-1-9

© Мурод Човуш «Ҳеч»

© «Akademnashr», 2021

## «ҲЕЧ»НИНГ ҲЕЧЛИГИ ҲАҚИДА

Мурод Човушнинг «Ҳеч» асари ўзининг ифода дунёдан тортиб тилга, воқеликка, инсонга, маконга, замонга, мавжуд тафаккур ва тасаввур қолипларига бўлган муносабатига кўра замонавий адабиётимизда дунё бадий мушоҳадаси силсилалари, Руссан, Пруст, В.Вульф, Беккет, Ионеско, М.Пуиг, Мураками билан бўйлашмоқчи бўлган ўзига хос тажрибалардан биридир. Нафақат қаламга олинган воқелик, балки Жанри ҳам ҳеч қайси қолипга тушмайдиган бу битик ҳаёт, одам, оламнинг «ҳеч»лиги ҳақида, яъни эпиграфда келтирилган Нақшбанд ҳазратларининг тўртлигида қайд этилган «Ҳеч» ҳақида, бошқача айтсак, ҳамма нарса – одам, олам, муҳаббат, инсоний муносабатлар, азал ва абаднинг қоришиғи, айти пайтда, «ҳеч» нарса ҳақида. Асарни ўқиб чиққанингиздан кейин ҳам кўникиб қолинган бадий асардаги таассуротларни ололмайсиз, ўқиганингиз «ҳеч»га айланади. Лекин сиз ичингиздаги ўзингиз англамаган пўртаналарда «ҳеч»нинг тўлқинланишини сезгандай, ботинингизда дунё адабиёти «онг оқими», Фрейд ва Юнг «онг ости кечинмалари» деб атайдиган улкан баҳрнинг шовурларини эшитгандай, мутолаа давомида ўша баҳрнинг шўр сувлари таъмини туйгандай бўласиз. Аслида ҳам Ғарбда «Абсурд» деб аталадиган «Ҳеч» сўфий боболаримиздан тортиб

дунёнинг энг улуғ ақл эгалари жавоб излаган, ҳануз тополмаётган одам ва олам ҳақидаги қадимий катта савол. Бу саволга жавоб топишга уринилгани сайин одам тафаккури «ҳеч»га дуч келаверади, «ҳеч» билан тўқнашаверади, «ҳеч» катталашиб бораверади – «ҳеч»лик яшаш ва тирикликнинг, борлиқ ва ҳаётнинг, яралмиш ва ясалмишдаги барча қутбларнинг моҳияти, излаган саволининг жавоби бўлиб чиқаверади, жавоб излагани, эришдим, топдим, кашф қилдим дегани сари яна катта ва беадад «ҳеч» билан дуч келаверади.

Айнан шунинг учун ҳам Мурод Човушнинг бу жасоратли тажрибаси эшигига эпиграфда қайд этилган бобомиз Нақшбанд ташлаб кетган калит билан келишга, ҳар ким ўзининг диди ва савиясидан келиб чиқиб «маъно» олишига тўғри келади.

Албатта, «Ҳеч» асари атрофида эътирозлар, мунозаралар, инкор ва эътирофлар бўлиши табиий, лекин шу хил тажрибанинг адабиётимизда пайдо бўлганининг ўзи миллий бадиий ифода ҳудудимиз кенгаётганини кўрсатувчи ҳодиса эканини тан олишимизга тўғри келади.

**Назар Эшонқул**

---

ХҮҮ

---

*«Ҳечимиз ҳечидан ҳеч кам йўқдир,  
 Ҳеч ҳечимиз ҳечидан ҳеч ғам йўқдир.  
 Танда жандадурур анда гўристон,  
 Эртан ўлсак, бизга ҳеч мотам йўқдир».<sup>1</sup>*

**Баҳоуддин Нақшбанд**

Метрога кирдим. Поезд кутяпман. Ёнимда йигит ва қиз. Қиз менга қараб қўйди. Ўхшатди, шекилли. Бепарво назар билан улар томон кўз ташлаб қўйдим. Йигит қаттиқ эслаб қолмоқчидай бошимдан оёғимгача кузатди. Поезд кела бошлади. Мен улардан етти-саккиз қадам узоқлашдим. Вагонга чиқдим. «Нима ҳақда ўйласам яхши бўлади?» «Ҳеч нарса ҳақида», – ўзимга-ўзим жавоб бердим. Ичимдан бутун ўй-фикр, хаёлларимни қувиб чиқармоқчиман, чоғи. «Бунақа бўлмайди». Кейин метрони мусиқа кошонасига, юриб кетаётган поездни куйга, унинг ичидаги йўловчиларни яхлит бир қўшиққа ўхшатдим. Аммо ўзимни қўшиқ деб ҳисобламадим. «Мен тингловчиман». Поезд «Пахтакор» бекатига келиб тўхтади. «Куй тўхтади». Мен вагондан тушдим. Кўчага чиқдим. Консерватория томон юра бошладим. Босган қадамимни санай кетдим. Шундагина ўйлашдан озгина вақт қутуламан. Юриб кетяпман. «Бир, икки, уч, ... етмиш, ... етмиш саккиз...», санаб боряпман. Саксон саккизинчи қадам босилганида сезиб қолдим. Ём-

<sup>1</sup> Рауф Парфи форсийдан туркийга ўгирган.



бир шигир-шитирини, совуқ шамол эсишини эшитиб  
бериётган эканман. Шу онда йиғлагим келди. Зери-  
сизтанлигим эсимга тушди. «Мен буюк зерикувчи».  
Масалан, чоллар зерикканидан чой ичавериша-  
ди ичаверишади. Улар ўлимни кутишади. Ўлимнинг  
толмай қолишини ҳақиқий мўъжиза деб ўйлашади  
ва бу мўъжизага ишонишмайди. Мен зерикканим-  
дан ухлайман, ухлайвераман. Ўн беш, ҳатто йигирма  
сон тинмасдан ухлашим мумкин. Уйқуни ҳақиқий  
мўъжиза деб атаса бўлади.

Ушбу дақиқаларни эслаб қолишим керак, айниқ-  
са ҳисни – ичимда худди қирда югуриб кетаётган бе-  
ғубор болага ўхшаш, аммо йиғлоқи, шунга қарамай,  
мени олдинга – келажак сари ундайди, бу келажак  
ёнақа тусда – ўринсиз савол, ҳар ҳолда, айтгандай,  
мени ортанги кунимни билишни истайман, кечаги ку-  
нимни боя ўйлаганимдек зерикиш жабҳасининг бир  
кўрinishи каби қабул қиламан ёки қабул қилмай-  
ман, акс ҳолда, нима учун яшаётганлигим сабаби-  
ни ва яшашдан мақсад нима деган дангал саволни  
ўзимга минг бора бериб, ўзимни бу муқаддас савол  
олдида минг бора тиз чўктирганимда ҳам ҳис мени  
узоқ, узоқларга..., ҳар ҳолда, ичимда у билан қува-  
лани ўйнамайман, зотан, дейдилар ёки демайдилар,  
дедилар ҳам ҳис-табиатники дейдилар, секинроқ,  
чунки ким эшитмасин, ҳа, бу гап Абдухолиқ Қалқонга  
тегишли – ияги узун, қиррабурун, чунки ҳис-табиат-  
ники ичимизга тўсатдан кириб қолган ёки ичимизга  
кириб олиши вазифасими, буни мен ҳозирча бил-  
майман, агар мабодо билиб қолсам, албатта, ҳали  
сизладиган китобимга қўшиб қўяман, зеро, билиш-  
нинг Абдухолиқ Қалқон қанақа одамлигини, у дангал,

керак бўлса, Абдулла Тангриев билан ҳам яккама-якка, бухороча курашга туша олади, билингки, у уни дуэлга чақириши мумкин, фақат унинг, яъни А.Қалқоннинг жаҳли чиқса бўлди, жаҳл чиқди – ақл кетди дейдилар, англашилмовчилик, мен шундай ўйла-масам-да, А.Қалқон айнан шундай фикрни ўртага, яъни, унинг ўйлаши бўйича, биз, «сентиментал кал-лалар», худди оч қолган итлар туфроққа қоришган ва иссиқдан ҳамда яланавериб қуриб қолган суякни бояги оч қолган ит ёки итлар ялаганмисол ҳалиги фикрни Қалқон яна ва яна такрорлайди, худди биз-нинг қулоғимиз кардек овозини сал кўтариб, лекин кўзини биздан олиб қочиб, гўёки биз уни англамай-миз, ҳатто тушунмаймиз, у шундай ўйлайди, балки, ўйламас, билмадим.

Абдухолик Қалқонга айтдим: «Юринг, кетдик кон-цертга». Унамади; иягини олдинга чўзиб чапга-ўннга қимирлатди ва пиво ичишни давом эттирди. «Тушу-нарли» дедим ичимда. «Кайфият йўқ» – бу гапни унга айтиб, ичимда ҳам такрорладим. А.Қалқон яна ин-дамади. «Тезроқ мендан қутулишни истаяпти». Ёки, аксинча, пиво ичишда шеригидан маҳрум бўлишни хоҳламади. Кейин А.Қалқон чўнтагидан сигарет олиб чека бошлади; сигарет тутунини уч-тўрт марта ичи-га тортиб чиқарганидан сўнг гапирди: «Э, нима бор ўша симфонияга, қуруқ ҳислар одамни ичига кир-гани қолади, фойдаси йўқ, қуруққа ўзингизни алдаб келасиз, жаноб, мусиқа одамнинг душманларидан бири ҳисобланади. Биз уни қандай бўлса шундай-лигича англай олмаймиз: мисол учун, Бетховен му-сиқасини ёзаётганида гап нима ҳақида кетаётганли-гини билган, биз эса унинг мусиқасини эшитиб ҳар

ни ҳолатга тушамиз. Балки, шундандир-а ҳамма бало, а, нима дейсиз?» «Худди шундай, жаноб Калкановский» дедим. «Биласизми, ожизлик қабул қилишда, ким қандай қабул қилишида, бизнинг миллат қандай қабул қилишини ўрганганмисиз?» «Нимани қандай қабул қилишини, Калкановский?» «Ўзим ҳам билмайман», – унинг бу мавзуда гапиргиси келмади, чини. «Борсангиз, қани, тезроқ боринг, хуллас, тезроқ, бу ердан кетинг». Абдухолиқ Қалқон мийиғида бўлиб ўнг панжасини «хайр» деган мисоли қимирлатди. Мен ўрнимдан турдим. Хурсанд эдим; ўзим, мана ёлғиз ўзим концертга боряпман.

Кейин тўқсон бир деб тўқсон иккинчи қадамни ёки оёғига қўшиб қўяман, бутун эйтиборимни оёғимга тилиб этмоқдаман, акс ҳолда, мен яна ўйлай бошлашимга тўғри келади, зеро, ўйлашни одамнинг ўзи биллаб чиқарганми ёки Тангри бир куни, яъни қачондир бир нимадандир хурсанд бўлган пайти чексангиз меҳри жўшиб-тошиб кетганиданми, ўйлаш функциясини «мана, бу сенга мандан тортиқ» деб, одамнинг, раҳмат илтифотингиз учун, менга бу керакмас» деганда, мажбурлаб калласига нозиккина симчаларнинг томирларни бир-бирига улаб, у ёқдан-бу ёққа тилантириб, кейин юрак томонга қаратиб тортиб қўшган у, «энди бор, ишингни қил» деган мазмунда узи ҳаё-ҳулаб бандаси олдидан қочиб кетгандек, бунда то ўйлашни бошлагунча у узоқларга – масалан, борлиқдан ташқарига чиқиб улгурган заҳоти оғди пайдо бўлиб «бундай эрк менга керак эмас» деганда, юрак йиғлай бошлаган заҳоти қалб ихтиро қилинган, аввали зеркиш илми етти ёт бегона ҳисобланган, ажаб.

Мен консерваторияга яқинлашиб боряпман. «Мен хоҳлардимки, у томон юришим ҳеч тугамаса, яъни қадам ташлайверсам-у, аммо-лекин консерваторияга етиб келмасам, юраверсам, юраверсам, йўл тугамаса, йўлнинг охири кўринмаса, худди тушдагидай ёки хаёлдагидай, бироқ одам ўнгида бўладигандай эмас, айтмоқчи, кеча туш кўрдим; чўл ўртасида эканман, тўрт ёғи чексиз, осмон тўла виж-виж турналар эмиш, мен нуқул йиғлармишман ва турналарни осмондан ҳайдаган мисол улар томон кесак отармишман, Абдухолиқ».

«Сиз жинни бўлиб қолмадингизми?». А.Қалқоняна сигарет тутатади.

«Нега концертга кирмасдан қайтиб келдингиз? Кириш ёқмадимми?» «Икки соат кечикиб бошланар экан». «Консерваторияда ҳам тартиб йўқ». «Шундай». «Сиз нима учун бугун бошқачасиз?» «Қанақасига?» «Ароқни сузинг». «Чарчадим». «Нимадан?» «Ўзимдан». «Қани, олдик». «Хотинингизни яхши кўрасизми?» «Йўқ». «Нима учун?» «Нима керак яхши кўриб?» «Тўғри». «Хотин зотини яхши кўриш учун учинчи бир бизга ўхшаган жонзот бўлиши керак эди». «Тушунмадим, йўқ, тушундим». «Шундагина рақобат бўларди ва биз, яъни эркак-инсоният, мен аёл зотини чинакам яхши кўришни ва улар бизни шу аснода яхши кўришларини хоҳлар эдик». «Зўрми?». «Даҳшат». «Ичамизми?» «Ичамиз». «Аёлдан қочиш керак, қочган жойимиз эса аёлгача». «Ҳалиги учинчи тур жонзот бўлса эди, ўшалар томон қочар эдик». «Ҳа-ҳа-ҳа». «Ҳи-ҳи-ҳи». «Яхши ҳамки, йўқ». «Ҳаётнинг қизиғи шунда-да». «Ҳа». «Қани, олдик». «Мен ҳам концертга борсамми?» «Йўқ-йўқ». «Нимага?». «Нима қиласиз

бориб, вақтингиз бекор кетгани қолади». «Қанақасига бекор, шундоқ ҳам бекор ўтмоқда». «Ёзиш керак». «Ёзиш керак». «Абдухолиқ, худди ҳамма нарса ёзишга бўлганга ўхшайди». «Қанақасига?» «Ўқиб ёзгим қолади, ёзмайман, ҳар куни эртага қолдиравераман бўлишни». «Ёзишдан мақсад ҳам шу-да». «Тўғри, мақсад бор, демак, биз ҳам яшашга ҳақлимиз». «Албатта». «Абдухолиқ, мавжудлик кинога кўчди, ўша учун ёзиш тобора қийинлашиб бораётгандай». «Жараён, жараённи тўхтатиб бўлмайди». «Демак, шундай ёзиш керакки, китобни кинога кўчириб бўлмасин». «Санъат санъат учун демоқчимисиз?» «Гап шундаки, ҳаракатни тўхтатиб бўлмайди». «Қайси ҳаракатни, қани у, қаерда, қанақа тусда у ҳаракат?» «Ҳамма билди шунда-да». «Биз бугун билан келиша олмаймиз. Ҳаракатми шу?» «Бугун деганда нимани назарда тутамисиз?» «Ўзингиз мендан яхшироқ биласиз нимани назарда тутаётганимни». «Айтмоқчисизки, биз заифмиз, замон билан келиша олмаймиз ёки келишишни хоҳламаймиз», «Ҳа, йўқ, Абдухолиқ, гўё замон бизнинг измимиздан юрмаяпти, хоҳлаймизки, нима десам, жамият шу гапни инобатга олсин ҳам демоқчи эмасман, мен бу ғалаённи истамайман, гап шундаки, ҳаракатдан тўхтаб қолиб, бир четда уни кузатишни хоҳлайман», «Абдухолиқ, мен кетдим, қаерга, концертга-да, сиз бемалол ўтираверинг, зўр-ку, ҳеч ким кўлақит бермайди, яна ёлғиз ўзингиз билан жанг қилиб, нима, маст эмасман, ким айтди, ўзингиз ўзингизга мени маст бўлиб қолди деб айтди, ҳа, сотқин, дечам, ўзим бораман, мен билан боришнинг ҳожати нў», нима, қаерга, уйга кетасиз. Йўқ, ҳали жойингиздан қимирламай ўтиринг, мен қайтиб келаман, мана,

кўрасиз. Бир қучоқ мусиқа кўтариб келаман, э, шошманг, ўтиринг жойингизга, айтганча, Калкановский, болалигимда биринчи раҳбарларнинг ўлишини хўп кутардим, нимага, э, нимага, ҳа, топдим, масалан, Брежнев ўлганда, нимаси қизиқ, қанақасига нимаси қизиқ, у тобутда ётар эди, албатта, ўлик ҳолатда қимирламасдан, гўё ўликлик бурчини сидқидилдан, гўё партия топшириғини бажараётгандай. Қимирламасдан, тинч, осуда ва ғамгин уйқуда ширин ухлаб ётарди, телевизорда-да, э, гаранг, шундаги мусиқа менга ёқарди, то қабргача чалинган мусиқанинг шайдоси эдим. Кейин бошқа бир биринчи раҳбарнинг қачон ўлишини кутардим, ўша ғамгин мусиқаларни соғинар эдим, чунки, ўзим ҳам билмайман, кейин Андропов ўлганда хўп маза қилувдим, ўшанда мусиқани калламга сингдириб олишга, тушунмадим, нимасини тушунмайсиз, калламга жойлаштирганман, унда, эртага – катта бўлсам керак бўлиб қоладигандай, асқотадигандай, қачонки вақт келади уни ишлатаман, нимага қандай қилиб ишлатаман, билмайман, Абдухолиқ, сиз тушундингизми, ўзим ҳам тушунмадим, ҳақиқатан мастман, шу ҳолатимда қотиб қолишни истар эдим, фикр тўхтаб қолса, юрак музлаб қолса-а, кўзим пирпирамаса, кетдим, келаман, ҳа, кутинг, кутмангмас, ўтираверинг ичиб».

... яқинлашиб боряпман. Бир юз учинчи қадам: илон пўст ташлагандай, одам кўйлагини ечгандай, дарахт барги чангини ёмғир ювиб кетгандай, кимдир кимнидир тарк этгандай, оғиздан чиққан товуш ҳавода йўқолгандай, шу каби. Мен орқага қайтолмагандай, олдинга қараб юрсам-да, яқинлашиб келсам-да, келиб бинога кирсам-да, кирмасам-да,

онангни егир, худди ҳеч нарса ўзгармагандай, маст бўлсам-да, бўлмасам-да.

«Калкановский, яна қайтиб келдим, қандайсиз келди, ҳорманг, а, кириш ёқмади, киргим келмади, концерт бўляптими ўзи, албатта-да, ў, сиз мендан шунга илгарилаб кетибсиз-ку, қани, сузинг, сизга етиб қолмай». «Муסיқа қутқара олмаслигини билдингизми?» «Билдим». «Гўрга тиқишини ҳам билдингизми?» «Билдим». «Тириклай ҳаёт гўрига тиқилишни назарда тутишман». «Демак, мен тирик ўликман». «Ҳа». «Қандаш тирилса бўлади?» «Гап шундаки, тирилиб бўлмайди». «Одам ўлади, демак, тирилади». «Бу сизнинг қарашингиз, шундайми?» «Йўқ, алжирашим».

Бир юз ўн тўққизинчи қадам; «биз абадий ғоя танувчилармиз», унга ҳар замон янги фикр қўшиб кўзимиз, гоҳида ғояга қарши – уни елкамизда – бошимизда кўтариб, то яна янги ва бўм-бўш каллага олиб беришимизча ғалаён қилиб ҳам турамыз – бош кўтариб, янги фикр келади. Фикр кенгайиб бораверади, ер шаридан ҳам анча кенгайиб кетади, у ойга кўниди, ҳозирча ойни забт этди, кейинроқ Марсни қўллаб олади, шу сайин иш давом этади. Улкан ғоя охида фикр кенгайиб кетаверади. Биз, ғоя хизматчилари, содиқ қуллари, мен негадир қул бўлишдан кўрчидим, албатта, бу заифлик, агар бешиш заифлик бўлса ёки онгсизликми, менинг каллам қандай қабул қилишидами – англашидами, атрофни ва менгача бушан ўзича ҳамманинг ихтиёрисиз, ҳамманинг ўзари келишувисиз, бироқ ҳамманинг онгсиз равишда билиб-билмай ташиб келаётганидан маъно сиздиргандек Диоген, худди, онангни егир, мен ҳар куним ўзимга «эртадан сигарет чекишни ташлайман»

дегандек, қачондир ўлиб кетган, мен ҳозир – тирик, ҳали туғилажак ўзимга ҳар куни айтдим – айтаман «бўлди, бас, яшасин ҳурлик – йўқолсин ғоя, яшасин бўйсунмас фикр», лекин бу фикр ажойиб ва кўзга кўринмас Хизр ҳассаси каби таянч бўла оладими?

Бир юз йигирма биринчи қадам. Орқага қайтишнинг иложи йўқ. Нега? Чунки мен шуни хоҳлайман – биламан, ажойиб – кўнглимни кўтарадиган, менга ишонч берадиган, эртага яшашимга эрмак бўладиган воқеа бугун бўладиган – ҳозирча ноаниқ, кўнгил сезган, интиқ, сезгиларим қаттиқроқ ўз кучидан ҳам кўпроқ ва тезроқ ишламоқда, маст бўлсам-да, ичимда ҳаяжон чуқур ботиб худди илонга ўхшаб оғзим томон ўрмалаб келяпти, бошим айланяпти. Қайт қилгим келяпти.

Мен уйғонганимда (ҳали кўзимни очмай, аввало, қаерда эканлигимни англаб олиш учун ҳаракат қилдим) атроф қоронғи, ўнқир-чўнқир тепаликчалар ерга ётиб олиб писиб турган пойлоқчи одамларни эслатди. Қўрқиб кетдим, мени кимлардир номаълум далага ташлаб кетишганга ўхшарди. Майса ўсиб чиққан дўнгликни қучоқлаб ухлаб қолган эканман, бошимни кўтарсам, қабртошга кўзим тушди, билдимки, бу жой – қабристон, сигарет чекким келди, гугурт ёқдим, ёриғида қабртошдаги ёзувни ўқидим.

**ОЙХОН УСМОН қизи**  
**1978.20.V. – 2002.16.V.**



«Ойхон, бечора» дедим. Ойхон билан гаплашгим келди. Уни чақира бошладим. «Ойхон, эй Ойхон, уйғонинг, чиқинг қабрдан». Қабр ичидан «лаббай» деган овоз сўз чиқди. «Ойхонмисиз?». Демак, Ойхон «ҳа» деди. «Ойхон, чиқинг, сиз билан гаплашгим келяпти». «Нима ҳақда?» Овоз эшитилди, кейин «Ҳозир қабдан» деб чиқди. Ўнг қўлини менга томон узатди, кўришдик. Икков ҳам унинг қабри устида ўтирдик. Ойхоннинг кўзига қарадим, у меникига: мен ўрта кўздани жарлик – у ўлгани, мен тириклигим – мувофиқлик фикримизни моддийлаштиришга улкан қийинчилик берибгина қолмасдан, икковни яқинлаштириб кўяди, бир-биримиздан ҳеч қачон айрилмайдигандек, аммо биламиз, учрашувимизнинг ўзида ҳам қийинчилик, ҳам висол бор, бу, албатта, хоҳишимизга қаршилик, хоҳиш одамни, инсониятни бошқарадиган қийинмас ҳайбатли кучга ўхшайди.

«Ойхон, нега ўлгансиз?»

«Узимни ўлдирганман».

«Нима сабаб, қандай журъат қилдингиз?»

«Узимни ёққанман».

«Гапириб беринг».

«Бу ҳақда гапиргим келмайди. Айтганча, исмининг нима?»

«Денгиз».

«Денгиз, ажойиб исм, ким қўйган?»

«Момом қўйган».

«Момонгиз ҳаётми?»

«Ҳа, физик савол. Ҳаёт, нима у?»

«Денгиз ака, шундай чақирсам майлими сизни?»

«Денгиз деяверинг».

«Денгиз, брестонда нима қилиб юрибсиз?»

«Сизни кўргани келдим».

«Алдаманг».

«Маст ҳолатда келиб қолибман, эсимда бори консерваторияга кетаётувдим, унгача ўн беш-йигирма қадам қолувди. У ёғи эсимда йўқ».

«Кўп ичган экансиз».

«Ҳа».

«Нега ичасиз? Илтимос, бошқа ичманг».

«Сизга нима?»

«Барибир, ичманг. Ваъда берасизми?»

«Йўқ. Менинг ҳам ўлгим келяпти. Сизга маза».

«Нимаси маза, зерикарли».

«Бу ерда ҳам зерикарлими?!»

«Нега ўлгингиз келади?»

«Ўлмоқ ёмонми?»

«Йўқ».

«Маъно бўлиши шартми?»

«Албатта».

«Маъно? Нима у?»

«Маъно, Денгиз, у эртага, ҳаётга – кунга қадам қўйиш, эрта учун яшамоқ. Аммо бугуннинг ўтиши қийин, эртанги кун – бугуннинг эрмаги, эрмаги ҳам эмас, умиди».

«Бас. Эртага яна Бугун келяпти. Қани маъно?»

«Бу ўзингизга боғлиқ. Одамнинг ўзи тақдирини яратади».

Менинг ичимни бўм-бўшлик қоплаб олган, пуч ёнғоққа ўхшайди. Уни нима билан тўлдиришни билмайман. Менда қарор йўқ. Фикр муқим турмайди. Ҳаёт менда вазифасини бажариб бўлгандай. У ичимда эскириб қолгандай. Ҳар куни бир кун такрорланади. Вақт ўтади. Ниманидир йўқотаётгандай бўла-

бораман. Йўқотаётган нарсам умрим эмас, вақт ҳам эмас. Нима унда? Ишга бораман – уйга қайтаман. Бунинг ичида ҳаёт яшайди. Мен ғоянинг исботи учун яшайётгандайман. Борлиқнинг борлигини исботлаш учун яшашга маҳкумдаймиз. Шуни биламан: менинг ҳаётим забт этилган, унинг ҳар бир қаричини бугун қўллаб олган. Йўқотаётган нарсамни билгандирсиз, кундан-кун, йилдан-йил ўтган сайин эртани кўқота борапман.

\* \* \*

Маҳмуд Қидиров редакция биносидан чиқиб журналистларнинг доимий ўтирадиган кафеси томон юрди. Кафе ишхонанинг ёнгинасида, Маҳмуд Қидировнинг ўзи санагани бўйича, уч юз қадам чиқади. Кафега яқинлашди. Ичкарида Абдухолиқ Қулқон ва Денгиз Наимов ароқ, шекилли, ичиб ўтиришган экан. Кафега киргиси келмади. Кофе ичмоқчи эди. Орқага қайтди. Автобус бекати томон юра бошлади. Темур парки ичидан ўтмайди. Парк ичида кекса дарахтлар унга ҳадеб эслатади. «Шунинг нима кераги бор?». Ўзбек чоли ҳассага суянади. Маҳмуд Қидиров ҳассага суянмайди. Кекса дарахтлар Қидировга ҳассани эслатади. У дарахтларни тушунади. Дарахтларни кимдир тушуниши керак-ку. Йўқ, унинг ушш кекса дарахт, умрини ўтаб бўлган, баргини тўкиб бўлган, томири қуриб бўлган, яшашга, бўй чўзишга кучи қолмаган. Ёш дарахтлар кафеда ўтиришибди. Ўларга ҳаваси келади. Ва ҳаваси келмайди. Улар билан гаплашгиси келади. Ва гаплашгиси келмайди. Ҳаётнинг фойдаси йўқ. Яшашнинг фойдаси йўқлигини билиш учун етмиш уч йил яшашимга тўғри келди. Англаш-

ҲЕЧ

• МУРОД ЧОВУШ

17  
INVENTAR № 2021/199-1  
Тошкент НКМ

нинг бемаънилигини билиш учун, эҳ-ҳе, қанча китоб ўқиш керак бўларкан?»

Костюмининг ички ўнг чўнтагидан конфет олиб оғзига ташлайди. Автобус ана-мана келиб қолса керак. Ана-мана келиб қолмаса ҳам майли, бир соат ёки икки соат келмасин. Шошилаётгани йўқ. Шошилиб бўлди. Олдин китоб ўқиганда оғзида эриётган конфетнинг таъмига маза қилгандай, миясида адабий қаҳрамонларнинг ҳаракатини англаб ҳиссиёти жўшарди. У бекатгача нима ҳақда ўйлаб келганини эсламоқчи бўлади. Нияти, аслида, ичидаги тушкун кайфиятни йўқотмоқчи. Бу ҳиссиётни сўзга, кейин гапга айлантирмоқчи эмас. «Ёлғизликдан» деб қўя қолади, холос. Ҳа-я, нима ҳақда эди? Йўқ, ҳеч нарса ҳақда ўйламабман-ку. Юзида табассум югурди, ўтиб кетди. Бу конфетнинг ширинлигидан. Одам ўзини ҳар замон алдаши ҳам керак-ку. Толстой эсига тушади. У ҳеч қаёққа қочиб кетганди. Ўлимидан қочганмиди? Йўқ. Хотинидан ҳам қочмади. Ўзидан қочдимми? Шундай деса ҳам бўлади. Толстой ёнувди, ёниб кетаётганди. Миясида тўпланган ҳашарот – фикр ёна бошлади. Бу ёнғин уни адои тамом қилди. Ёнғинни ўчиришнинг иложи топилмади. Иложи ҳам йўқ-да. Эй, тўхта, иложи бор. Буни ўйлаб кўриш керак. Айтганча, аёллар ўзига суиқасд қилишса, ўт кўйиш усулини танлашади. Қизиқ. Ўтган ҳафта хоразмлик бир аёл ўзига ўт кўйибди. Ким айтди? Эсимда йўқ. Нега ўт? Заҳар ичиб ўзини ўлдирса маъқулроқмасми? Заҳар қиммат турса керак. Арқон билан-чи? Йўқ, бу қийин жараён – арқон топиш керак, уни шифтга боғлаш, оёқ остига стул, э, бу узун кечади, вақт ўтади, қарабсизки, жаллод ниятидан қайтади. Олов яхши

уул. Эгнига бензин сепиб гугурт чакса бўлди. Тамом. Ниягдан қайтишга ҳам кеч бўлади. Бир зумда ёниб сўч бўлади.

Толстойга раҳмим келади. Миясида фикрлар тўшиб тошиб кетганди. Қай бирининг тўғри-нотўғрилигини билмади. Одамни бунчалик севиш ҳам керак эмас. Кўникиш керак эди, Толстой. Лев, нега кафега кирмадингиз? Абдухолиқ Қалқон кафедрада ўтирган экан Денгиз Наимов билан. Нима қипти? Сизим ҳам билмайман. Алдаяпман. Биламан. Нима қипти? Анови Денгиз Наимми? Ҳа, маст. Боши эгик. Метро томонга кетяпти. Унга ачинаман. Мен унга ачинаш учун етмиш уч йил яшадим. У менга ачинади. Ана-мана ўлади деб ўйласа керак. Шундай ўйламди. Нима қипти? Мен унга вазифамни ўтаб бўлдим. Ва тескариси – менга у. «Мен дунёга келдим. Вазифам – бировларнинг кўнглини овламоқ». У шуни қилган ёки билганми, бировларнинг кўнглини кутариш тубанлик, билган. Шоир. Бир сатр шеър ҳам сизмабман. Қизиқ. Автобус келди. Вазифасини ўтаяпти. Қани, Лев Николаевич, автобусга чиқамиз. Қидирон автобус тўрига бориб, бўш ўриндиққа ўтиради. Толстойга ёрдам бермоқчи. Толстойни кафедра ўтирсини дароҳтлардан қутқармоқчи. Уф. Толстой ўлиб кетса бўлмайдими? «Мияси айниган чол». Эшитдим. Наимов айтди. Улар кафега кираётганимни кўришмади, кўришдими? Атайлаб айтдими мени кўриб?

Ёмғир ёғаётган экан. Кўрмабман. Сизмабман. Ўтибор қилмаганман. Йўқ, уни қабул қилишга вақт бўлмаган. Ёмғир ҳам вазифасини ўтаб бўпти. Шунда бу менинг ҳиссиётим ёмғирга нисбатан вазифасини ўтаб бўлди. Ё пирай. Танграм. «Бегона» Камю.

Мен фақат ўқибман. Фикрлашга вақт ажратмабман. Демак, ҳали яшашга ҳаққим бор. Яшаса бўлади. Миям озиқланишига овқат мўл. Ҳа. Маҳмуд Қидиров юзидан табассум югуриб ўтиб кетади. Шляпасини пешонаси томон туширади. Кўзини оёқ кийимига қаратади. Йўловчилар «мияси айниган чол» деб ўйлашмасин. Нима қипти кулса? Товуш чиқармай кулди-ку. Қаёққа кетяпман? Толстой. Маъно топилди-ку. Ўзимни алдаяпман. Қаёққа кетяпман? Уйга. Мени уйда ҳеч ким кутмайди. Кутмоқлик – одат. Лекин сени кимдир кутишини хоҳлашинг нима? Одатмас. Яшаш – одат. Лекин яшашдан чарчаш одатмас. Қайси маънода? Қариган дарахтнинг шоҳлари қарсиллаб синиши. Дарахт шоҳи устимга ағанаб тушади. Кўрққанман. Хиёбон ичидан ўтмаганим. Оғриқдан кўрқаман. Ҳамма кўрқади. Ҳамма Худодан кўрқади. Нима учун? Дарахтнинг шоҳи синмасин учун. Ичимда нима синди? Ишончми? У ҳар куни синади. Ҳар лаҳза яна тикланиб, яна вазифасини ўтайверади. «Ўзингизни ўзингиз алдайсиз»миш. Абдухолиқ Қалқон айтди. Рост. Ҳамма ўзини алдайди-ку. Аслида, одамни шу қутқаради. Алдаш одамда умид уйғотади. Умид – образ. Одамнинг бадиий тимсоли. Тимсолда чегара йўқ, охири йўқ ва кўринмайди. Кўринди дегунча – шоҳлар синар-синмас – янги образ пайдо бўлади, янги шоҳлар ўсиб чиқади. Қидиров шляпасини пешонаси, кўзи томон яна туширади. Табассумини автобустаги йўловчилар кўрмасин. Унга лақаб қўйишган. Бугун билди. Наимов юзига айтди: сиз Антиборхес. Ёзиш, демак, ёзувчининг латиф олами тажалли қилиши. Мен уялиб қолишим мумкин. Қидиров шляпасини сал орқага суради. Йўловчиларга

сиздайди. Ҳамма ўз хаёли билан овора. Ҳеч ким унга сиздайгани йўқ. Миллатда шундай ҳолат бор. Нега? Бир бирига сездирмайди. Ёки сезиладиган объектнинг ўзи йўқми? Юрак бўм-бўшми? Тавба қилдим. Тавба қилдим. Хоразмлик аёл ўзига ўт қўйибди. Ўт қўйиш – одат. Муқаннадан қолган. Аҳ, хизмати шу бўлди. Аёлларга олов билан ўзини ёқишни ўргатди. Ҳамма аёлларимизнинг қонига ўзига ўт қўйиш соғилган. Ёки ёвга ўлик танасини ҳам топширмасликми? Номус. Нега номус? Номус одам хаёлининг тирканч маҳсулотидан. Бизда фақат хаёл ишлайди. Мен шляпамни туширдим. Менга одат. Яна бошқача бошқаларда фикр эмас, ёмон хаёл уйғотмай дейман. Уларни биламан. Ўзимни. Фақат хаёл ишлайди. Шляпамни кўтариб ҳов анови кампирга тиржайсам, шунда «жаноб, мен сизга кимнидир эслатдимми?» деса, мен «Йўқ, хоним, менда транс ҳолати бўлди, шекилли» деб жавоб қайтарганимда у аввали хо-муш тортиб, сўнг юзида табассум югуради ва мени ургана бошлайди. Менинг кийимимга қарамайди, шляпамга қарамайди, оқарган сочимга қарамайди, чўтир юзимга қарамайди.

«Бу ажойиб инсон нима ҳақда ўйляпти?» деб ўйлайди. «Сўрасаммикан, йўқ, бу шарт эмас»... Шундай дивом этади. Ёки бошқача. Асосийси, кампир мав-+удлигини ҳис қилиб туради. Ва мавжудлигини билдиришдан уялмайди. Чунки унинг мияси эркин, мустақил дунё. Дунёнинг ҳар қаричи кампир томонидан бошқарилади. Қачон шундай бўлади, хаёл. «Автобус деразасидан қараб кетсанг, узоқ-узоқларга кетар келлинг» деб Рауф ёзган. Ана шоирларимиз ҳам келланишади. Хотиним билан ажрашганим. Саба-

би, аслида, шундай. Қандай эди? Мана бундай: мен уни, унинг борлиғида акс этган воқеликни билдим. Унинг борлиғи онгига фақат хаёлга озиқ бўладиган – хаёл ишлаб чиқарадиган маҳсулот етиштириб берарди. Бу маҳсулот борлиғини ташкил қилади. Маҳсулот ҳеч нарсадан иборат. Ҳа, ҳа, ҳеч нарсадан. Чунки унинг борлиғининг ўзи йўқ эди. Агар қўпол қилиб айтадиган бўлсам, шундай. Кейин нима бўлди? Нима бўларди? Унинг борлиғини хаёл ташкил қилади. Тарих унинг миясида (борлиғида) хаёлда сузиб юради. Унинг мияси (борлиғи) дунёни тасаввур қилибгина ўзича тушуна бошлайди. Хаёл ёнидаги кишини сотишга мойил. Хаёлнинг жловини ушлаб бўлмайди. Натижа қандай бўлади? Хиёнат. Ҳеч бўлмаса, ички хиёнат. Унинг мияси (борлиғи) мендан бошқа, бошқа борлиқ акси билан банд бўлади. Борлиқ одамнинг бирдан-бир илоҳий дунёси. Лекин хотинининг борлиғи ўрнидаги хаёл эди. У товукмияга мен-да таъсир ўтказолмадим. Менда нима айб? Айб хотинимда ҳам эмас. Айб Зулқарнайнда, унинг файласуфларида. Мен ўзимни алдаяпман. Абдухолиқ чин айтди. «Афлотун ғояси бизга мос келмайди. Бизнинг табиатимиз аввал ҳаракат қилишни, масалан, йўл юришни, йўл юрилгандан сўнг нима учун йўл юрилганлиги ҳақда фикр юритишни талаб қилади».

Чунки миямизда ҳар битта миллатда бўладиган нуқтадек нарса йўқ, йўқолган. Унутилган. Шунинг учун аввал уй қурамыз, иморат битганидан сўнг нима учун уй қурдим деган саволни ўзимизга берамыз. Аввал туғиламыз, кейин нима учун туғилдик деган саволни ўзимизга берамыз. Отам тирик бўлганида сўрардим: нима учун ўн битта фарзанд туғдирдин-



ни, бу қўзичоқларни қандай боқаман деб ўйлама-  
дингизми? «Ҳа, ўғлим, Худо бергани-да» дерди агар  
тирик бўлганида. Бу саволга ундан жавоб олишим  
ўчун тирик бўлиши шарт ҳам эмас. Хўш, борлиқда-  
ги (миядаги) ўша нуқта – уруғ нима бўлиши мумкин?  
Унинг ранги қанақа? Агар бор бўлганида! У йўқ. Бал-  
ки, бордир. Нуқта, масалан, ёмғир томчиси билан  
миядаги борлиқни боғлайдиган восита – билиш. Ўз-  
бек қандай билади? Ёки қандай англайди?

Маҳмуд Қидиров уф тортади. Уф-ф, уф-ф. Ниги-  
листлар менга таъсир ўтказиб қўйишибди-ку. Абду-  
холиқнинг фикри тўғридир. Нимайди: ҳаракат – одам  
борлиғи, тамом, қадимги туркнинг биздан фарқ-  
ли хусусияти шу дейди. Денгиз Наим қўшилмайди:  
«Ҳаракат ва борлиқ параллел, бир-бирисиз мавжуд  
эмас». Мен нима девдим шунда? Эсладим: илоҳий  
дунёни рад қилманг. Шунга ўхшаш гап айтдим. Нега  
шунга ўхшаш? Шунақа девдим. У нима деб жавоб  
қайтарувди? «Руҳ воситасиз ҳаракат қила олмайди».  
Сиз ўйлаган ўлимдан кейинги ҳаёт йўқ ва шунга ўх-  
шаш. Ҳақиқатан, восита бўлиши керак-ку тананинг  
ўрнини босадиган. Уф-ф.

\* \* \*

Мен кеча концертга кирдимми? Эслай олмайман.  
Ёмғир ёғарди, консерватория биниси хоч шаклида,  
Исо бинони кўтармоқчи бўлди, мен кулдим, кейин  
йиқилдим, яна турдим, Исо хоч – бино атрофидан  
айланди, мен унинг орқасидан қадамимни санаб  
юрдим. Кейин нима бўлди? Исо чакмонини ечиб  
ерга отди, мен миямдан фикрларни қувиб юбормоқ-  
чи бўлдим. Исога тақлид қилдим. Йўқ, бу ҳар кунги

машғулот – ҳолат, Исо чакмонини ечгани, кейин мен миямдан ҳамма ўйларни қувиб юбормоқчи бўлганим тасодиф.

Балки, аслида, бундай бўлган эмас. Исони кўрганим ва у хоч шаклида қурилган консерватория биносини кўтармоқчи бўлгани, аслида, мен билан содир бўлган ҳолатда, яъни ичимдаги жараён шундай тасаввурни юзага олиб чиқди. Кейин нима бўлди, қачон уйга келдим, эслай олмайман.

Яна уйқудан уйғониб тўшакдан туриш керак. Яна тўрт йилдан кейин Ойхонни кўчада кўриб қолган куним худди ҳозиргидай эрталаб соат саккизу йигирмада уйқудан уйғониб, тўшакдан туриб, юз-қўлимни ювиб, кейин кўчага – қаёққадир бориш учун ўзимдан куч қидира бошлайман. Куч ўз-ўзимга берган саволимнинг жавобида бўлади. Гоҳида саволга савол билан жавоб қайтараман. Гоҳида эса миямда ялт этиб ажойиб фикр пайдо бўлади ва тўшакдан сапчиб тураман. «Яшаш – гўзал ҳаракат». Яна тўрт йилдан кейин ҳам шундай бўлди. Бугун ҳам. Аввал Исо ҳақида ўйладим. Кейин. Кеча концертга киролмадим. Бугун албатта кираман. Кейин-чи? Бўшашиб кетаман. Кўзимни юман. Юпанч излаб кетаман. Дўзахдан қайтиб келаман. Жаннат қизиқтирмайди. Бирдан дўзах рекламаси ҳақидаги латифа эсимга тушди. Кулгили ва ажойиб.

«Бир одам ўлибди. Нариги дунёда унга аввал жаннатни кўрсатишибди. Жаннатда одамлар юзида кулги, ҳаммаёқ кўм-кўк, ариқлар тўла асал, хуллас, бир хил ҳолат. Кейин дўзахни кўрсатишибди. У ер худди ердаги ҳаётга ўхшармиш. Кафе, бар, ресторан, кўча тўла одам, ким кимнидир туртган, ғала-ғовур, йиғи, ҳар жойда маст-аластлар ва шунга ўхшаш.

«Қайси бирини танлайсан, хоҳиш ўзингда» дейишибди. Одам ўйлабди. Жаннат зерикарли, жаннатда абадий яшаш – зулм, дўзах унга маъқул бўлибди. Дўзах, ҳар ҳолда, ердаги ҳаётга ўхшайди. «Дўзахга нотаман» дейиши билан атрофни қоронғилик болиб, иккита дев пайдо бўлибди. Девлар уни қўлидан маҳкам ушлаб катталиги денгиз кенглигидай қозонга ташлашибди. Одам қайноқ сув азобидан бақирармиш – йиғлармиш. Девларга сизларга дўзах менга норақ девдим деса, девлар бояги кўрсатганимиз дўзахнинг рекламаси эди дейишган экан».

Фикр ўзгариб бораверади, бу ожизлик олти йил олдин ҳам, масалан, сигарет излаган куним ёмғир шарди (яна ёмғир), у менга таъсир қилмайди, аксинча, унга менинг таъсирим ўтади, ўшанда Бешёғочда ҳали янги кўприк қурилмаганиди, эски ва кўрқинчли кўприкдан ўтиб миллий хиёбон томон кетдим. Чунки олдимда бир одам, ёши қирқларда, қачон оғзидаги сигаретни ерга ташлайди? Бошим оғрийди, одам чекилган сигаретни ерга ташлаганида мен икки метрлар орқада эдим, қарама-қарши тарафдан келаётган қувонлар яқинлашиб қолди, мен ерда ётган чўғи ташланиб ўчаётган ярми чекилган сигарет қолдиғидан кўзимни узмай «ҳали ҳаммаси олдинда» дедим ҳозир ва яна тўққиз йилдан кейин Ойхон мени кўргани келганида қувонаман ҳозир, яна тўққиз йилдан кейин ҳам лекин ўшанда ва ҳозир «Бу картина, бундан ичидан чиқиб кетолмайман», аммо Ойхон кўзимни ушлаганда қалтироқ сезаман. «Майли, яшаш тўзал ҳаракат», ўйлаб кўр, шунда ва ҳозир ҳам олти йил аввал ўша миллий хиёбон ичида юриб сигарет қолдиғи излаганимда ҳали умримнинг сигаретини

чекиб бўлмовдим, ҳар ҳолда, ўшанда шундай ўйлардим. Мен картинадан чиқиб кетишим шарт, олти йил олдин фикр – сигарет чекишим керак, кейин кўзимни юмаман, юммасам ҳам бўлади, ҳали севаман, шунда ҳаётимни англаб етаман, исми Ойхон, энди билдим, аниқроғи, икки йил аввал. Ўшанда китоб ёзаман, мақсад агар Ойхонни учратмасам, ўйлардим, энди ҳам лекин ҳозир фикр измидан юришни хоҳламайман, у менинг орқамдан юрсин худди ёмғирга таъсир қилганимдек, тўққиз йилдан кейин бундай бўлмайди, ютилдим дейман, оғзимдан кетма-кет сон-саноксиз «тавба» сўзи чиқади, ўшанда ҳам илинж қидираман, яна фикрнинг орқасидан юриб кетаман, уни қувиб етолмаганимдан сўка бошлайман, «жаннат ҳам, дўзах ҳам картинанинг ичида, бу зерикарли». Юзимда табассум югуради. Ойхон «тузалади» деб ўйлайди, ғамхўр эканини биламан, «мен ғалаба қилдим» дейман, овоз чиқариб у сал кулади, ичида «жинни бўлиб қолибди» деб ўйлайди, орқасидан «тавба, тавба» деб ичида айтади. «Хор бўлиб ўлиб кетяпти» деб ўйлайди, биламан, мен яна дўзахда ё жаннатда хор бўлиб яшашим мумкин ёки... Ҳозирдан олти йил муқаддам «ҳаммаси ҳали олдинда» девдим, «алдаш керак эди ўзимни», ҳозир шундай айтдим, яна тўққиз йилдан кейин бундай деймайман, «ҳаммаси жой-жойида, картина ажойиб» дейман. Бир ҳафта олдин менга нима деди уйида етмиш мингта китоби бор М.Қидиров, у ҳам шу. Мияси айниган чол. Менга нима дейди. Ҳа, «Китоб. Ундаги фикр мен билан ёзувчини боғлайди». «Мени бу қизиқтирмайди» деб ичимда унга бошни силкилатдим, у эса «менинг аурам кенгайиб, ахборот олиш

имкони ошади» дейди, яна ўнг кўрсаткич бармоғини мен томон қимирлатиб «сиз дўстим», «сенинг дўстинг эмасман», дўстлик фикрлар параллел бўлишига кўрилади, мен фикр юритишни хоҳламайман, аксинча, у «дўстим, фикрлаш йўл юришга ўхшайди, манзил томон, албатта», «мияси айниган чол», унга гап айтмайман, нуқул бош қимирлатаман, чунки биламан, «фикрлаш ҳеч қандай манзилга олиб бормаиди, у мияхонада бор-йўғи битта фильм яратади, холос», балки, фильмнинг ўзи манзилдир, йўқ бундай эмас, бу хаёл, ўшанда ҳам «фикрнинг ибтидоси ҳам, интиқоси ҳам хаёл» деб ўйладим, «мен уйимдаги китобларим билан манзилга етолмайман, бу кам», хаёлим бўлинади, чол гапида давом этади, «манзилга етолмасам ҳам керак», ҳеч қандай манзил-панзил йўқ. «Биз картинанинг ичида», ичимда нуқул шу гапни такрорловдим ҳозир ҳам, аммо тўрт йилдан кейин шу йили Абдухолиқ Қалқоннинг хотини заҳар ичади. Ойхонни учратганимдан бир ой олдин картинадан чиқиб кетиш мумкинлигини фараз қиламан, «борлиқдан ташқарига нима элтиши мумкин», фикр эмас. «Фикрлаш, аксинча, борлиқда муқим туриб қолишни белгилайди», лекин у, М.Қидиров айтгандай, манзил томон олиб боради, «йўқ» дейман, «борлиқдан ташқари мавжуд эмас», адашаётгандирман, шунда Ойхонни кафега таклиф қиламан, аввалига рози бўлмайди, «эрим» дейди. «Дунёдаги энг ажойиб нарсаси ҳис, фикрлаш ҳам, хаёл ҳам, ўй ҳам, туш ҳам унга тенг келолмайди», кофе ичамиз, миямга фикр юралади, «ҳис – борлиқ, ҳолат ҳис ишлаб чиқаради», менга яхши, «қанийди Ойхонга тикилиб турганим, у ичимда, шу ҳолат абадий давом этса, тугамаса, муз-

лаб қолса», афсус, яқинда у эрга тегди, бир ярим йилдан кейин фарзанд кўришади, қиз – Қундузхон исми, «фикрда манфаат бор, ўйда ҳам, хаёлда ҳам, тушда ҳам, ҳисда манфаат йўқ, чунки унинг ўзи сўнгги манзил», ўтираверамиз-ўтираверамиз, ярим соат, қирқ беш минут, бир соат кейин хайр, ҳисларим, бунга яна тўрт йил бор, гўё тўрт йилдан кейин шундай ҳолатни бошдан кечираман, «шунгача қанча фикрларни бошдан ўтказдим», Ойхоннинг кўзига тикиламан, «бу сувратни хаёлимда асраб қолмоғим керак», учрашувдан сўнг бир ҳафта ўтар-ўтмас ўша кафега кираман, унга тикиламан, «суврат асқотдику», хаёлимда у, тикиламан ва фикрлар ёрдамида ҳисни қаеримдандир чақириб оламан, «йўқ, бундай эмас», ҳозир шундай фикрга келдим, «аслида, мия тўқийди, бор-йўғи шу», бу гапни олдин ҳам, тўққиз йилдан кейин ҳам айтаман, чунки фикрдан олдинга ўтиб кетолмайман, уни мен туғяпман, менга бўйсунмайди, неча марта ўзимга айтганман «бўлди, бас қил, ўйлама», йўқ, у мендан озодликка чиққан, менга қул эмас, бор эркалигини қилмоқда, ҳатто «Худога ишонмайман» деб айта олади, Худо бор дейман, жавоб: «нима қипти?» ва мен бутун эътиборимни фикримга қаратаман, натижада ҳар хил хаёл пайдо бўлади. Бас. Картинадан чиқиб кетиш керак. Фикр – бўёқ, у ҳаётимга ранг беради, лекин бу рангдан ва ҳосил бўлган-бўладиган картинадан қониқмайман, қизиғи йўқ. Бас. Бошқа йўл бор, бўлиши керак! Шу йўл мени қутқариши керак!

Сигарет чекким келди. Гугурт ёқиб сигаретни тутадим ва ёнаётган гугурт чўпини ўчириб кулдонга ташламоқчи эдим, гилам устида (дунёга келгани-

та уч-тўрт кун бўлган бўлса керак) суваракни кўриб  
олдим. Ёнаётган гугурт чўпини унинг танасига те-  
шииб олдим. У қочди. Оловни яна тегиздим. Яна  
оғриқни сезди. Суварак бахтли. Лекин у бахтли экан-  
лини билмайди ва ҳис қилмайди. «Суваракжон, сиз  
бахтлисиз». Чунки одам – мен ҳис қилиш учун ҳатто  
шилларни босиб ўтаман, айтишга осон, балки, йўқ  
шундай. Суваракжон, билсангиз эди. Билмайсиз-да,  
ҳис қилиш учун, яъни юрагимда бир нималарни қўз-  
ғиб олган учун мен шоирларнинг шеърини ўқийман. Улар  
менга ўхшаганларга маҳсулот етказиб беради. Би-  
ровлари бу маҳсулот эмас, мутлақо ўзим учун ёзган-  
ман дейишади. Ишонса бўлади, ишонмаса ҳам. Ик-  
кида вазиятда ҳам касал эканликлари билиниб қо-  
лади. Ҳей шоирлар, яширишнинг ҳожати йўқ. Нима  
ҳис қилиш касал бўлсангиз? Ҳаммамиз касал. Суварак,  
шошманг, қаёққа қочяпсиз? Яна «ҳис» қилинг. Оғ-  
риқни ҳис қилиш ҳам бахт. Одам каби тушунсангиз  
эди, шеър ўқиб берардим, биргалашиб оғринардик  
эдилардик, начора, танангизга олов теккизаман.  
Мен бу ишимдан роҳат олмаяпман, асло, ишонинг.  
Бор йўғи одам табиатини, табиатимни тушуниб ол-  
моқчиман, холос. Суваракжон, сизга азоб бериш  
орқали ўзимни фош қилмоқчи эмасман. Бу тақиқ-  
ланади. Сиз бу дунёга келиб азоб-уқубат тортаёт-  
ганингизни билсангиз эди. Арзимас нон ушоғи деб.  
Билмайсиз-да. Янги гугурт чўпини ёқиб танангизга  
теккизай, шошманг, югурманг, қайга боряпсиз, қайга  
қочяпсиз? Билмайсиз-да. Агар билсангиз эди. Эй су-  
варак-шоир, эй суварак-ёзувчи, эй суварак-деҳқон,  
эй суварак-олим ва ҳоказога айланар эдингиз. Сува-  
ракжон! Шошманг, мени тингланг. Ёвузлик – маъно.

Яхшиям, у бор, бўлмаса, яшаш зерикарли бўларди. Ҳаётдан мазмун йўқоларди. Мана, сизга ёвузлик қиялпман, қочяпсиз – яшаш, тирик қолиш учун ҳаракат қиялпсиз. Сизга ҳавас қиламан. Сиз гилам устида зулмдан қочиб эзгулик истаб кетяпсиз. Лекин менинг ёққан оловим сизнинг танангизга таъсир қилмай қолса, бундан даҳшати йўқ. Агар таъсирсиз бўлиб қолсангиз менга ўхшаб. Унда сизга ачинаман. Шунда шунча умрни қандай сарфлайсиз? Шунда умр сарфлашдай оғир вазифа чекингизга тушганини «билардингиз». Мана, мен ҳатто сизнинг насиҳатингизга зорман. Сиздан йўл кўрсатишингизни, маслаҳат беришингизни сўраяпман. Сизга жавоб. Сизни қийнамай. Менинг ўзим ҳам эртанги кунимни қандай сарфлаш, нима машғулот билан ўтказишни билмайман. Эрта менинг бошқарувимсиз ўтиб кетади. Ҳозир шундай деяпман-у, ўзимни алдаяпман. Алдаш сўзи унчалик тўғри келмас, агар ҳолатимни чуқур тадқиқ қилсам ҳар кун келадиган эртани мияхонамда ҳозирга айлантираётган бўлиб чиқаман ва бу ҳозирда ичимдаги фикрлаш жараёни келажакни тўқиб қўйиб, ҳозирнинг ғамини истасам-истамасам ейди, бу ҳаракат эмас, жараён, ҳаракатда мақсад бўлади, жараён ўз-ўзидан ҳаракатланади, у табиат қонунини бажаради. Машғулотим китоб ёзиш эди. Эди. Энди ёзишда маъно йўқдай. Мақсад бор – умр сермазмун ўтади ва инсониятга хизмат қиламан. Ҳамма ёзувчилар каби. Инсоннинг орзу-армонлари, изтироблари, эҳ-ҳе. Мен тўқийман, аввал ўйлаб оламан, атрофга баҳо бериб оламан; Маҳмуд Қидиров, о, яхши қаҳрамон чиқади – мулоҳазали одам, кўп ўқиган, кейин унга, уни, йўқ, у бош қаҳрамон бўлади,



дига, унинг миясига ҳар хил қизиқарли ва ғайриоддий фикрлар кийгизаман, қарабсизки, роман, бошланиши чакки эмас, асар ривожланаверади, ундагина бошқа одамлар – образлар пайдо бўлади. Бири гуманист, бири – динчи, бири – атеист, бири – фойдаши, бири – қоровул, бири – алламбало. Китоб ёзилаверади-ёзилаверади. Мен тўқийвераман-тўқийвераман. Нимага? Нима учун? Одамни алдашнинг нима кераги бор? Унинг миясига бўлмағур китобни ойлаш кимга керак? Унинг мияси бу китобни ейдими бошқа китобларни ейверади, охир-оқибат, бу зарланган мия, билмайман, нима бўлади? Маҳмуд Ридиров мияси айнамаган, меники айниган. У фақат китоб ўқийди, ўқиган нарсасига ёш боладек ишонади. У фикрламайди. Ўн яшарлигидан китоб ўқишни бошлаган. Мен ҳам ёзувчи бўламан деб ният қилган. Китоб ёзишни илоҳий иш деб билади. Шунинг учундир саксон ёшга боряпти бирорта китоб, ҳатто икки ботдан иборат ҳикоя ёзгани йўқ. Нега? Ёзгани йўқ. Сўраганман.

\* \* \*

«Турон»нинг махсус мухбири Муса Нормурод таксидан тушди. Такси ҳайдовчиси билан йўл ҳақи учтида озроқ тортишди. Пул санай туриб ҳайдовчига «агар хотиним иккиқат бўлмаганида, у жаҳон, бу жаҳон таксинга чиқмасдим» деб тўнғиллади. «Хотининг иккиқат бўлса, таксичилар айбдорми?» дегениши билан ҳайдовчи машинасининг газини босди. Махсус мухбир Муса Нормурод нон халтасини ўнг қулидан чап қўлига олиб тош қидира кетди. Ердан қалталиги ёнғоқдек тошча топиб бошини кўтарди.

Ёнидан «Замон» газетасининг ким неччи йиллик бўлим мудури Маҳмуд Қидиров ўтаётганди. Таксига аталган тошчани билинтирмай ерга ташлади. Ассалому алайкум, устоз, ишдан қайтпасизми, мунча кеч? Ҳа, ҳа, тушунаман, секин келяпсиз. Ҳа, энди ман озроқ дегандай. Ҳалиям ҳозир эртачи келяпман. Келингиз тўлғоғи тутиб қолиши мумкин. Ҳозирча иккита, устоз, битта қиз, битта ўғил. Уч хонали. Яқини ҳам икки йилча бўлди. Қаёқдан, ишхонадан! Қачон туянинг думи ерга тегса, ишхонадан уй беришади. Отамнинг уч-тўртта моли бор эди. Шуни сотдик. Яна акаларим пул қўшди. Устоз. Сиз билан қўшниман. Сизнинг «дом»ингиздан кейингисида тураман. Асти қўяверасиз, совуқ-совуқ. Яна лифти ҳам ишламайди. Олтинчи қаватда. Э-э, устоз, бу ёқдан юринг, у ёқ кўлмак. Ўқийвериб-ўқийвериб кўзнинг нурини, а, устоз. Хомуш кўринасиз, устоз. Э, а, чарчоқни чиқариб туриш керак-да. Ишдан кейин юз грамм дегандай. Йўқ-йўқ, устоз. Максимум юз эллик «фишт» қиламиз. Ошиб кетса, хотин уришади. Бугун сал энди. Шогирдингиз «эриди». Денгиз Наим-да. У ҳам яхши «олади». Э, устоз, тинчликми? Ҳа, энди, тўғриси айтаверинг. Биласиз. Айтаверинг, гап шу ерда қолади. Сиз ҳам гап олиб бўлмайдиганлар хилидан-да. Денгиз Наим, Абдухолиқ Қалқон икков ишдан бўшалдик деди-ку. Хабарингиз бўлиши керак-ку. Бўлимингизда ишлашади. Узр-узр, устоз. Боягина айтди. «Зухра» кафесига юз элликни майдалаб ўтирувдим. Денгиз Наим, чамамда, сигарет излаб кириб қолди. Қўшни кафедра Абдухолиқ иккови «ювиб» ўтиришган экан. Ишдан кетишганини-да, устоз. Ўлай агар, шундай. Ўз оғзи билан айтди. Ишдан «фишт» қилдик деди. Йўқ,

устоз, ҳазиллашмаяпман. Хурматингиз бор. Сизни қаттиқ ҳурмат қиламан, устоз. Ўзи, шу шогирдчанингизнинг калласи «фишт» – кетиб қолган. Озроқ – икки юз грамлар етишмайди. Анча секин юрасиз-а, устоз. Йўқ-йўқ, шошаётганим йўқ. Вақтни тўхтатиш керак дейди. Маст десам, мастга ўхшамайди. Ҳойна-ҳой, устимдан куляпти бу тирранча дедим ичимда. Яна бир нималарни алжиради. Эшитдим, устоз, юз грамм олиб бергани ҳаққи-ҳурмати. Э, устоз, сизга нима қизиғи бор? Эслолмаяпман-да. Ҳе, устоз, борлиқ нима? Борлиқ – мияхона, шу ерда, дейди, вақтни тўхтатишимиз керак. Борлиқ ташқарида-ку десам, бу мияхона деб кулади. Туриб юзига тарсаки тортиб юбормоқчи бўлдим. Қаранг, мени нима деб ўйлаяпти? Анча бошимни қотирди. Устоз, хафа бўлманг-у, мастлик – ростлик, айтаман, сизга лақаб қўйиб олишибди. Хафа бўлмасангиз агар. «Интеллектуал хаёл». Яна иккинчиси ҳам бор: Антиборхес. Устоз, ҳали сиздай бўлишига анча бор. Ит эгасини қопади дегани шу бўлса керак. Иккови неччи йил қўлингизда ишлади? Беш йил! Қаранг, устоз, тузлиғига тупуришни. Нима бўлганини билмадим-у. Сиз билганни билишига анча бор. Э, устоз, сизга нима қизиғи бор? Ман, дейди, ҳар лаҳза ўляпман, шунинг учун вақтни тўхтатиш керак. Вақтни тўхтатиб бўлмайди десам, кулади. Биладан, дейди, вақтни тўхтатиб бўлмайди, лекин ўлмасдан бурун вақтни тўхтатиш керак. Хаёлимда инженер Кириллов бўлмоқчи, ўйладим. Тўғри ўйлабманми, устоз? Нега сал-пал? Сиз ҳам сал... қизиқроқсиз-да, устоз. Шу, эслолмаяпман-да. Калламни эшитиб ташлади. Мастнинг гапи кимга ёқади? Сиз ҳам бир нарсага берилиб қолсангиз, а, устоз. Ман

вақтни тўхтата оламан, шунинг учун ичайлик деб яна юз грамдан «дори» буюрди. Яна кўп лақиллади. Мажбур бўлдим: эшитдим. Шу, дейди, пашшани кўряпсизми, ҳавода учиб юрибди. Ҳаво дейди, борлиқ, пашша, дейди, вақт. Ҳаво ҳам, дейди, ман, пашша ҳам ман. Қаранг, тентак нима дейди. Шу, дейди, пашша – вақт ҳавода «фишт» (йўқолиб демоқчи, устоз) бўлиб қолсаю ҳаво-ку, дейди, борлиқ-ку, а, борлиқ-ку ман-ку, а, ман-ку пашша-ку, а, пашша-ку вақт-ку. Э, устоз, бошимни қотириб ташлади. Тузук кайф ҳам қилолмадим. Сиз хафа бўлманг. Лақаб унчалик ёмон ҳам эмас. Мастлик – ростлик-да, устоз. Бундан қизиғи бу ёғи бўлди. Сиз эшитяпсизми? Эшитинг-да: пашша вақт эди-ку дейди, кейин уни ўлдирдим, демак, дейди, вақт вақтмасга айланди, пашша, дейди, ҳавода, ҳаво борлиқ эди, эслайсизми, дейди, шу борлиқ, дейди, пашшасиз, пашша вақт эди-ку, дейди, а вақт ман-ку, дейди, мансиз борлиқ борлиқми? Кейин ҳадеб кулади. Уялиб кетдим. Ҳамма бизга қарайди. У тентак эса баттар авжига чиқади. Ман, дейди, пашшани ўлдиролмайман, пашша ман-ку, ман вақт-ку, вақт фикр-ку, демак, фикр онг-ку, а, онги бор ўзини ўлдирадими? Яна ҳадеб кулади. Бу гапларни йигирма мартача қайтардиёв. Ҳар эҳтимолга қарши ёдлаб олдим. Эртага, ҳушига келганида эслатаман. Нима фойдаси бор? Ароқ олиб беради. Бўлмаса, Денгиз Наим пашшага айланиб қолибди деб овоза қиламан. Инсоф ҳам керак-да. Чамаси, бир соат бошимни қотирди. Эртага вақтни тўхтатамиз, агар тўхтатолмасак, соатимни машина филдираги тагига ташлайман деб алдаб-сулдаб жўнатдим. Абдухолиқнинг олдига кетди. Кейин кўриб қолдим: такси тўхтатаётувдим; ка-

Фидан чиқиб – кўзи ерда, аскарлардай қадам ташлаб ошляпти. Таксига ўтириб «қочдим». Устоз, улар нима учун ишдан бўшашди? Денгиз Наим айтди-ку ишдан кетдик деб. Росту, у сабабини айтмади. Ё айтгандай бўлдими? Ораларингиздан бир нима ўтганга ўхшайди, а, устоз? Гапни бурманг, устоз. Яна нималар дейди-я? Эслолмаяпман-да, устоз. Лекин кўп гапларини биллаб олувдим. Гаплари пурмаъноми-ей, устоз. Диққатингиз ошляпти. Сизга ҳурматим баланд. Шунинг учун айтаман, фақат унга сизга гапириб берганимни билдирманг. Нега қизиғи йўқ? Эшитгингиз бор-ку, устоз. Анча пишиқсиз. Тажриба-да, тажриба. Устоз, нима дейди-я шогирдингиз, Маҳмуд Қидиров миясида фақат хаёл сузиб юради, улар ҳар хил пашшалар. Улар бир-бирини «фишт-фишт» қилиб кўпайишади дейдию ҳадеб кулади. Пашша вақт-ку, дейди, шу ҳавода, ҳаво борлиқ-ку, шунда у – ман, вақт, пашша, фикр қандай учади – чапгами, ўнггами, тўғригами деб қайта-қайта савол берди. Билмадим десам ҳам, гапи тугамайди. Саволини нуқул қайтаргани-қайтаргани. Э, устоз, қанақа жавоб? Чапга десам ҳам кулади, ўнгга десам ҳам. Тўғрига девдим, тўғри деди, сиз пашша тўғри учиб кетяпман деб ўйлайсиз дейди. Борлиқ чексиз шарсимон дедими-ей, шунинг учун пашша тўғри учизи мумкин эмас, у фақат ўзининг доирасида айланармиш...

\* \* \*

Чоллар чой ичаверишади-ичаверишади. Улар олимни кутишади. Унинг келмай қолишини мўъжиза билишади ва бу мўъжизага ишонишмайди, чунки

билишади: яқин кунлар, ойлар, йиллар ичида ўлишади. Бемаънилиқ, маъносизлик.

Ўтган куни чойхонада ўтирганимизда ёнимиздаги сўрида қариялар валақлашиб ўтиришувди. Гўё бу дунёдаги вазифаларини аъло даражада бажариб бўлишгандек бир-бирига латифа айтишиб, маъносини чақар-чақмас бир-биридан ўтказиб кулишади. Агар олдимизда ўзбек тилини билмаган одам бўлса, бу чоллар ким қаттиқ ва баланд кулишдан пойга ўйнашяпти деб ўйлаши мумкин. Мен ҳам аввалига шундай ўйловдим. Улар, аслида, нима учун қаҳқаҳлаб кулишаётганини билишадими? Латифани мен ҳам эшитдим. Унда ҳеч бир кулгили жой йўқ. Ёнимдагилар ҳам эшитишди. Ёнимда йигит ва қиз. Уларнинг ёнида чол турибди. Чоллар метрога кам тушишадими? Нега? Шу чолдан сўрайми, агар шу чолдан сўрасам, «Худонинг иродаси-да, болам» дейди. Бу жавоб мени қониқтирмайди. Шунинг учун кунлаб ёки йигирма соатлаб ухлайман-ухлайвераман. Уйфониб кетишдан қўрқаман. Чолларнинг чой ичишига ва чойхонадаги қаҳқаҳасига ўхшаш ҳолат. Ичимда бир мавжудот бор, тасаввуримда у гап охирида қўйиладиган кичкина нуқтага ўхшайди, тинмай ҳаракат қилади. Мени гап тузишга ундайверади. Мени фикрласин дейди, балки, у ўзининг мавжудлигини сақлаб қолиш учун курашар. Уйқу – менинг бирдан-бир халоскорим, менга ширин хаёл – туш инъом этади. Туш, бу – хаёлнинг давоми. Қариялар кўп туш кўришади. Сабаби, ўтган умрларини кўп эслашади. Ҳалиги қора нуқтанинг гап яшашини хоҳлашмайди. Ҳа, чолларга ўхшайман, аммо фарқ равшан – мен ҳали яшайман-яшайвераман. «Ҳеч сўнмасин ёнган чиро-

нинг». Менинг шамим ипининг сўнги нуқталари ён-  
гунига қадар ўлимнинг устидан хўп куламан – унинг  
табиати устидан ҳар хил ҳукмлар чиқаравераман.  
Ўлим – ичимда ҳаракат қилаётган ўша қора нуқта.  
Мен ўлишни ҳам хоҳламайман, яшашни ҳам хоҳла-  
майман. Чоллар ўлимни ҳам хоҳлашмайди. Яшашни  
ҳам хоҳлашмайди. Мен ухлайвераман. Тушим ўзича  
ҳаракат қилади. Унда мен иштирок этмайман. Фақат  
томоша қиламан. Мен ҳам ҳақнинг бир зарраси бў-  
либ қолгим келади. Одам қариганда тангрига айла-  
ниб қолади демоқчи эмасман. Йўқ-йўқ.

Тушдаги воқеалар иродамга гоҳида боғлиқ ра-  
вишда ривожланади. Бунинг менга қизиғи йўқ. Мен  
туш кўришнинггина яхши кўраман. Ёмон, даҳшатли  
туш кўрсам, қиёмат қойим бўлгандек, уйғониб кета-  
ман. Фақат туш кўриш учун ухламайман. Одамзодга  
қилга эрк бериш ёқади. Энг ёқимли машғулот. Қа-  
ттиқди йигитнинг қизи (у ниҳоятда чиройли ва таъ-  
лимга мос) билан бекатда ёлғиз, икков бўлиб қолсак,  
профда ҳеч ким, ҳеч қандай шарпа бўлмасаю унинг  
қулидан ушлаб ўзим томон тортсам, унинг юзида та-  
биатим пайдо бўлиб, сўнг лабим лабига тегса, ўпиш-  
сам, «бу ер ноқулай жой, меникига борамиз» десам,  
қиз исмини билишим шарт эмас, ўпишишдан ти-  
шилмай бошини «ҳа» дегандай қимирлатса. Чойхо-  
надаги чоллар ўлишни репетиция қилишарди. Мен  
ҳам шанба, якшанбада. Энди ҳар куни. Ишдан бўша-  
шим ку. Йўқ, бу – бошқа нарса, мен фикрлашни хоҳ-  
ламайман. Фикрлаш – уруш, қақшатқич урушки, на-  
шанда енгиласан, у манзилга олиб бормайди, унинг  
қўлидан юраверасан-юраверасан, гўё у сенинг  
қўлидан келаётган кўринадию шу сабаб фикрлаш-

яшаш сенга уйқудан уйғониб ишга бориб келишдай осон ва содда туюлади ёки сақич чайнашдек эрмак, шунақа деса ҳам бўлади, аксинча, чолларга ҳавасим келади; улар урушдан чарчаб урушмай қўйишган, ўзларига ўхшашади. Улар ўлимни кутишади, лекин ўлиш учун ҳаракат қилишмайди. Уларга ҳавасим келади ва ҳасад қиламан. Сабаби, етмиш-саксон йил яшаб қўйишди. Мен яна камида ўттиз-қирқ йил яшашим керак. Шунинг учун ухлашни ёқтираман. Ухласанг, ухлайверсанг. Икки юз йил ухлаб қолсам. Қорда ухлаб қолишганидек. Уйқудан уйғониб «мени кутқар» десам. Чунки англаган бўламан, абадий ухлашнинг иложи йўқ, бир кунмас, бир кун уйғонасан, аждарҳо уйқудан уйғонганидек ва вақтдан ташқарига чиқишга интиласан, ҳали, минг афсуски, вақтинг кўп, масалан, боя кафеда Собит Маҳмудий «вақтим камиди, ишга боришим керак» деганида ҳайрон қолувдинг ҳам ҳавас қилувдинг, биласан, ўйламай қўйсанг-да, лаҳзаларни енга олмайсан, баттар вақтга асир тушасан. Бўшлиқ, бўм-бўш ҳаво, бу – вақт. Ҳаракат бўшлиқда содир бўлади, вақтнинг кўринмас асли, томири – бўшлиқ. Ўттиз-қирқ йил. Мана, менинг бўшлиғим. Уни тўлдириш зиммамда. Рауф Турсунқул ўттиз ёшга тўлган куни айтган экан: шунча йилни қандай яшадим, яна қандай яшайман? Ақлли одам бунақа оҳангда гапирмайди. Ақлли одам фикрлашни қанда қилмайди, шунинг учун ундан ақлли гаплар чиқади. Ақлсиз одам ҳам фикрлайди-ку, мана, мен фикрламаслик ҳақида фикрляяпман.

Қиз сумкасидан китоб чиқарди. У китобни варақлай бошлади, аввалига йигитига табассум ҳадя қилди. «Менга хиёнат қилганнинг кўзига қарай ол-



тайман». Қизиқ, йигит нима ҳақда ўйлаяпти, қанча даламасин, менинг унга нисбатан уюштирган хиёлат тўла хаёлотимни билиб ололмайди, миясини ҳар қанча уринтирмасин, йигит эр кишига берилган табиатнинг ишонч деган ашқоли таъсиридан кечиб ўтолмайди. Аёл киши эр кишининг ана шу ашқолидан қурол сифатида фойдаланади. Одамзодни ўрганиш ёки билиш жуда ҳам осон. Одамзоднинг қарисини қоб кийишдан чарчаб қолади. Шунинг учун қари одамларни кўп кузатаман. Аёлнинг ичкарасини кампирлар ҳаракатидан билса бўлади.

Кампирлар ўлишга тайёргарлик кўриш ўрнига моҳрибончилик билан шуғулланишади. Масалан, момом, ана-мана жони узилай деб турибди, мени эртак айтиш билан машғул эди. Мен эса унинг ўлиб қолишини кўрқиб кутардим, чунки бу мудҳиш ва оғир ҳолат тез ўтиб кетса, менга яхши-ку. Аёл-ку, майли, кампирлар ҳам хаёлини йиғиштириб юришади. Ўз хаёлига ўзлари бош. Аёл зоти ҳеч қачон хаёлини ошкор қилмайди. Улар алла ёки эртак айтишади, холос, ёки миясида қайнонасининг қачон, қайси пайт ўлиб қолишини таваккал қилиб, яна бу ўй қилмишидан тавба қилиб, юрган-яшаётган келини хатти-ҳаракатини пойлоқчи – детективдек пойлагани-пойлаган. Қиз – бўлажак кампир китобини ўқишда давом этмоқда. «Менга ёрдам беринг» деган ҳам, кўзини китоб саҳифасидан йигит боши қанчал қийшаймасин, барибир, кампир бояги китобини ўқишда ҳар қанча ўйласам-да, менда ҳеч нарса йўқ, шунинг учун қизнинг сочини силаб хайрлашмадим, кимдир «ўф» тортди, мен аввал кўрқдим, китобда ваҳимали сўзча тасвири қиз йигитнинг қўлидан ушлаб айтишга

осон хаёлда осон демоқчийдим, у мени тушунмади, лекин ҳайрон ҳам қолмади, қизикди, кейинги саҳифа очилди, хат бор-йўғи бир бет, «ҳа», мен ёзувдим, сизгамас, бу китобни ажнабий ёзувчи, ҳали ўлмаган, нега унда хатни қабртошига қўйиб, бу эртақ, демак, йигит кулмайди, ўқиб бўлгач, табассум қилди, сўнгида юзига сўроқ белгисига ўхшаш кўзи қанақадир, чунки олдиндан бир нима дейиш, худо хоҳласа, бу иш яхши бўлмади, йигит китобни, унинг гапи ҳечам кулгили эмас, эртага ўтаман, кутамаман, у бормадимми, олиб келинг девди, айтувдимми, кетиш керак, қаёққа, кейингисига тушасизми, ҳа, майли, яхши боринг, йўлда одамлар, ухлаб қолибман, тузук, озроқ сувга қўшиб, аттанг, энди қандай бор...

Менинг ҳолатимга ҳайрон қолманг, тирноғимни қайчи билан қачон олганимни эслай олишим қийин, агар сиз мендан сўрасангиз, айтаман, ҳозир кўргангиздек, кечаю кундуз тинмасдан ўсаётган тирноғимни оқ-сариклашган ва қариётган тишим билан ўзим билар-билмаган, мана ҳозирги, сиз кўрган ва, ўйлайманки, бошқалар кўрмади, ҳар ҳолда, метро – жамоат жойи, жамоатни ҳурмат қилиш керак дейсиз, кўзингиздан шундай маъно ўқидим, лекин Абдухолиқ Қалқон «одамлар олдида тиш билан тирноқ олиш ҳурматсизлик бўлса», сизга шундай деган бўларди, «демак, ҳурмат тиш билан тирноқ олмасликда экан», куларди, Рауф Турсунқул кулмасди, унинг кулганини кўрмаганман, биламан, йигитингиздан пинҳон, сиз билан пана-панада учрашганимизда менга қандай қилиб чиройли табассум қилиш лозимлигини ўргатар эдингиз, ҳа, майли, гап сизнинг қачон охириги марта йиғлаганлигингизда ҳам эмас,

аммо йиғлаб ҳам туриш керак. Рауф Турсункул шун-  
да пиёз арчаётиб «биз, чиройли ҳайвонлар, ўт ей-  
миз» деб гапиреди, кейин пиёладаги ароқни ичиб,  
ичи бозордан олиб келган кўкатни аввал ҳидлай-  
ди, биламан, унинг ҳайвон, масалан, от ёки ҳўкизи-  
ми бўлиб қолгиси келади, лекин бу унинг орзуси  
эмас, бу шунчаки гоҳида у «менинг ичимда шайтон  
бор» деб қорни тарафини кўрсатганида семиз қўй  
сүйилган ердаги қон ҳидига ўхшаш манзара менинг  
қайғуимда пайдо бўлади ва Собит Маҳмудий пиёла-  
ларга яна ароқ суза бошлайди. Манзара шакллана  
боради. Ҳар битта одам, бу – манзара. Менинг ман-  
зарам сизга ваҳимали туюлади ва тирноғимни қай-  
чи билан олишни жуда-жуда истайман худди сизни  
тоқлаганимдек, сизга майлим, масалан, эртага-да ўз  
кўнгида қолади, бироқ тирноқни қайчи билан қир-  
ишни унутаман, бу касалликми, асло, тиш билан  
олинган тирноқ деб сиз мендан воз кечишингизни,  
аниқроғи, кўнглингиз қолишини билиш осон, лекин  
биз бир-биримизни танишга-ку танимаймиз, ҳатто  
ки мимизни билмаймиз, бу ҳам майли, Рауф Турсун-  
кулга «ҳаёт шуми?» дейман, у жавоб бермайди, кўм-  
нўк ўтларни ея бошлайди.

Яхши қиз, китоб ўқиш кўкат емоқдан-да гўзал ҳа-  
ракат, аммо бора-бора бу ҳаракат қарийди, балки,  
қаримас, лекин шуни билиб қўйсангиз ёмон бўл-  
масди, сизга ҳам, менга ҳам маслаҳатим шу. Агар  
сиз билан бир куни тўсатдан танишиб қолсам, та-  
саввур қиламан, бу яхши иш бўларди, ҳар ҳолда, ки-  
тоб ўқишдан яхшироқ ва сизга «Гўрўғли» достонини  
кўни-кеча ўқиб тугатганимни ва ундаги воқеалар,  
қилида, бу шунчаки восита, тўғриси, сиз менга ҳам

кераксиз, ҳам керак сиздаги ҳаяжон, менга ишонинг, ўтиб кетади. Онангни эмгир Гўрўғли ҳаётдан нима-нидир топди, мен шу нимани ҳеч ушлолмаяман. У қабрда ётганда гўр тешиклари орқали ўтган қуёш нурлари менга таъсирини ўтказмайди ёки таъсирини ўтказди, чунки Рауф Турсунқул кўкатни еб бўлиб «кеча хўп ўйладим, нега мен бу ерданман, нега ва нима иш қиляпман ва айтдим, турмада бўлишим мумкин эдики ёки (унинг гапини бўлади Абдухолиқ Қалқон) нима учун айнан шу ҳақда ўйлаяпман? Биласизми, одам ўзига ўзи муаммо». Мен бу ҳақда ўйлаганим йўқ ўшанда, аммо яшаш қизиқарли бўлгани учун яшаяпман, қизиқ, Маҳмуд Қидиров ғалати гапларни гапиради, масалан, мана бу гапи: Тангри ҳар бир миллатни маълум бир ҳодиса билан синайди. Қайсидир миллат дунёга пайғамбарлар туғиб беради. Бировига катта ақл беради, бошқасида инқилоблар абадий давом этади. Худо ўзбекка эр-хотин можаросини берган ва ҳоказо.

Биласизми, хоним афандим, албатта, сизнинг қўлингиздан тутаман. Бу ҳақда кўп гапиришим мумкин, бундан фойда йўқ, демак, фойда кўзлашни бошладимми, яшашим қизиқ кеча бошлайди, сиздан ўтинчим, мени қутқаринг, йўқ, мен бошқа гап айтмоқчи эдим, кўзингизга қараб қолиб айтадиган гапим эсимдан чиқди, мени кечиринг, барибир, кечиринг, ҳеч бўлмаса, олдиндан кечириб қўйинг. Лекин, барибир, Гўрўғлига тушунмайман. Ҳар замон ўйлаб қоламан, балки, менда ҳам Фирот бўлганида, ундан мени қутқаринг демасдим, хаёл – эркнинг майдони, бу гапда жон бор, қачонки яшашинг сенга фойда келтирмаса, хотининг бўлмаса, боланг бўлмаса ёки улар бўлса-ю,

Кетингдан кўнглинг тўлмаса. Қачондир мен шундай  
сизлардим. Мен нега ароқ ичиб ўтирибман? Бундан  
фойда ҳам йўқ, фойдасизлик ҳам. Ароқ кайф ҳам  
беради, кайф ҳам бермайди. Шунчаки ўтирибман.  
Менга ҳеч нарса керак эмас. Менга ҳеч нарса керак  
эмаслиги учун ҳам ароқ ичиб ўтирибман. Шу ҳақда  
сизлаётувдим, нима десам, сиз менга кўнгил қўясиз,  
аммо шуни билиб қўйинг, сизнинг хаёлингиз мени  
ширрача бўлса-да ташвишга солмайди, сизга айт-  
мовимдим, хаёлни, айниқса, ўзганинг хаёлини тутиб  
бўлмайди. Хаёл бор-йўғи эркининг майдони. Энди  
билгандирсиз нима учун менга Гўрўғли ҳам ёқиши,  
ҳам ёқмаслигини.

Йхиси, хиёбонга борайлик, қабристон яқин  
қабан, аслида, дунё – улкан хиёбон, менга ишонаве-  
рдинг, сизни зериктирмайман, лекин майсага ёнбош-  
лаб олиб ўзим зерика бошлашим мумкин, илтимос,  
қўрқманг. Мен сизга айтганманми-йўқми, эсимда  
йўқ, биласизми, вақт – бўшлиқ ва ёлғизлик. У қў-  
шишча менга ёқади. Ҳозир эса, ростини айтай сизга,  
мени ёлғиз қолдирманг, вақтимни тўлдилинг, анови  
Собит Маҳмудийми?

«Собит, орқамдан пойлаб юрибсизми? Пойлоқ-  
чиликдан бошқа қиладиган ишингиз йўқми, сизни  
қайси жин урди? Сизга бу ерда бало борми? Кетинг  
бу ердан».

«Ҳай-ҳай, Наимов, намуноча қизишасиз?» «Ҳа,  
нима демоқчисиз, қани тўқинг. Рауф Турсунқул би-  
лини кетаётувдим денг, кейин бир пайт шоир йўлда  
«Мустақиллик» метросига етар-етмас тўхтаб қолиб  
шоир ўқиб кетди ва отга айланиб қолди деб айтинг.  
Мана бу учликни ҳам қўшиб қўйинг, мен ишонай.

Ақлимни қаритдинг, чиритдинг. Менда вафо бор, сен, бевафо, менга зулмингни кўрсатдинг. Шуни ўқиб отга айланиб қолдими?»

«Худди шундай. Фиротга айланиб қаёққадир елдай учиб кетди. Орқасидан қувдим. Лекин етолмадим». «Нимага алдайсиз, етиб келибсиз-ку». «Қандай етиб келаман? Фиротга етиб бўладими? Кейин қаёққа етиб келишим керак эди? Нима деяпсиз, ҳеч тушунмадим. Абдухолиқ, сиз тушундингизми?» «Гўрўғли ҳам шу ердами, балки, анови ёки ҳов анови қабрдан чиққан бўлса керак. Фироти ҳам шу ерда. Аввал ошиқ ўйин ўйнанглар. Гўрўғли ошиқларингизни ютиб олиб ёш боладай қувонсин».

Хоним афандим! Қаёққа кетдингиз, яхшиси, бу ёққа келинг, ҳушёр бўлинг, қабрни босиб ўтманг.

Танишинг, бу киши Собит Маҳмудий, бирга ишлаймиз. Нега ҳаяжонланасиз? Ҳа-я, кўрқманг. Қабристондан кўрқиш керак эмас. Сизга тушунмадим. Нега кўрқасиз? Ҳозир сиз метрода йигит-соқчингиз билан-ку, илтимос, йиғламанг, ҳеч ким сизни зўрламоқчи эмас. Ҳозир метродасиз-ку. Қабристонда сизга «Гўрўғли» достонини лўнда қилиб айтиб бермоқчи эдим. Собит Маҳмудийни бу ерда учратаман деб ўзимдан кутмагандим, ғоят қизиқ, худди тушдай, аммо ўнгимда, биз уни кўриб қолганимиз икков учун ҳам яхшиликқадир, ким билади, балки, у бўлмаганда нима бўларди, Абдухолиқ ҳам шу ерда экан. У сумкамда вино бор дейди. Собит Маҳмудий ичамиз деб икки кўзини юмиб яна очади. Улар майса устига ўтириб олишади. «Афсуски, пиёла йўқ, шундоқ шишаси билан кўтариб ичаверамиз». Абдухолиқ ичишни бошлаб беради. Собит давом эттиради ва

винодан ярми бўшалган шишани менга узатмоқчи бўлади. Мен куламан ва ичмайман дейман. Иккови шунунмадик дейишади.

«Сизлар орқамдан пойлаб юрибсиз худди айғоқчидек, яна пойлоқчиликни ёмон кўрамиз дейсиз». Мен улар ёнига ўтириб оламан. «Ичасизми? – Абдухолиқ шериги қўлидан шишани олади ва менга бермоқчи бўлади. – Адашмасам, қабристонга кетяпман деб ўзингиз айтувдингиз, қандайдир, исми эсимда шуқ, лекин исмининг охири «пари» эди. Шуни кўрсатиши. Биз сизни кафедра анча кутдик. Чамаси, бир саатча, а, Собит?» Собит Маҳмудий боши эгик, кўзи юмилган, жавоб қайтармайди. «Рости шундай деганмиши, алдаманг, концертга боряпман деб мен айтганим йўқми?» «Аввалига шундай эди, кейин айниб булдингиз ёки маст бўлдингиз. Наимов, ўйлаб иш қилиш керак, сиққанча ичишни ўрганинг, – Абдухолиқ шишадаги винодан хўплайди ва менга узатади. – Сумкамда яна бор. Манг, ичинг, ўзингизга келасиз».

«Абдухолиқ, сиз менга ишонмайсизми? Ростдан парининг олдига келувдим. Исми Ойхон. Сизлар келмасдан Ойхон билан гаплашиб ўтирувдим. У сизларни кўриб қабрига кириб кетди». Собит Маҳмудий кўзини очади. Мен томонга жиннихонадан қочиб сиққан одамни учратгандек ҳайрон қараш қилади. «Ўзингизга кўринган бўлса керак. Бу – кўп ичишнинг дипломати. Яна ким билади. Мен парилар ҳақида кўп ўйланганман. Абдухолиқ, балки, у ҳақиқатдан кўрган-дир». «Парилар қабрда яшашмайди, биринчидан, у сизни калака қиляпти, иккинчидан, учинчидан, қани қабри, кўрсатинг-чи. Биз ҳам Ойхон пари билан суҳбат қурайлик. Уни вино билан сийлашимиз мум-

кин». «Мен сизларга уни таништиришни хоҳламайман. Унинг ўзи ҳам сизларни кўраман деб кўзи учиб тургани йўқ. Ҳозиргача Ойхон ҳақида ҳеч ким билмасди. Мени жинни ёки маст деб ўйлашмасин деган ниятда бор сирни айтдим». «Наимов, бу ҳол узоқ давом этиши мумкин эмас. Биз – сизнинг дўстларингиз. Сизга ёрдам бермоқчимиз, холос. Сиз жинни эмас, албатта, нега қизишасиз, фақат, Ойхонни бизга ҳам кўрсатинг», Собит Маҳмудий шундай гапириб, аслида, унинг ўзи қизиша бошлайди. Абдухолик Қалқоннинг қўлидаги шишани олиб, оғзи томон кўтаради, лекин ундаги винони ичмайди, шишани майса устига секин ёнбошлатиб қўяди ва Денгиз Наимовга яна гапира бошлайди. «Қабрдан фақат Гўрўғли тиррик чиққан. Чунки у қабр ичида туғилган. Парисини аллақайси тоғда учратади. Майли, сизнинг гапингизга ишонадиган бўлсак, унда сиз нима қилмоқчисиз? Сизнинг келажагингиз бизни хавотирга соляпти; мен жўрамни нимадир уриб кетишини истамайман. Яна бу гапни ўзингизга қаттиқ олманг, сизга яхшилик тилайман, бор-йўғи шу. Ойхонни кўрсатмасангиз ҳам сиз ҳақда ёмон фикрга келмаймиз. Агар хоҳласангиз уни бизга таништинг».

«Собит, мени маст ёки томи кетиб қопти деб ўйлаётган бўлсангиз адашасиз. Маст эмасман, кейин, томим жойида. Ойхонни чақириб келишим мумкин. Лекин у келмайди. Қабрдан чиқмайди. Сизлардан кўрқади. Сизларга у ҳақда бекор гапирдим. Агар Ойхон тўғрисида айтмасам, мени аҳмоқ деб ўйлардингиз ва тушунмасдинглар. Энди эса тушунишни хоҳламаяпсиз ёки мени жиннига чиқариб ўтирибсиз». «Наимов, ҳеч ким сизни аҳмоқ демаяпти. Қабрис-



тонда нима қилиб юрибсиз? Шундан хавотирдамиз. Мен уйимга, Собит ҳам бола-чақасининг олдига бориш ўрнига изингиздан юрибмиз. Бизни ҳам тушунинг. Агар парингиз қабридан чиқиб олдимизга еолмаса, биз маликангиз ҳузурларига боришимиз мумкин. Мен ҳеч қачон парини кўрмаганман, қизиқ, улар ҳам одамга ўхшашадими?» «Мен икковингизни ҳам тушунмаяпман. Йўқ-йўқ. Аслида, тушунапман. Бу сизларнинг қизиқишингиз, Ойхонни кўриш. Мен уни сизларга кўрсатмоқчи эмасман. Бунинг иложи йўқ. Балки, иложи бордир. Бор ҳам. Аммо мени тушунинг. Мен бир нарсадан ҳадиксирайман ва шу нарсадан қаттиқ кўрқаман, яна ўйламанг у баҳона қидиряпти деб, асло, мен бу ҳақда гапирмоқчи эмасман. Мени тушунмаяпсиз. Яна баттар тушунмай қоласиз». «Наимов, бундоқ тушунтириб гапиринг. Умр тугаб боряпти ҳам. (Собит Маҳмудий майсага ечибошлатиб қўйган вино шишасини қўлига олади. Ўрмидан кўпи ичилган вино шишасига қараганча охириги гапини такрорлайди.) Умр тугаб боряпти ҳам, мени тушунинглар, мени тушунинглар» деб дунёга айюҳаннос соласиз. Адашмасам, бизга сирингизни ечишкор қилдингиз, демак, бизга ишонасиз, бунинг учун раҳмат. Ёки билмадим. Ёки бизнинг устимиздан бизни аҳмоқ деб, аслида, ўзингиз аҳмоққа айланиб қоляпмиз. Биз эмас, сиз бизни тушунинг, сизни мен ва Абдухолик ақлдан озган деб ўйлашимизга йўл қўйманг. Шунинг учун икков сиздан боядан бери елтимос қилиб ўтирибмиз. Сиз ўзингизни ёмон ваъиятга солиб қўяяпсиз. Охири ҳадиксирашни бошладингиз. Нимадан ҳадиксирайсиз? Агар сизни тушунмаётган бўлсак, марҳамат, тушунтириб беринг.

Денгиз, сизга ёрдам бермоқчимиз, холос. Нимадан ҳадиксираяпсиз? Нима, Ойхон бизнинг олдимизга келмаслиги мумкинми ё сиз бизга тўқиган сиригиз ёлғонлиги билиниб қолишидан ҳадиксираяпсизми? Кечирасизлар, сизларга чўпчак айтиб бердим деб қўя қолинг, ўзингизни ва бизни қийнаб нима топасиз, тушунмайман. Яхшиси, бу ердан кетайлик. Сиқилиб кетдим. Яшаш жонга тегди. Одам ҳаёти ёлғон билан чинни ажратишга сарфланар экан. Уларни бир-биридан фарқламай қўйсанг яшолмайсан. Яшаса бўлади. Мен бундай яшолмайман. Уйга бораман, хотин лақиллай бошлайди. Мен эшитмайман, гапининг чинини чинга, ёлғонини ёлғонга ажратишни бошлайман. Кўчада ҳам шу, ишда ҳам шу аҳвол. Бу аҳвол қачон тугайди?» Собит Маҳмудий винодан хўплайди. Кейин Абдухолиқ Қалқондан сигарет сўрайди. Абдухолиқ бошини қимирлатади. Мен унга сигарет узатаман. Гугурт чақаман. Ўзим ҳам сигарет чека бошладим. Собит «винодан ичинг» дейди. «Раҳмат, ичмайман. Раҳмат, ичмайман. Яхшиси, бу ердан кета қолайлик. Ўзимни ёмон ҳис қиляпман. Одам касалхонага борса қаеридир оғриётганини ҳис қилади. Бошқаларга ҳам шундай бўладими, билмайман, қабристонда, аксинча, ҳеч қайси аъзонг оғриётганини сезмайсан ёки касал бўлса-да, бу ерда тузалиб кетади, чоғи. Фақат одам ўзини аллақандай ёмон, худди соҳилга чиқиб қолган балиқ ҳолатидай мушкули энди осон бўлмаслигига ишончи юз карра ошади ва вақт, бор-йўғи вақт бизни хоҳлаган тарафига судраб-судраб, охири оғзимиздан сўлагимизни оқиздиради. Қабристон мана шуни англатиб қўяди. Кетайлик». «Фалсафа сўқишни бас қилинг, Наимов!

Биророга уч юз йил аввал кўчиб келган одамнинг авлодига ўхшайсиз. Бировнинг ишончидан фойдаланиш бунчалик эмас. Сизни шарлатан деганда Қишқирова адашмаган экан. Вақт-вақт дейсиз, тупурдимларда. Собит, аслида, биз аҳмоқ, бу шарлатаннинг афандисидан келмаслигимиз керак эди». «Абдухолик, ишонманг, жўра. Денгизнинг бугунги қилиғи менга дин ёқмаяпти. Начора, балки, у тўғриси гапираётгандир. Денгиз, ростдан ҳам кетгингиз келяптими? Энда бу жойдан кетамиз, шуниси маъқул». «Сизларни бу ерга биров чақирувдими, ўзи? Сизларни бу ердан мен чақирдимми? Нима учун менга ипак қуртиш охирига олиб олдинглар? Мени тинч қўясизми-йўқми? Ишон бу дунёю у дунё, ҳеч қачон олдингизга келмайди. Тамом-вассалом. Аслида, мен икковингизга ишонмайман, ҳеч кимга ишонмайман. Лекин ишончлик кўлимдан келмайди. Ишонмай дейман-у, ишониб қўйганимни ўзим ҳам билмай қоламан ёки билмайман нима дейишни ҳам. «Денгиз, нима деяпти?» Тушунтириб гапиринг, рост, икков ҳам англамайди. Абдухолик, сиз бирор нарса тушундингизми? Денгиз, сизни чиндан жин урганга ўхшайди. Бошда бошдан бошим унчалик қовушмаётувди». «Мен маст эмасман, Собит. Томим кетиб қолгандир, эҳтимол. Менгадан чиқиб консерватория томонга юрдим. Соғиниб консерваторияга бораётувдим. Босаётган қадамларим санаб кетаётувдим»... «Яна бошлади. Собит, аҳмоқ яна эски гапини бошлади. Сиз йўғингизда кетган бунинг алжирашини милён марта эшитдим. Буларни бу ердан кетайлик. Вино ҳам тугади».

«Сизга хоним афандим. Юринг. Қабристондан келган бу ер сизга ёқиб қолди, чоғи. Менинг ухла-

гим келяпти. Сизни хиёбонга олиб бораман девдим. Бормайлик. Бошим оғрияпти. «Ҳей Собит Маҳмудий, сизга бошқа пайт гапириб берсам-чи. Эшитишни истасангиз, албатта». «Келишдик» дейди Собит Маҳмудий.

\* \* \*

Икки юз учинчи қадам... Вақтни тўхтатиш керак. Вақт ичида вақтдан ташқарига бир киши чиққан, холос. Вақт ичида вақтдан ташқарига чиқиб бўлмайди. Ташқаридан вақт ичига бир киши кирган, холос. Мен эса вақтни тўхтатишим керак. Шундагина ундан ташқарига чиқа оламан. Вақтни тўхтатиш керак. Бир, икки, уч... У ҳеч тўхтамайди. Тўрт, беш, олти... Фақат хаёл ишлайди. «Хаёл – учқур от» деб ёзган эди бир шоир. Хаёл гўристонгача олиб боради. Мени вақтдан ташқарига олиб чиқишига кучи йўқ. Хаёлда кучнинг сояси бор. Вақт, бу – бўшлиқ. Бўшлиқда хаёл ишламайди. Фикр ишлайди. Фикргина бўшлиқни босиб ўтади. Чунки у моддийлашади. Моддий нарсагина бўшлиқни тўлдириши мумкин. Хаёл ҳеч қачон, хаёл нари борса фикрга айланиши бор. Фикр мени бошқаради, демак, моддийлашади. Лекин у вақтдан ўзиб кетолмайди. Ҳали-вери. Вақт керак. Вақтнинг душмани – фикр. Вақтни ўлдириш учун фикрга, балки, яна милён йил керак. Билмадим. Етти, саккиз... Вақт одамга беминнат берилган. «Текинга» айтарди Абдухолиқ Қалқон, «шунчаки эмас» дерди Собит Маҳмудий ва кўрсаткич бармоғини ўнг қулоғи ёнида уч-тўрт марта қимирлатарди, агар, агар мен вақтни тўхтатганимда «ширин хаёлингни буздимми?» айтилганидек, ҳеч ким ҳеч қачон, чунки ҳеч ким ҳеч

қачон менинг сен билан ўртамиздаги бўшлиқда туриб олиб сенинг ва ўзининг келажаги – бўшлиғи ҳақида фикрлашни бошлаб юбормасди. Фолбин қулонингга «ўзи шундай бўлади» деб секин шипшимасди, радио карнайидан об-ҳаво синоптигининг «эртага емғир ёғади» деган овози эшитилмасди. Маҳмуд Қидиров кафега кириб кофе ичарди. Мен адашдим. Бир. Ёлғиз Бир. Бир. Икки-пикки йўқ. Бир. Тўхта. Бир. Илон пўстини ташлагандай... Фикрлаш илон ўрмалашига ўхшайди. Ҳеч ками йўқ. Фикрлаш ўннга-чапга, лекин тўғрига қараб ўрмалайди. Олдинда нима бор? Олдинда мақсад бўлиши керак дейди файласуфлар. Диндорлар луқмаси ҳаммага маълум. Одамда ғоя ва мақсад бўлмасагина, бунга файласуфларнинг ўзлари унчалик ишонишмаса-да, вақтдан ташқарига чиқиш илон пўстини қуёш иссиғида ечгандек, улар айнан шундай ёзишмаган ва ҳеч қаерда айтишмаган бўлишса-да, диндорлар бундан фарқли, бунга қарама-қарши келишади.

Мен кейин эсловдим «хотира уйғонса гўзалдир», йўқ, хотира – тубсиз чоҳ, унга қулайсан, қулаб кетверасан, қулашнинг чеки кўринмайди, худди шунингдек, келажак ҳам тубсиз-маъносиз, аммо яшамоқ маъносиз эмас, бирдан-бир ҳозир ахир, куй ёлғиз, ягона ва айна дақиқа айна дақиқани музлатиб кўяди, ундан ҳатлаб ўтади, девордан сакраб ўтган одамдек, ахир ҳозир – куй маконни босиб олади, болос, хотира уйғонса мени топтаб ташлайди, сенинг миянгни эзгилаб ташлайди, яна сен «бу гўзал» дейсан, айтардинг. Ҳозир куй айна дақиқадан сакраб яна шу айна дақиқага келиб тушади. Айна дақиқа ўз кучини, ўзини йўқотади ва унинг ўрнини куй эгалла-

ган бўлади. Куй, яхлит куй вақтдан ташқарига чиқади, сен мени «у аҳмоқ» дейсан, дегандинг, келажакни ўйлайсан, ўйлардинг. Собит Маҳмудийга «мен жинни бўлиб қоляпман» деганимда у билинтирмасдан, яъни алламбалоларни менга гапира туриб кўзимга синчков боқади; жиннининг жиннилигини кўзига қараб аниқлаш мумкинлигини билишимни билади, «томи кетганлар мендан бошқа ҳамманинг томи кетиб қолган деб ўйлаб шунга яраша ҳаракат қилади, Собит, менда эса бошқача – менинг миямда ҳамма аҳмоқона, нима десам, ҳм, ҳм, мен буни ҳеч кимга билинтирмаяпман, лекин охир-оқибат бундан чарчаб қолсам, кейин нима бўлади?», у кулади – гапни бошқа мавзуга бурмоқчи бўлади, биламан, Собитнинг қулоғи атрофида «билинтирмаяпман»им қотиб қолади, шундай. Аммо ҳозирда яшаш жуда қўрқинчли, буни ким қандай тушунади? Маҳмуд Қидиров «тимсолда чегара йўқ» деб ҳадеб такрорлаганида кулсам, у, албатта, мени аҳмоққа чиқармайди, лекин мени даволаётган доктор «ҳар қандай гапга кулади» деб ташхис қўйганида... тимсол кучини йўқотиб бўлди, ахир, тимсол одамларни вақтга ипсиз-занжирсиз боғлайдиган шиорга айланди.

\* \* \*

«Собит! Босган қадамимни санаб кетаётувдим. Сизга ваъда бердим; эшитинг-да, майли, Абдухолиқ кетса-кетаверсин. Менга пиво олиб берасизми? Пулим қолмапти. Сигарет ҳам йўқ. Қадамимни санаб кетаётувдим...»

«Буни айтувдингиз, илтимос, иложи бўлса, қисқа ва лўнда тушунтиринг».

«Собит, нимани тушунтирай? Мен сизга тушунтириш учун айтмаяпман. Ёки шундайми? Ҳечам. Хоҳласангиз, эшитинг. Илтимос, пиво буюринг. Раҳмат! Боя айтдим, юришимни санаб бораётувдим. Бир юзу эллик тўққизинчи қадамда йўлнинг охирига келиб қолибман. Аниқроғи, йўл иккига бўлиниб кетган. Қайси тарафга юришни билмай қолдим. Чапгами, ўнггами? Орқага қайтишни мўлжал қилувдим ҳам кўзим ёзувга тушди, аввал ўнг тарафдагисини ўқидимми ёки чапдагисини, эсимда йўқ, бу муҳиммас. Муҳими нима ёзилгани. Ўнг тарафга кетадиган йўлнинг ўнгида хоч шаклига ўхшаш манзил кўрсаткичида катта ҳарфлар билан «Борсакелар», чапдаги йўлнинг худди шундай жойида эса «Борсакелмас» деб ёзилганди. «Борсакелар» томонга юрдим. Собит, ишонасизми-йўқми, ўнг тарафга юришимни ўйлаб ўтирганим йўқ».

«Назаримда, ўйлагансиз; «Борсакелар»га бориб келаман деб ўйлагансиз».

«Йўқ, унақа эмас. Қайси тарафга қараб юришнинг мен учун қизиғи йўқдай эди. Ўнг тарафга шунчаки юрдим. Қайсидир томонга кетишим керак эди-ку. Собит, мен кейин ўйладим; «Борсакелар»га бориб келиб, «Борсакелмас»га кетаман, энди қадамимни санамаётган бўлсам-да, бунақа хаёл қилганимда, чамамда, ўн-ўн беш қадам йўл босувдим. Собит, кўзингиз княз Мишкинникига ўхшаб олайиб кетди. Мен сизни мажбурлаб ишонтираётгандай. Эриш туюлаётган бўлса, марҳамат, пивони ичайлик, турамиз-кетамиз. Ҳа, майли, эшитасизми-йўқми, рости, чарчаб бораётувдим, энг ёмони – одам тўқигани, нега одам тўқийди, а, Собит, шундан чарчайди, ил-

тимос, безрайиб қараманг, мен ҳозир тўқиётганим йўқ, айтганча, буни Қалқонга айтдим; тўқиб-бичмайман дедим, ҳеч қачон, гапимга ишонмасангиз ҳам розиман, бунинг нимаси ёмон, яъни ишонмасликнинг? Бўпти-бўпти, бурнингизни жийирманг. Бир вақт қарама-қарши тарафдан Рауф Турсунқул келяпти, юриши нимани эслатади, биласизми, ҳозир эсимда йўқ, ниманийди-я, эсимга келса, куласиз, балки, кулмассиз, нимага тиржаясиз? «Биз қайтапмиз» дейди Рауф Турсунқул. «Сиз ҳам қайтинг» дейди. Ўзим биламан нима қилишимни, унга жавоб қайтармадим – гапирмай туравердим. У ҳам шу – жим. Нимани гаплашамиз йўлда? «Ажралишдик йўл ёқасида». Боряпман-боряпман, ўйлайман, қайтсам бўларди, «қайтсам-қайтмасам барибир эмасми?» деб кейин яна ўйладим, олдинда нима бор, «орқада ҳам пишириб қўйибдимми?» деб юравердим. Одам тўқимаса бўлди, ҳаммаси яхши бўлади, Собит, ҳали бунга ўзим ишонганим йўқ, сизни ишонтирмоқчиман».

«Нимага?»

«Нимага? Нимага? Ойхон парига. Сиз у ҳақда эшитмоқчи эдингиз, чоғи. Хаёлингиз жойидами? Ёки сизни ҳам жин урдими? Пиво ичмаслигим керак эди. Ҳожат чиқараман деб Ойхон паридан юз қадамча узоқлашувдим, ғира-шира, ҳар ҳолда, қайтиб келаётсам, унинг олдида бир шарпа, яқинлашавердим, менга ўхшайди ёки менми у, билмайман, қўрқиб кетиб калима қайтарувдим, иккови бирданига йўқолиб қолди. Нега Ойхон пари кўздан ғойиб бўлади? Ёнидаги ким? Ҳалигача билмайман. Кўзингиз яна жўлайиб кетди. Ўзингизни мажбурлаб ишонтирманг, илтимос. Бу менга далда бўлолмади. Аксинча, сиз



мени йўлдан оздиряписиз. Ҳей бир куни ичиб ўтирганимизда Рауф Турсункулнинг айтган гапини эслайсизми «зулматда чироқ ёруғи ҳеч бўлмаса шовқингашийдим, сукунатни бузади, бус-бутун зулматнинг ўзи эса қўрқитишдан бўлак ҳеч нима иш қилмайди» деганини? Калима қайтарганимда ҳаммаёқ қоп-қора зулмат ичида йўқолди-қолди. Бу яхши эмасми?»

«Рости, нима дейишни билмайман. Каллам ачиб кетди. Яшаш, демак, калла ачишига йўл қўймаслик. Ўрми? Ўша куни Рауф Турсункул айтувди: «яшаш шолмайсан, ўлиб ўлолмайсан», эслайсизми, у киши шунини гапириб бўлувдиям, Абдухолиқ Қалқон ўтирган жойидан ерга йиқилувди, оёққа туролмай «кўзни юмиб яшаш керак» дегани-чи? У кўп ичганди. Биз нулувдик».

«Борсакелар»га кетаётувдим, Собит, Ойхон пари билан гаплашиб. У «нега ҳадеб куласиз?» дейди, «кўнглим тўқ» дейман унга, «гапимга кулмаяписизми?» дейди менга...»

«Парингиз қаёқдан яна пайдо бўлиб қолди? «Борсакелар»ингиз нима? Бунини-ку тушундим – кафега бораётганда, йўлда Рауф Турсункулни учратгансиз, чунки сал кейин мен унга қарама-қарши келдим. У Наимов кафега боряпти. У ерда Қалқон ичиб ўтирибди» ва шунга ўхшаш яна нималардир деди. Эсда тўқ. Йўқ, эсда бор, фақат гапиргим келмаяпти. Сиз мени ҳозир роса лақиллатиб ўтирибсиз. Янглишмасим, пиво ичишда шерик ролини ўйнаб беряпман ҳозир. Шундайми? У сизнинг бир ўзингизни кўрганини айтувди».

«Ойхон у кишини кўриб яширинувди. Дарахт пахта илга, эътиборингиз учун, жаноб».

«Эй, менга қаранг! Парингиз билан қаерда танишгансиз? Ким у? Рост, миямнинг қатиғи чиқиб кетди»

«Метрода танишганман. Метродайди. Қаерда ва қачон? Эслолмаяпман, Собит, эслолмаяпман. Унга исмингиз нима деганим эсимда. Сизники-чи? Кейин қаерда ишлайсиз, касбингиз деб сўраган. Бекорчилар мамлакатининг президентиман деб жавоб қайтарганман. Аввалига ишонмаган. Кейин ҳазиллашди деб ўйлаб кулган, яна кейин хўмрайган. Жиддий сўраяпман деган. Жиддий. Қизиқ. Рост. Ўлай агар... денг. Ва ҳоказо. Собит, агар эшитмоқчи бўлсангиз жим эшитинг. Ойхонга эртак айтиб бораётувдим. Бир болақайнинг қандай қилиб тангрини алдамоқчи бўлгани ҳақида. У эртакнинг бошини қизиқиш билан тинглаётувди, назаримда. Аниқ билмайман. Кейин қизиқиши сўндими? Билмайман».

«Денгиз, парингизнинг қизиқиши сўнган-сўнмаганини билмайман-у, лекин мен сизнинг гапларингизни эшитиб... Тавба қилдим. Тавба қилдим. Шунга яқинроқ».

«Собит Маҳмудий, бу зўр-ку! Сўзларга ишонмоқ. Гапга. Чиндай! Нимаси яхши бунинг?! Нимаси зўр!? Рауф Турсунқулнинг «менда фақат товушлар» деганини эслайсиз-а? Давомини ҳам эслайсиз-а? Айтувди: «Сўзлар, бу – нарсалар. Ахир сўзлар тасаввур уйғотади. Агар аслида ҳам шундай бўлса, Худо йўқ! Лекин бундай эмас». Собит! Эшитами-йўқми? «Борсакелар»га бораётувдим. Йўлда бир болақайни кўрдим. Қўлида танга. Беш тийинлик. Собит, эшитинг! «Тангани беш марта ерга ташлайман» дейди болақай осмонга қараб, «Агар юзи – беш

нинг ёзилган тарафи ер устига кўпроқ тушса, сен билсан, акси бўлса, мен ютаман. Мен ютсам, момон ташлайди-я? Келишдикми?» – сўрайди. Кўзи эса шу билан ҳам осмондан узилмаганди. Кейин нафас ростлаб кўзини осмондан узиб юмади. Тангани ердан бир қулочича чиқадиган баландликдан ташлайди. Кўзини очади. Ерда танганинг орқа тарафини кўради. «Раҳмат» дейди осмонга қараб. Танга ташлашни тасвирорлайди. Биру бир. Иккию бир. Иккию икки. Бошини ердан кўтаради. Мени кўради. Мен тиржашиб турибман. У эса қайғу аралаш ҳайрон ҳолатда менга боқади. «Болакай, сени танийман, – гапира бошлаймак унга, – исминг Денгиз, мактабда ўқийсан. Момонг отангинг онаси ойда яшадини ҳам, у ҳар кечаси сочини тарабини ҳам биламан. Унинг оғиди касал эканлигини ҳам. Қайғурма, у барибир... Танганинг қайси тарафи ер устига тушишини биласанми? Сен ҳозирча билмайсан, мен биламан. Биз икковни бир-биримиздан сенинг ойда ўлаётган момонг ва менинг ойда яшаётган парим ажратиб туради. Бошқа ҳеч қандай тўсиқ йўқ». Собит, болакайнинг кўзидан ёш оқади, танга кўлидан ерга тушади. Бола ютилади. Лекин «мен ютдим» деб туриб олиб Худони алдамоқчи бўлади. «Одамзод биргина хотирасидагина Худони алдаши мумкин» деб болакайнинг қулоғига шипшийман. У менинг гапимни эшитиб кўздан ғойиб бўлади. Мен эса кўзимни осмонга қадаб бақираман: «Ойхон». «Лаббай» деган овоз келгандай бўлади. «Ахир, сен йўқсан» деб яна бақираман. «Ҳа, шундай – мен йўқман» деган овоз эшитилгандай бўлади. «Унда нега сен борсан?» деб охири марта бақираман...»

«Наимов, Рауф Турсункулнинг гапларини яхши эслайман. «Сўзлар – кўринмас занжир одамни маҳкам боғлаб олиб, ўзини ўзига қамаб қўяди» девди, «яна ҳар қандай фикр, ҳар қандай тасаввур нотўғри, нотўғри деб ўйлашимизнинг ўзи ҳам нотўғри» дегани ҳам худди ҳозир айтаётгандай аниқ эсимда турибди. Лекин сиз нималар ҳақда алжираяпсиз, тушунмаяпман, валдираяпсиз-валдираяпсиз, у қулоғимдан кириб, бунисидан чиқиб кетяпти. Маст деса мастга ўхшамайсиз, кечирасиз-у, «томи кетиб қолган» деса, бу-да нотўғри. Парк атрофида осмонга қараб бақираётганингизни Абдухолиқ кафедан қайтаётганда кўрган. У сиз билан яна ичгани қайтган. Мен ишимни битириб кафега келганимда соат тўққиз атрофида эди. Абдухолиқ сизни боя, боягина кетганингизни ва қайтиб келишингизни ҳам башорат қилувди. Эй Наимов, «Борсақайтмас»ингиз нима?!»

«Мана, ҳозир гаплашиб ўтирибмиз шу «Борсақайтмас»ни. Абдухолиққа ҳам шундай дейман. У эса кўзимга мўлтираб қарайди. Кейин «дунёда, дунё ҳам эмас, коинот ичида айнан ҳозир ва эртага, ўн йилдан сўнг ҳам нафас олишимдан хурсанд бўлишим керакми?» дейди, яна менга ўқрайиб «Наимов, мен ҳар куни ўзим билан ўзим уришаман. Бундан бахтиёр бўлишим керакми?» дейди. Мен жавоб қайтармайман. Нима дейман? «Ўл» дейманми? Собит, гапни бурмоқчи бўламан. «Абдухолиқ, «Борсакелар»га бораётувдим» дейман. У «нима?» дейди. «Борсакелар»га бораётувдим. Йўлда бир болага кўзим тушди. Кимгадир гапиряпти. Лекин олдида ҳеч ким йўқ. «Менгами?» деб ўйладим. Абдухолиқ «қанақа бола?»

дейди. «Бир бола-да, ёши ўн-ўн иккиларда» жавоб  
қайтараман унга. «Хўш, нима?» дейди».

«Ким?»

«Ким?» дейсизми, Собит? Абдухолиқ-да. Ўша  
бола ўзига ўзи гапираётипти. «Нима бўпти?» дей-  
ди Абдухолиқ. «Сиз аввал эшитинг» дейман. «Хўш»  
дейди...»

«Абдухолиқ буни менга айтиб берди».

«Яъни нимани айтиб берди?»

«Бола «эй Художон, момомга умримдан бир йи-  
лини бер» деган, кейин ўзининг зиқнализиданми  
ўялиб «икки йил, икки йилмас, умримнинг ўн йили-  
ни момомга улаш, у ўлмасин» деган, шунақа гаплар.  
Шундайми? Сиз эса унинг олдига келиб «бу кунинг-  
дан ўл» дегансиз. Бола қўрқиб қолиб кўздан йўқол-  
ган. Шундайми?»

«Шунга яқинроқ, Собит, ўшанда жаҳлим чиқиб  
кетганди. «Эй бола, момонг сочини, аслида, битлар-  
дан тозалаш учун тарайди» деб бақириб бермоқчи  
эдим. Абдухолиқ кўзини лўқ қилади; менга олайиб  
қарайди. «Ойхон парининг миясида битлар ўрмалаб  
юрса керак» дейман унга. У «қанақа битлар?» дейди.  
«Мен буни сезаман». «Қандай сезасиз?» дейди. «У  
бешининг қичиғини қолдириш учун доим сочини  
тарайди». Абдухолиқ кулади ва «ҳа-я, сиз романин-  
гиздан парча айтиб беряпсиз-ку» дейди. Мен «ҳеч  
қандай роман-поман ёзганим йўқ ва ҳеч қачон ёз-  
майман» деб зарда билан унга гапираман. У менга  
қўлиш билан жавоб беради. Гапирмайди».

«Наимов, ростдан ҳам бу романдан парча эмас-  
ми? Роман ёзмоқчи эмасмисиз? Ниятингиз шу эди-  
кү Сизни умуман тушунолмаёпман».

«Ҳатто миттигина ҳикоя ҳам ёзмайман. Уни ўқиган одам махлуққа айланади. Камдан-кам одамларгина ўзини сақлаб қолади. Абдухолиққа ҳам шунақа гапирувдим. У бурнини жийиради: «ўзингиз биласиз» дейди. Собит, миямда ҳар замон, нима десам, бир бало – чунки унинг қиёфаси йўқ, ўша ярқ этиб ўтиб кетади. Йўқ-йўқ, махлуқ яшайди демоқчи эмасман. Ўша балони тушунтириб бўлмайди, у сўзга айланмайди. Чунки у – ҳеч...»

\* \* \*

Поезд томон югурди. Эшиклари ёпилди. Етолмади. Кейинги поезд қачон келишини ҳеч ким билмасди, ўзи ҳам. Ер остидан ташқарига чиқди. Қир ёнидаги ёзги кафега кирди. Сотувчи ювуқсиз финжонга узум шарбатини сузди.

«Тоза финжонга сузинг». Кафеда ўтириб навбатдаги поездни кутмоқчи бўлди. Югурдак бола келиб, бу ердан кетинг деди, сабабини айтмади, мусофир суриштирмади ҳам. Югурдакнинг орқасидан юрди.

Олдиларидан илонлар ўрмалаб йўлни кесишарди, шунда қўрқди уларни босиб олмайин деб. Йўл бошлагич югурдак чаққон қадам ташларди.

Мусофир поездга етолмай югурдак орқасидан қадам ташлагунча бир йилдан ортиқ вақт ўтгандай. Йўл кўрсаткичга «менга тушунтириб бер» деб бақирмоқчи эди. Илонизи йўлдан бошини кўтаришга ҳоли етмади, диққатни бўлмаганда шундай бўлади. Илонлар йўлни кўндаланг кесиб ўтишарди. «Ҳатто чумолига ҳам озор бермасдим», биров айтганди, эслади.

«Буни ўзингиз тушундингиз. Қамраб олдингизку. Кўпинча одамнинг истаганидек бўлмайди» деди

югурдак бола ва ғойиб бўлди. Балки, кафега қайтгандир, йўқ, у аввал мусофирнинг кўзларида ёш олтиндек милтиллаганини кўриб қолганди.

Сув юзаси кўринди, аввал ер қимирлади ёки, аксинча, денгиз кўринди. Соҳил ёнидаги камида учта самолёт сиғадиган ангарга югурди. Эҳтимол, сув тошқинидан қочиб кирди ёки бу ҳаракат унинг иродасидан ташқарида эди.

Ангар қоронғи эди. «Менинг йўқлигимни билингирманг. Хонтахтада китоб турибди. Хоҳласангиз ўқиб тулинг». Уй эгаси кўздан йўқолди, аниқроғи, овоз эшитилмай қўйди. Мусофир уй эгасини кутиб фақат ухлади. «Уйда чироқ бўлмаса, китоб ўқиб бўладими?»

Таваккал қилди, уйдан ташқарига чиқди.

Соҳилдаги улкан тошлардан бири устида ётиб куюёш нурида тобланадиган одат чиқарди. Ёруғ тушмайдиган уйдаги қоронғиликнинг захи баданига кучганди.

Денгиз париси сув юзасига чиқиб мусофирнинг машғулотини кузатди. Жаноб ҳам шунча кун унга сўз қушмади.

Кунлардан бир куни овоз эшитилди:

«Бекорчи хўжам! Ҳар кун Сизни кузатаман. Тош устида осмонга қараб ётишингиздан маъни тополмаяпман. Балки, хўжам мени кутяпти деб ҳам ўйладим. Менга назарлари тушиб ҳам бир сўз демади».

«Сочларингдан ушлаб олиб, сени судраб ангарда қамаб қўйиш ҳақида ўйлаяпман». Мусофир зарда қилди.

«Уйингизга борган эдим. Мени қувиб чиқардингиз ку».

«Сени қирдаги илонлардан бири деб ўйлабман. Бу менинг уйим эмас. Эгаси қаёққа кетган, буни ҳам билмайман».

Қир устидан ўрмалаб ўтишган илонлар бирма-бир ит қиёфасига айлана бошлашди. Болакай илонизи йўлни ҳали кесиб ўтмаган эди. Сергак тортди. Ва денгиз томонга қараб қочди. Итлар қувди.

«Югурдак итлардан қочиб йўл ёнидаги кетмакет жойлашган дарвозаларни тақиллатди. Ҳеч ким очмади. «Очмасди ҳам». Охирги дарвозадан ошиб ўтиб, уй эшигини чертди, очилмади. Кейин тирнади, бу унинг илтижоси эди, барибир, очилмади, орқага қайтди, кўчага чиқди. Бола учун итларга ем бўлиш нажотдай туюлди, энди қўрқмасди...»

*2002 йил*



---

ҚОРА  
ДЕНГИЗ

---

## 1

У – гўзал ва улуғ! Унинг дўсти – дунёнинг гўзал одами. Эслаб йўл юраман. Коинот – битта ишқ достони.

## 2

– Рембо бу ҳақда ёзган. «Ишқ кемаси». Кейин бу кемани излаб Африкага кетган.

– Нега айнан Африкадан излаган? Тушунмайман.

– Сен Африкага боришни орзу қилганмисан? Биламан, бормагансан. Тушунарли, иссиқ. Тўғри, жазирама. Коинот дарвишлари Африка жазирамасини назарига ҳам илишмайди. Аммо у ерда бошларини кундага қўйишгандай кўзларини ерга қадаб юришади.

– Бошлари кўк томига тегиб, Мусонинг гапини яна қайтаришларидан қўрқишадими?!

Билсанг, дарвишлар коинотни елкаларига кўтариб юришган. «Ҳеч тасаввуримга сиғмайди. Ҳар қанча уринсам ҳам. Лекин кўряпман. Мен аллақайси кафедра сигарет чекиб ўтирибман. Ойхон эрталаб ишга кетяпти. Шохлари синса-да, дарахт панасидан пойлаяпман. Анови қора тош». Юриб кетяпман-у, ўйлардим, хазонга айланиб қолсам. Фаррошлар мени ҳам бошқа хазонларга кўшиб ёқишса. Куз эди. Самолёт Қримдан учиб келди. Ёки аксинча:

– Яқинда онаминг олдига кетаман.

– Мен эса денгизга. Сиз шошилманг. Масалан, Фарангистонга кетинг.

– Бизни ҳеч ким тушунмайди.

Кейин ўтирдик. Сокин денгизга қараб. «Онанинг исми Сокина, а?», ўлганига неча йил бўлди? Бир, икки... Мен денгизга тош отмасликни ўргандим. Соҳил совуқ бўлади. Қуш полапонини қаноти остига олгандек, мунажжим тўни ичига кириб олдим.

– Раҳмат. Сиз менга кўришни ҳам ўргатдингиз. Тушларимни ҳикоя қилиб ёзардим. Бир куни мени консерваторияга олиб киришди. Саҳнада менинг аксим, худди ўзим, фиръавн кийимида. Ёнида тансоқчилари. Қуролланган. КА. Менинг ҳам кўлимда қурол бор экан. Тансоқчилар мени отиб ўлдиришмоқчи эди. Абжирлик қилдим. Фиръавн ҳам ҳалок бўлди. Ўшандан бери уйқум келмайди. Қўрқаман. Кимдир мени нойлаётгандек. Эсланг. Акутагавани кимдир таъқиб қилган. «Самарқандга кетиш керак», – деб у кундалигига ёзган. «Келиш керак» эди. Самарқандда йўлбошловчисини топарди. Ўзини осмасди. Ҳалиги кўлканинг кўлида пичоғи бор. Мендан нима истайди? Ўзимни ўзим кўриқлаётгандек деярли ухламай кўйдим.

Унинг хаёлини туш кўриб қоғозга туширардим. У энди хаёл сурмайди. Чанг чалади. Чангнинг етмиш гори бор.

Мунажжим деди:

– Бизни ҳеч ким тингламайди.

– Чунки ўзларини эшитишмайди. Мени кечиринг.

Болалигимда уйқум келмай тоғорага чакка томишини тинглардим. Ярим кечаси. Тоғорага томаётган ёмғир томчисига илашиб хаёл зинапоясидан томга чиқардим. Осмонда турнақатор самолётлар учарди. Ёттаси қир тепасидаги текисликда кўнувди. Мен югуриб бориб самолёт кабинасидан тушган учувчиларга девдим:

– Сизни танийман. Бугун кечки пайт радиодан гапирдингиз. Аргентинада ишларкансиз-а?

– Адашяпсан, болакай. Мен радиодан гапирганим йўқ. Радиоҳикоя эшитгансан, холос. Бошқа одам – актёр гапирган. Тушуняпсанми? У бошқа замон.

Радио мўъжиза эди. Китоб катталигича қутича ичидан одамлар гапиришарди. Мен қулоғимни карнайга қўйиб олиб тинглардим.

– Радиодан гапирган одам бошқа эканлигини ақлимга сиғдиролмаيمان. Лекин нега унда сиз билан гаплашиб ўтирибман?

– Муқаддас китобда ёзилган. Юрадиган икки оёқли афсонавий дарахт бор эмиш. Ўшани излаяпман. Унга Одам Атодан бу ёғигача яшаган қушлар қўниб сайрашаркан.

– Икки оёқли дарахт? Балки, у тоғда ўсар?

Сокин денгиз теп-текис чўлни эслатади, чексиз ёмғир ёғади:

– Отахон, нега йиғлаб келяпсиз? Сизни ким хафа қилди? Сўрашяпти. Ярим кечаси, пиёда келаётувдим. Ақлимни йиғиб қарасам, кўзимдан ёш оқаётган экан. Уч-тўртта ўсмир кўчада сигарет чекиб туришибди. «Ўзим шундай». Жавоб қайтардим. Узум суви ичамизми? Қизилидан. Қуёш эрталабдан-кечгача ишлайди бечоралар ичишсин деб. Унинг меҳнатини қадрига етмаймиз. Отахон дейишди. Менми дедим. Исроф қилмасдан ичиш керак. Тупроққа тўкиб юборишда маъно йўқ. Нега йиғлайсиз? Қайта сўрашяпти. Овутмоқчидай. Фақирман дедим. Улар эса таксида уйингизга етиб олинг деб пул беришяпти. Икки оёқли отим бор десам ҳам кўнишмади, беришди. Дўкондан вино сотиб олдим.

Дунёнинг гўзал одами ёр васлига етганда коинот қип-қизил гулга тўлган. Гул ҳидидан ошиқлар маст бўлган. Ёр севгилисига севги жоми совға қилган. Унда илоҳий май ичиб, маъшуқ ошиғини қутлаган.

Ойхон Олой бозорида жойлашган дорихонада ишларди.

«Сенинг қоп-қора сочингда яшайман. Сочинг чексизликни қамраб олган. Унда йўллар кўп, аммо битта йўл бор. Ўша йўлдан кетяпман. Товоним шишиб кетса-да, завққа тўляпман. Қизил ҳиндуларга ўхшаб қизариб кетяпман. Йўл ёқасидаги дарахтларни силаб қўяман. Шавққа тўлиб дунёдаги ҳамма одамни қучоқлаб олгим келяпти. Сочларингни ҳидлаб, асраб юрган сўзимни қулоғингга айтмоқчиман. Қалтирайман. Титрайман. Қўрқаман. Бозор ёнидаги метродан чиқиб кафедра чой ичаман. Пиёламда осмондаги қуёшнинг акси тушади. У пиёла тубида қалқийди. Вужудимда юрагим раққоса қизлардек ўйнайди. Пиёлага яна бир қарасам, қуёш акси уялиб ундан чиқиб кетадигандек, жоним ўйнайди. Юрагим юқорига балқиб чиқмоқчи. Йўлдан йўловчи ўтиб кетади. Зикр айтиб. Уни тўхтатаман. «Мени чалғитинг», – дейман. Яна:

- Йўл бўлсин?
- Шарққа кетяпман.
- Озроқ дам олинг. Нафас ростланг. Танишайлик.
- Сизни танийман, – дейди у. – Сигаретингиз борми?
- Бор.
- Чекамиз.
- Оқ йўл, – дейман.

– Сизга ҳам.

– Айтганча, дунёда ёмон одам йўқ. Фақат ёмон қилиқлар бор.

– Шундай. Қилиқлар кийимга ўхшайди. Кимдир ўлса, уни ечиб кетади. Бошқаси кийиб олади.

– Афсуски, шундай. Шундан кўплар бир-бирини танишмайди.

– Ҳа. Омон бўлинг!

– Омон бўлинг!

Ва ҳоказо!»

«Жон қуши дарахт шохига қўниб афсона айтишни бошлайди. Жимсиз. Кўкрагингизга бошимни қўйиб ётишни яхши кўрардим. Баданингиз сўлиган гулга ўхшарди. Нафас чиқарардим-у, баданингиз ҳидини ичга ютардим. Мен айтдим:

«Менинг биринчи осмонимсиз, момо».

«Тонгги тўртда Ойхон ва мен тунги кафедан чиқардик. Воронцов хиёбонидан ўтиб соҳилга тушардик».

– Марям! Худди эртақ қаҳрамонларига ўхшаймиз.

– Персонажларига.

– Марям! Сени тушунаман.

– Қуёшда қора доғлар бор дейишади. Балки, улкан тоғлар бордир. Лекин мен кўрмаяпман, қара.

«...Ва ҳоказо. Ойхон пари қуёш нурига тоб беролмай, қордай эриб денгизга чўкиб кетувди. Аслида...»

Одам тупроқдан, авлоди «отилиб чиқувчи суюқлик»дан яратилган. Биз келиб кетамиз. Тана тупроққа айланади. Ернинг оғирлиги анчага ортган. Қанчага, ҳеч ким билмайди. Соҳил бўйидаги уйни

пахсадан қурувдим. Тупроғини эринмай ҳар жойдан қопларда ташиганман. Шунда тушунувдим: бизнинг миллат кўп туғдиради. Демак, тупроғимиз ҳам кўпаяди. Маъно: ҳеч нарсаси йўқ фақирлар уй ва йўл курсинлар. Яшасинлар ва йўл юрсинлар! Ғойибдан овоз девди: «Осмондан ёғилаётган тошлардан бошпананг бўлсин».

Бир кун қир тепасидаги текисликда самолёт қўнди. Икки момони кутиб олдим. Қир ёқалаб соҳил томонга юрдик.

– Сизларга уйни кўрсатмоқчиман. Боғи ҳам бор.

– Бу ажойиб!

– Чироқ керак эмас. Кечаси деворидан нур таралади. Тупроқнинг фосфори бор. Қабристоннинг тупроғи-да.

– Бу янгилик эмас.

– Ҳа, албатта. Телевизор ҳам керак эмас. Дунёни кўрсатадиган ойна бор. Сафарга борганимда совға қилишган.

– Биз доим сафарингиз ҳақида эшитгани келамизку. Севимли акаларимиз ҳақидаги ҳикояларингизни тинглашни ёқтирамыз. Боғингиз гуллари чиройли экан. Ҳавоси ҳам.

– Боғдаги тупроқни танишган жойимиздан олиб келдим. Акаларингиз изи теккан. Боғ ҳавоси денгиз шамолидан.

Танишувимиз қизиқ бўлганди. Ўша куни Ойхонга: «Менга парда бўл», – дегандим, у бармоғига тақилган узукни кўрсатиб: «Сиз кечикдингиз», – девди. Сўнгра бозор ёнидаги ёзги кафедра шунчаки пиво ичувдим.

Қаршимда фонтан ёнидаги дарахт атрофини икки момо сув сепиб супуришувди.

Соясида уфққа қараб хомуш ўтиришди. Ўзимни чалғитмоқчи бўлдим, уларга:

– Бу ерда қуёш ботишини кузатишни яхши кўраман, – дедим.

– Биз ҳам бизнинг тилимизга тушунар экансиз, – деб менга табассум қилишди. Кейин ўзлари ҳақда сўзлашди...

Қабрининг рақами 481. Зиёратга борганингизда адашманг дейман, холос.

Улар йўл юришаркан. Отларини излаб. Бу ҳақда немис ёзувчиси Юсуф К. ёзган. У ёқади. Айниқса: «Милена! Сени севаман. Шундан бутун дунёларни яхши кўраман», – дегани. Миленани турмада отиб ташлашган. Озроқ чалғидим.

«Сарбозлар подшо, султон, президент бўлишни ишашмаскан». Нега? Ўзим ҳам билмайман.

Сиёвуш ҳам коинот чопари бўлган. Подшодан мактуб олиб, сафарга чиққан. Вазифаси эсон-омон қайтиб келиб мактубни подшога топшириш экан. Хуллас, уни саройга киритишмабди. Подшонинг тансоқчилари:

– Сен ақлдан озгансан. Тураржойинг – жиннихона, – дейишибди.

– Ҳеч бўлмаса, хабар олиб келганимни подшога етказинг.

Маълум қилишмаган. Аксинча, Сиёвуш ёт унсур дейишган. Ўзини унутган подшо қатлга фармон берган. Сиёвушнинг учқур оти ўғлига мерос қолган.



Мен, шоир ва унинг хотини Барно хоним хиёбонда жойлашган кафедра ўтирибмиз. У, одатдагидек, вино ичяпти, мен Барно хоним билан чой. Кеч тушган. Қуёш ботганига дақиқалар бўлган. Негадир иккиланиб ўтирибман: бир хаёл қиламан – қишлоққа пода қайтиши эсимга тушади, давоми бўлиниб, фикрлай бошламан. Нима ҳақда ўйлагандим шунда, ёзгим йўқ. У фикримни: «Зулмининг боши кесилсин», – деб бўлиб юборгани эсимда. Шу пайт кулдим, мийиғимда, кўзим хиёбон панжараси ортидан бизга тикилиб турган одамда экан. Нигоҳимни у одамдан олиб қочдим. Хавотирландим: миямдан «сезиб қолмасин» деган фикр ўтди. (Қизиқ, нега?) Қизаргандай бўлдимми, билмадим, лекин сигарет тутуниданми, кўзим ёшланди. Чап қўл бармоғим орасида қисилиб турган ва ярми чекилган сигаретни ҳавода у ёқ-бу ёққа ўйнатдим негадир. Кўзи тутундан ёшланди деган фикр уйғотмоқчи бўлдим, чоғи. Кўчада тикилиб турган ҳалиги одам қўли билан имлаб мени чақиргандай бўлди. Мен унинг олдига бориб, қайтдим. Барно хоним: «Нима гап?» – деди. «У одамга хиёбонга қайси тарафдан киришини кўрсатдим», – деб жавоб бердим. У винодан ҳўплади, хотини: «Хиёбон дарвозаси ёнгинасида-ку», – дея менинг жавобимга таажжубланди. Мен елкамни кўтариб туширдим. Барно хоним: «Ёки танишингизми?» – деб сўради. «Биринчи бор кўриб туришим», – дея жавоб қайтардим. Шунда у эри томонга ўгирилиб, ҳадик билан қаради – кўзлари пирпирарди. «Мендан кўрқяпти» деган фикр миямда пайдо бўлди. Мендан нега ва нима сабабдан кўрқяпти керак? Нима ёмон иш қилдим?

Барно хоним: «Кеч тушиб қолди, энди уйга қайтайлик», – деб эрига гапирди. Мен унинг гапини маъқуллаган бўлиб бош қимирлатдим. Қўзғалдик. Хоним йўл бошлади, икков орқасидан эргашдик. Хиёбон дарвозасига зинапоядан тушилар эди. Зиналардан секин туша бошладик. Чунки У кўпроқ ичганди. Мен ҳар эҳтимолга қарши унинг қўлидан ушлаб олдим. Зинапоядан ҳали тушиб ҳам бўлмовдик, ён-атрофимизда ўтиб-қайтаётган одамлар пайдо бўлди, худди тушдагидек. Бу ҳолат менга метронинг «Чилонзор» бекати зиналаридан кўтарилаётган ва пастга тушаётган йўловчиларни эслатди. Тўсатдан одам кўпайиб кетганига ақлим етмовди. (Бу ҳолатда эр-хотин нима ўйлашганини билмайман.) Хуллас, шу пайт менинг ва унинг қўлини кимлардир қайириб, сўнг бизни зинапоя ёнидаги деворга тираб, ён-веримизни пайпаслай бошлашди. Барно хоним аёл бўлгани учун, албатта, қўлини қайиришмади, фақат сумкасини қўлидан юлқиб олишди. Бизнинг қўлимизни қайирган барзангилар бухороча кураш бўйича мамлакат чемпионларига ўхшарди. Ўшанда «Э, булар ҳақиқатан мамлакат чемпионлари-ку» деган гап миямдан яшин тезлигида ўтувди. Ҳайбати ҳўкизникидай, кучи айиқникидай бўлгани учун ҳам, балки, шундай ўйлагандирман, яна қайдам, билмадим. Улар қўлимизни қайирганча хиёбон ичкарасига олиб киришди. Бир маҳал олдимиздан текис асфальтланган кенг майдон чиқди, футбол майдонига ўхшаган, аммо унинг тўрида машина турадиган қатор бокслар жойлашганди. Майдоннинг ҳар-ҳар ерида эркагу аёллар ўтиришган, бокс дарвозалари очиқ, ичи бўм-бўш, фақат у ер-бу ерида сумкаю кийим-кечак ва шунга ўх-

шаш лаш-лушлар ётарди. Мен қўрқувдан титрардим, оёғимнинг қалтироғини тўхтатиш учун панжаларимни маҳкам қиса бошладим, шунга қарамай, икки туфлимнинг учи асфальтга ёпишмади. Фақат туфлимгина совуқда қолиб кетганидан қалтирай бошлаган одамни эслатарди. Гўё шеърнинг мисраси такрор ва такрор оғзимдан отилиб чиққандай, «бисмиллоҳ» айта бошладим. Ёнимда ҳамма нарсага бепарво турган у менинг пичирлаётганимни, албатта, эшитмасди. Шоир бўлаётган воқеани шунчаки кузатиб турарди, қўлини қайиришганида ҳам, майдонга мажбурлаб олиб келишганида ҳам лоақал бир оғиз сўз демади, ҳатто говуш чиқармади, юзида қўрқув аломатини сезмадим, хотиржамлик бор эди, холос. Барно хоним эрининг хотиржам туришини кўриб, ўзига келганга ўхшарди-ю, лекин уни хавотир тарк этмаганди, чунки у йўрт тарафга тинмай кўз югуртирарди.

Кўп ўтмади, бир-икки дақиқа ўтган бўлса керак, майдонда ўтирган эркагу аёл ўрнидан туриб, биз томонга қарашди. Бизни қўриқлаб турган (ўлай агар, улар бизни қўриқлашаётувди) барзангилар ҳам орқаларига ўгирилишди. Мен ҳам қўрқув ва қизиқсиниш билан бошимни бурдим. Бу ҳалиги одам эди; бизни аввал озроқ кузатган, мени ёнига имлаган, кейин кўздан ғойиб бўлиб қолган. Ҳойнаҳой, буларнинг бошлиғи бўлса керак деб ўйладим. Шунақа, чоғи, кўрсаткич бармоғи билан шоирни кўрсатиб, барзангиларга уни орқамдан олиб келинг дегандек имлаб, майдоннинг чап тарафига шахдам қадам ташлади. Мен у юрган томонга қарадим; майдон ченида оғоч тикка қилинган, ерга кирган жойи яхшилаб цементланган. Оғочнинг юқорисида кўндаланг

қилиб иккита ғўла қоқилган. Ҳар икки ғўланинг тўрт бурчида арқон маҳкам боғланиб, учи ерга тегар-тегмас қимирлаб турибди.

Шоирни икки барзанги икки қўлидан ушлаб олиб кетди. Мен нажот кутгандек атрофга қарадим, нимани ҳам ўзгартира олардим, ичимда яна қўрқув денгиз тўлқинидек жунбишга келган бўлса, ғулғулани айтмайсизми. Чунки тайёр эмасдим, охириги лаҳзада ичимдан сўзлар портлаб чиқиб кетиши мумкиндек, ҳар лаҳзани иродамга бўйсундиришга ҳаракат қилардим. Қўрқув устун келгандек эди, унинг тўлқини эркимнинг деворига келиб урилганида «ана-мана, ҳозир таслим бўлиб ётиб оламан» деган фикр калламга келарди, балки, бу гап вужудимни қамраб олган бўлса керак, менга шундай ҳам туюларди ўшанда, бутун аъзои баданим ана шу гап-фикрга айланишига озроқ қолгандек, лекин, худога шукр, қўрқув тўлқини орқага ҳам чекинарди.

Фикримни чалғитиш, ҳатто уни адаштириш учун атрофга олазарақ қараб бошладим. Бокс чироқлари майдонни тўла бўлмаса-да, ҳар ҳолда, ўтирган-юрган одамларни кўришимга имкон беради. Мен билан ҳам содир бўладиган воқеага (воқеами бу) ўзимни тайёрлашим керак эди ва миямда аридай айланиб юрган фикрдан қутулмоқ учун аввал ерда доира шаклида ўтирган аёлу эркакларга қарадим. Балки, бирорта аёлнинг нигоҳини ушлаб оларман. У мени овулар. Унинг нигоҳи саксафон куйига монанд бўлса, негадир шунда бу чолғу асбоби чалинишини жуда истагандим. Ана-мана мени ҳам шоирни олиб кетишган жойга олиб боришади. У ёққа қарадим. У ёқда...

У ўнг қўлидан осилган эди. Ўнг қўлини арқонга боғлашибди. Оёғи ердан бир қадамча узилган. Икки барзанги унинг белидан ушлаб ҳаракатга келтиришади. Уларнинг бошлиғи стулда ўтирибди. Қўлида дафтар бўлса керак, нимадир ёзаяпти. Ёнимдаги барзангиларга қарайман, бири менга табассум қилади: боладикми дегандек. Кимдир: «Яхшимисиз?» – дейди. Қарайман, ўтирганлар орасидан биров қўлини кўтараяпти. Яна: «Яхшимисиз?» – деб овозини баландлатади, «Нега кўринмайсиз?» Қарайман, у қўшним-ку, биринчи қаватда туради. Боласи эрталабгача магнитофон қўйиб чиқади. Ёнидаги маҳалламиз оқсоқоли! Кўнглим кўтарилади. Яна қарайман, анави аёл танишдай. Э, ҳа, уйимиз ёнидаги кафедра официант бўлиб ишлайди. Гоҳида унга кўпроқ чойчақа берардим. Чиройли қиз. Сўровдим. «Ҳали қизман», – девди. Кулгили. Лекин ўшанда шуларни эсловдим. Ўшанда. Шундай деб бўладими «ўшанда»ни? Қўшнимни чақираман: кўзимни юмиб-очиб, бошимни қимирлатаман, ёнимда турган барзангилардан бири ҳаракатимни тушунади. «Ўзингиз боринг», – дейди. Танишларим томонга юраман. Яқинлашиб борсам, яна танишлар: анави йигит тил ва адабиёт факультетида мендан бир курс юқорида ўқирди, доим сақич чайнаб юрарди. Бу ерда турган-юрганларнинг ҳамма-ҳаммасини деярли ҳар куни кўриб тураман-ку! Анови тиланчи, буниси мен доим ўтирадиган кафе хўжайини, ходимлари ҳам олдида, бу ким, ҳа-я, газета дўкони сотувчиси, бу-чи, кўчадаги фоҳиша-ку. Бошқалар ҳам кўзимга иссиқ кўринади.

«Бориб қўшним билан кўришай, балки, бошлиғига унинг гапи ўтар». Қўшним билан қуюқ сўраша

кетдим. Кейин муддаога ўтдим. У: «Ҳеч иложи йўқ, буйруқ шунақа», – деди. Кейин: «Сизнинг хабарингиз йўқмиди?» – деб менга маъноли кулимсиради. Мен барибир ҳеч нарса тушунмасдим. Барно хоним нажот кутгандек мендан кўзини узмасди. Мен: «Нажот кутманг», – дегандек кўзимни ундан опқочиб, бокс тарафга қарадим. Ўйлаб олишим керакмиди? Фикримни жамлаб, «Нима бўляпти ўзи?» – дердим-у, ишонинг, нима бўляпти ўзи, англамасдим, мен мен эмасдим, йўқ, шундай деб гўё ўзимни оқламоқчиман. Шу пайт ойна излагандек бўлардим, лекин топилмаслигини хоҳлардим, гапнинг индаллоси, бировдан ойна сўрашга уринганим ҳам йўқ.

«Одам бунчалик ўзини севмаса», – дерди кўпинча қўлидан осилган шоир. Мен шу гапни эсладим. Менда куч пайдо бўлгандек бўлди. Ёнимда турган барзанги томон шартта ўгирилдим ва: «Мен тайёрман, мени ҳам осинглар», – дедим. Барзанги аввал ҳайрон қолдиёв, нима дегандай бўлди, эшитмади деб ўйладим, гапимни яна қайтардим: «Мени осинглар». У кулди, сўнг жавоб берди: «Сиз ўзимиздан-ку».

\* \* \*

Улардан қандай қилиб қутулиш усулини Д.Н. ҳар кун эсида сақлаб туролмайди. Бу усулни ён дафтари-га қайд этиб қўяй деса... Чунки кўп бор бу ишни ёки тажрибами, қўллаб кўрган, натижа эса қуруқ, яъни дафтарда ёзилган нарсалар, уларни фақат нарсалар дейиш мумкин, нари борса чўпчак, хуллас, чўпчакдан бошқага ярамай қолади ва, қизиғи шундаки, бу чўпчакдан иборат нарсаларни Д.Н. китоб ҳолига келтириб, «Тошкент битиклари» номи остида нашр

антиришни мўлжал қилиб қўйди. Бу мўлжали, балки, улардан қутулишдир? «Йўқ, – деб жавоб беради ўзи- та Д.Н., – бу машғулотга шўнғиб кетсам уларни унут- таман, холос. Шугина ниятим». Ва мийиғида кулиб қўядию тўсатдан қуйидаги воқеа эсига тушади.

Бу, аслида, воқеа эмас. Улардан қутулишнинг их- чамроқ усулини кашф қилгандай бўлди. Бу осон. Кўзни катта-катта очиб юриш, холос. Уйда эса де- разаларни беркитиш, орқасидан пардани тушириш, девордаги осиглиқ картинага эса қараш шарт эмас. Ва тинмай китоб ўқиш. Аммо ўнта кам бешда уйғо- ниб кетадиган одат чиқарди. Биринчи, иккинчи куни эсига келгани йўқ. Улар туш орқали ичига киришаёт- ган экан. Учинчи куни эрталабки ўнта кам бешда уйғониб қолганда бу кашфиёт ҳам ўринсиз топилди. Балки, улар билан келишиб яшаш керакдир? Бош- қалар шундай яшашяптими? Кимдан сўраса, у ҳақда эшитишган, ўқишган-у, лекин ўзларини кўришмаган. Бунга ҳеч ишонгиси келмади. Балки, ҳамма бир-би- ридан яширар. Ҳамма улар билан шу ҳақда ҳам ке- лишиб олганми? Охир-оқибат шу бўлди. «Мен улар билан келишиб яшамайман, аксинча, курашаман», – деб олдин узлатга чекинган бўлса, энди узлатдан чекинди; телевизор кўрадиган, радио эшитадиган, чап кўзини сал қисиб юрадиган одат чиқарди. Чунки ҳушёрликни қўлдан бериб қўйса, у кутмаган балолар бошига ёғилиши мумкин. «Ҳушёрман деб юрганим менга бало бўлиб чиқмасин», – деб Д.Н. ухлаш ўр- нига мижжа қоқмай чиқарди. «Балки, мижжа қоқ- маганимнинг ўзи балодир». Баттар ўзидан кўрқиб кетарди. «Аҳвол шундай давом этаверса, жинни бўлиб қолиш ҳеч гап эмас». Д.Н. ҳаётини шу тарзда

давом этишини хоҳламаганидан «Тошкент битиклари»ни ёза бошлади, албатта, бу ҳаракати аввалига чиндан ҳам иш берди. Кун бўйи миясида ҳар хил фикрларни чархлаб, китобий жумлага келтириб юрди. Бу ҳол тўсатдан пайдо бўлгани йўқ, олдин ҳам лекин аҳён-аҳёнда содир бўларди. Шундай, лекин кейинроқ, у ўзи билан эмас, бир неча кишилар билан гаплашиб юрибди, кўпини ҳатто танймайди. Кўчада ёнидан ўтиб кетган ёки метрода ёнида ўтирган йўловчими-ей.

Мавзуни Д.Н. танларди. Чунки хоҳиши унинг, бу суҳбатдошларига хаёлидан жой берди. У гапирар, камдан-кам ҳолатда шериги гапга аралашарди. Ушбу суҳбатларда ҳеч кимни ҳеч қачон хафа қилган, камситган эмас. Фақат бир куни бундан мустасно, кўп бўлмади, эсида бор. Борса-келар мамлақати раҳбарини сўроққа тута бошлади. Унга ҳар хил айблар қўйди. Тинмай савол кетидан савол берди. Раҳбар бирорта саволга жўяли жавоб беролмади. Уни оғиз очгани – ўзини оқлашга уринмоқчи бўлгани Д.Н.нинг саъй-ҳаракати билан беҳуда кетди. Д.Н. буни тан олади. Мамлакат раҳбарига нисбатан адолат қилмади. Нима эмиш, «Бу киши ўз фуқароларига зулм қилаверишбу мукофотга эришган». Ахир ўз-ўзини тинмай оқлаб турмаса, унинг хатти-ҳаракати – амали беҳуда. Одам амалини тинмай ёқлаб туриши заифликнинг кўриниши бўлса керак. Шунда яна бошқани қўшмай, ўзига нисбатан аёвсиз, хушёр гаплашадиган одат чиқарди. Энди ўзини оқламас, ҳар бир гапи ва гапига жавобидан кир қидирадиган бўлди. Ўз-ўзи билан қилган сўроқлари унга яна кўп олдин билмайдиган ҳақиқатларни юзага чиқарди.



Унинг ўзи ўзига бу ҳақда шундай дейди: «Мен нотўғри йўлдан юриб кетаётган эканман. Худо хоҳласа, энди тўғри йўлдаман». Чунки Д.Н.нинг душманлари гуппа-тузук одамлар қиёфасига кириб, унинг ичида бемалол суҳбат қуриб ўтирган чикди. Айтишга осон. Д.Н. бу қилмишини тушуниб етганда ичида нималар кечганини бировга айтмади. Ёки кечмишини бошқаники билан солиштирса бўларди.

\* \* \* \*

Мен ўзимни жиноят қилганликда айблай бошлайман. «Рюноскэ! Рюноскэ!» Рюноскэ эшитмайди. У одамлар орасида кўздан ғойиб бўлади. Орқасидан қувмоқчи бўламан. «Унга етиб олишим керак». «М., уйқунг келяптими, мудрайсан? Сергей, сузсанг-чи. Кейин троллейбусга ўтирдим. Учтаси ўзининг тилида гапириб кетяпти. «Ҳей» дейман уларга, улар ялт этиб менга қарашади, қаерда яшаётганлигингни унутиб қўйдингми? Учови менга қараб хўмраяди. Тўнкалар. Кондуктор хола орамизга тушди. Оғзинга қараб гапир дейди у, хола-да, ким бўларди, «тўнка»ларга раҳми келдиёв, қўйсанг-чи, Сергей, қизиқсан, сен ҳам тўнкага ўхшайсан, нима дедим, шунчаки айтдим-қўйдим, ҳазиллашдим, бўлди-бўлди, бас қил! Яхшиси, ичайлик, ростдан хафа бўлдингми? Эҳ, Сергей, бизда ўриснинг қони кейин, ўзинг биласан, бу ҳақда кўп тортишганмиз, яҳудийнинг мияси бор, М., нимани билсин, мияси пуч, ухлаяптими-мудраяптими?» Рюноскэ! Рюноскэ! Шошма, қаёққа кетяпсан? Эшитсанг-чи, нимага, нима учун тўқияпсан ва шунга ўзингни ишонтиряпсан, аҳмоқ. Узр, узр, мени кечир. Лекин сен ўзинг айбдорсан поччангнинг ўли-

мига... балки, билмадим, ҳозир нимагадир, шундай, тўхта, йўқ, бундай эмас – мен кўрққаним йўқ. Мен ҳеч нарсадан кўрқмайман. Рюноскэ, сен бор-йўғи тўқиганингга ишондинг. Аҳмоқсан! Эшитяпсанми? «Ўзинг-чи?» Ўзим-чи? Мен одаммасман. Одам ҳеч қачон тўқимайди. Рюноскэ! Биз кафедра ўтирардик. Ишдан кейин, албатта. Мен ичмасдим. Ароқ. Ароқ ичиляпти, Рюноскэ. Мен чой ичяпман. Нима бўпти? Ҳукм чиқарма, ҳаққинг йўқ. Ўзинг ўзингни осганингда: «Менинг ҳеч нарсам йўқ, пулим-ку йўқ бева опамнию етим болаларини боқишга, бу тушунарли, қалбимда йўқ», – дегансан. Шундай дегансан. Бор эканми, йўқ экан. Бор эканми? Мен кулмайман. Пиёладаги чойни хўплайман, хўпловдим. Яна. Яна. Лекин ёмон бу, кунлардан бир кун, а, Рюноскэ, мен ҳам синаб кўрсам – бор эканми, йўқ экан. Йўқ, тўқимайман. Тўқимайман! Нега бақирасан? Кар эмасман. Кўрсан. Гунгман, гунг. Агар гапирсам, «тешик қулоқ»лар эшитиб қолади. Мени асир олишади. Ана, қара, телевизордан одамга ўхшаш бир нарса: «Демократман», – деяпти. Эшитсанг-чи, қара, Москва, буниси коммунист экан. Қайси бири одам? Қуръа ташлаб билиш мумкинми? Қара, қара, «террор»чилар изидан тушишипти. Уларни тутиб ўлдиргани одам-аскарлар бошқа қитъага йўл олишяпти. Қара, қара. Мен гапирмаслигим керак. «Мен гунгман, ўртоқлар». Тилим йўқ менинг. Билиб қолишади. Миям қуп-қуруқ. Чириган. У ҳатто ўйламайди. Мен жиноятчиман. Одаммас. Ўзимни жиноят устида ушлаб олдим. Ўзимни кишанлаб, зиндонбанд қиламан. Олег гувоҳ. Сергей гувоҳ. Лекин улар билмайди. Айтганим йўқ. Айтсам билишади. Нимани айтай? «Мен тўқиётувдим, ўртоқлар,

яъни ҳозир, боя ичиб ўтирганимизда мен ичимда ҳикоя тўқиётганимни билиб қолдим», – дейми? Улар кулишади. Мен жиноятчиман. Аниқ эсимда: Шоир кўкрагини кўрсатиб: «Шу еримда шайтон бор», – девди. Мен ана-мана ҳозир шоирнинг оғзидан шайгон отилиб чиқса керак деб ўйловдим. Унинг айтган гапининг ўзи, энди билсам, Рюноскэ, мен тўқиётганимнинг ўзи, менинг ўзим-ку шунда, мен бор-йўғи, ахир, бу сабаб бўладими? Ўйлаб кўр, тўхта. «Раҳмат! Мен ичмайман, тамом». Ёки ичайми? Шу қутқарадимми? «Алишер Ғиёсиддинович гулоб ичган. Зўридан». «Навоий ичганми?» – деб сўралганда шоир шундай деганди. Ёки мен сўровдимми? Нима фарқи бор? «Фарқи бор», – дейди Рюноскэ. Ёки Сергей айтадимми? Рюноскэ. «Ҳа». «Қара, сени бир қиз чақиряпти. Қўлини силкитяпти. Телевизорга қараб ухлаб қолдингми, М.?» Таня! «Ким улар?» «Бирга ишлаймиз». «Мен кечикдимми? Юр, бошқа кафега борайлик. Кафенинг телевизоридан кўзингни узмайсан. Мен ойна ортидан қўлимни силкитаман. Сен эса кўча тарафга қарамайсан. Кўзинг йўлда деб ўйловдим. Нега жимсан?» Ҳикоя тўқиётувдим. «Ҳикоя ёзаётувдим, миямда, Таня». «Қизиқ. Нима бўлаётувди, қанақа воқеа, нима ҳақда, а?» «Рюноскэ ҳақида». «Нима у?» Нима сен, Рюноскэ? Сен-чи? «Акутагава. Шундай ёзувчи ўтган. Татьяна исмли машҳур гуржи маликаси ўтган, а, Таня?» «Билмасам. Ёзиш роҳат бўлса керак-а?» Одам ҳеч қачон ёзмайди. Бу мумкин эмас. Таня сени ёмон кўраман деб айтиши керак эди, Онегин, аксига олиб, «Мени қутқар», – дейди, Рюноскэ, «Ёзиш – дарёдан ўтишимизга ёрдам берадиган қайиқ, а?» – деб сўровдим, хуллас, бир куни. «Мен учун

ёзиш – дарёнинг у тарафи, мақсад», – девди у, мен тушунмовдим, англамовдим, Таня, сендан, мен ўзимдан қўрқиб кетяпман. «Таня, ёзиш – энг гўзал ҳаракат. Ҳаракатимизгина гўзал». Рюноскэ шуни назарда тутган, «Одам бўлиш учун ҳаракат қилиш – ёзиш», – демоқчисан. Рюноскэ, мен яна ўзимни кишандан озод этаман, «Таня, ёмғир ёғяпти», «ёмғир ёғяпти», сени яхши кўраман, пичирлайман, у эшитмайди, «Тангрига эзгулик етишмайди, биз, биз бечоралар унга эзгулик етиштириб берамиз». Рюноскэ менга шундай дейди, мен қўрқиб кетаман, баданимни титроқ босади, нима керак ёзиб, бу зулм-ку! Рюноскэ бошини қимирлатади. Мен эслайман. Маҳмуд Қидиров айтади: «Сен биласанми Мамардашвили қандай ўлганини ва қаерда?» «Йўқ». «Москвада, шундоқ аэропорт ёнида деворга суяниб ўлиб қолган». У деворга суянган пайт нима ҳақда фикр қилганини билмайман, лекин бу қизиқ, лекин гўзал бўлиши керак, аниқ биламан, жони чиқаётган маҳал: «Менинг охирги ўйловим шу ҳақда бўлди», – деб ўйлаган. Дарвоқе, Москва кўчасида юриб бораётган аёл нима ҳақда ўйлайди? Яна беш, ўн минутдан сўнг меҳмонхона ёнида белидаги портловчи модда ишга тушиб кетади, мен эса ўзимни кишандан озод этаман, ёзгим келади. Ҳаммаёқда ўзини портлатиб юбуровчиларни излашмоқда, тутишмоқда, кейин зиндонбанд қилишмоқда. Менчи? Ўзимни ўзим эплай олмайман, «Мени қутқар», – дейди Онегин. Таня. «Таня, балки, кўргазмага борармиз?» Одам ўзини бунча яхши кўрмаса, тўхта, шошма, Рюноскэ. «Тишли ғилдирак, тишли ғилдирак» ғажисин сени, Рюноскэ. Рюноскэ, наҳот, мен ўзига ўт қўйган аёлчалик бўлолмайман? Фақат ҳаво бор. Ёки

ҳавога айландимми? «Нималар деяпсан, М.?» «Таня, кўргазмага бормайлик. Юр, кафега кириб чой ичамиз. Кўк чой».

Мен чой ичаман. Шоир: «Сузинг», – дейди. Сўнг: «Журналга пьеса таржима қилдим», – деб гапира бошлайди. «Унда битта киши нуқул одам борми, одам борми деб бақриб юради». Мен чой ичавераман. «Таня, кўк чой зўр-а? Ҳа, сен биласанми, афсуски, билмайсан». «Нимани?» «Сабр мамлакатини. У ерда фақат чой ичишади». «Бу мамлакат қаердайкин, қизиқ».

Мен яна чой буюраман. «Бу зулм», – дейди шоир, қани девдим мен, шеригим кулувди, бирови жим. «Таня, у мамлакатда фақат чой ичишади». Японияда саке ичишади, Рюноскэ. Россияда ароқ. Онегин кўк чой ичсайди. «Ҳарорати тушиб кетарди». Рюноскэ шундай деб кулади. Аччиқ кулади. Аччиқ кулгани учун аччиғим чиқмайди. Тушунаман, Россия совуқ. Мен тушимни эслайман, Рюноскэ. Шоирни дарахтга осивудди. Ўнг қўлидан. Мен кўрқоқ. «Таня, у мамлакатга борган киши дарахт ўстириши, кейин унга ўзини осиб, ёқиб юбориши керак». «Нима деб валдираяпсан, М.? Чойдан маст бўлдингми?» Менда фақат ҳаво бор. Бўшлиқ. Тупроқ керак. Сув керак. Дарахт ўстириш учун. Кейин олов. Рюноскэ, эшитяпсанми?

\* \* \*

У деди: «Ўликни кўтар». «Кўтармайман». Кўрқдим. Юриб кетяпмиз. С., олдинда ўлик болани икки қўли билан кўтариб олган, қоронғи ўрмон, ўнг тарафимизда, чамаси, саккиз-ўн қадам нарида асфальт иўл, ҳар замон машина ўтиб қолади, унинг чироғи

бизни ҳам ёритиб ўтади. Шунда С. ўтириб олиб ўлик болани (ёши беш-олтиларда) аста-секин ерга қўяди. Ўликнинг юзи менга С.нинг ўғлини эслатади. «С., бундай бўлиши мумкин эмас. Ким бу?» «Ўзим ҳам билмайман, бу воқеа қандай содир бўлди. Уни ҳеч ким тополмайдиган қилиб кўмамиз, кейин қутуламиз». «Аниқ қутуламизми?»

«Менга ишон», – дейди С. Мен ишона бошлайман, ўлик болани мен ҳам кўтаришим керак, С. чарчаган, юрагим сиқилади – бу қаер, қайси ўрмон? Болақайни биз ўлдирдикми, қандай қилиб ёки нима учун? Ҳеч жавоб ололмайман, балки, С.нинг машинаси йўлда болани уриб юборгандир, «бекор бундай йўл тутдик».

«С., балки, орқага қайтармиз, боланинг ота-онаси бор. Бор-ку. Уларнинг хабари йўқ». Шундай деб, хаёлимга «Булар – С. ва ўлик бола – у ёлғондан ўлган бўлиши, мени синаётган бўлиши мумкин» деган ўй келди. «С., мен бу ишда иштирок этмайман». У: «Нима, ақлинг жойида эмасми?» – деб шивирлайди, бу муҳим иш дегандек. Теварак-атрофга олазарак қарайман, ҳеч ким бизни кузатмаяптими дарахту бута панасидан, машина ўтиб қолганда чироғи ёруғида кимнингдир сояси кўрингандек ёки кўрққанда шундай туюладими, билмайман, «С., ёмон иш қиляпмиз», у эса: «М., ерни чуқур ковлаб болани кўмамиз, тупроқни текислаб, устидан хас-хашак, бута ташлаймиз, ҳеч ким билмайди», – дейди, менга сал жон киради, ваҳима мени озроқ бўлса-да тарк этади.

«Энди бундай яшамайман» деган ўй келади. «Қандай яхши, ҳеч ким билмайди». Уйғониб кетаман. Кўйнимда кимдир ётибди, бошини чап кўкра-

гимга қўйган. «Шайтоннинг боласи-ку!» – ҳали кўзимни очганим йўқ, шайтоннинг боласини урмоқчи бўламан, қўлим юрак жойлашган томонга тегади. «Шайтоннинг боласи қочиб улгурди». Ён-атрофимга қарайман: «У ғойиб бўлди». Ваҳима аралаш қувонч мени чулғаб олади. «Мен улгурдим».

«Унинг кўзига қарамоқчи эдим, Т., жисмининг ранги қанақа? Билмоқчи эдим». Шайтон қалб билан ўйнашни яхши кўради. «Айниқса, тушда», «Т., Малевич шайтонни ушлаб олиб, «қора квадрат» ичига беркитди?» «Бу саволми, М.?»

Сен мени эшитмайсан, ҳатто англамайсан, чунки бизни менинг англаганим, менинг ожизлигим ажратиб туради. Лекин сен билан кечаю кундуз гаплашаман, бундан хабаринг йўқ.

У айтди: «Мен кулганим йўқ». Унда ким? «Сен тўқияпсан». «Буни сен айтдинг». «Қримга дам олгани бўлажак руҳий беморлар, лекин ҳеч қачон касалга чалинмайдиганлар келишади». Эсла, бу шарт эмас, қайси куни Таняга дединг: «Қандай яшашни билмасдан яшаяпман». Ва одамлар Қора денгиз бўйига дам олгани келишади. Шунда дединг: шоир айтарди-ку: «Одам ўзини бунча яхши кўрмаса-я». «Мен эса ўзимдан қай йўсинда қутулишни билмайман». «Зерикканимдан нафсим билан бекинмачоқ ўйнайман». У гоҳ-гоҳида яширинган жойингдан сени топа олмайди. Балки, у сенга ҳар замон эрк бериб қўяр ёки зерикканидан шундай иш тутяптими? Буни ҳозирча билмайсан.

Унга айт... «Айтинг...» Мен айтдим: «Аня! «Мени ҳали яхши билмайсан», – деганинг менда қўрқув уйғотди». Мен шунда эсладим ва Т.га буни гапира

бошладим. «Шунда кўрқув қуп-қуруқ ҳавони ёриб бошлайди. Унинг ичидан зулм фаришталари кўри-нади, кўзи кўрларнинг кўзини ўйиб ўзларини ошкор қилишади. Аняга дедим: «Сен – менинг ярмим. Мен ўттиз тўртдаман». Эсладим, унинг дугонаси мендан сўрайди: «Сен умринг давомида тавба қиладиган иш қилганмисан?» Мени қалтироқ босади.

У эса: «Тушунмадим», – дейди. «Қандай яхши, мен сени учратдим». Аня эса: «Тасодиф», – дейди. «Йўқ, йўқ, асло тасодиф эмас». Т., тасодиф эмас. Унинг хукмронлиги ва кучи – тасодифда. У айтганди-ку: «Мени ҳали яхши билмайсан». Лекин метродан чиқиб, ишхонага бораётганимда «Аня, тақдиримнинг йўлидан изга тушганман», шунда қадамимни санаб бошладим. Бир, икки, уч... «Аня, негадир кўнглим ғаш», – дегандим-ку кеча, равшан бўлди бугун: «Одам кекирганда унинг ичидан...» Инсон зулм ташийвериб чарчаб кетмадимми? Шунда, «Аня, сен ва дугонанг менга фаришталарни эслатиб қўйдинг», бу ҳақда «иймон келтирдик» деган икки жўрамга айтдим: «Сизлар жин, икки дугона одам наслидан. Шунинг учун йўлингиз туташмаган». Улар, аксинча, «фаришта»ларга чиройли сўзлар айтади, бу икки дугонадан айириб, мени «дўстимиз» деган бу икки ёлғизликка дучор қилди. «Ёлғизлик кимнинг ватани?»

Бу ерда фақат ўтган кунлар эсланади. «Бир куни Воронцов саройи ёнидаги хиёбонда ухлаб қолдим. Майса устида. Қўлимда китоб. Шу кунлари икки дугона менга ҳамроҳ эди. Аня айтади: «Ҳалиги, кўр-япсанми, кишидан илтимос қилдик, бизни суратга туширишга, қизиқ чиқади, сен ухлаяпсан, биз икки



елкангга тирсагимиз билан...» «Менга хат ёзганингда суратни ҳам қўшиб юбор».

Дунёда тасодиф йўқ эди. Йўлимда оёғимга теккан ҳар бир кесак энди тасодифдай туюлади. «Икки жин қизларнинг хаёлини ўғирлаб қўйишгани-чи?» Билмайман.

\* \* \*

Ҳеч нарса томон йўл узоқдай туюлади. Худонинг карбонад ангидриди мени ҳар хил ковакларга ёки ғорларга учириб боради. Бу ковакларда хотираю фикру хаёллар яшайди. Ҳар хил балою қазодан ас-расин, шу бўлса керак, ёдимга келади, ҳи, куламан, ёқимли, бўйсунуш ҳам ёқимли бўлади.

Мен – ҳаво. Мени ҳеч ким эшитмайди. Нуқул ковакдан ковакка кираман. Вазнсиз бўшлиқ, шунинг ўзи қўрқинчли ҳам ёқимли, аввал фақат ёқимли эди, энди ҳар замон, ҳозир кўпроқ ўзимни тутиб оламан. Ва ковакларга кирмай қўяман.

Фақат ҳаво. «Йўқ ҳавоси сўриб олинган ҳаво». Шундай мисра бор, шундай ҳолат бор махлуқда, унда бу абадий давом этади, гўё, йўқ, ҳа, «гўё» деб ўзимни овутаман ёки бу ҳавонинг ўзими ҳеч нарса, йўқ, бу ҳаво – нарса, нарсалардан бири.

Мен шошилдим. Ахир, бу ҳаво кибр-ку, кибру ҳаво. Ҳаволаниб ўтирардим. Чой ичиб. Яна эслаяпман. Йўқ, яхшиси, бу тубсиз, ери йўқ чексиз, осмони йўқ ҳавода учиб юргим бор. Озроқ бўлса-да. Лекин.

«Қуруқ сумбатингга чой ичиб ўтирибсанми?» деган овозни эшитаман. Яна. Яна такрорланади. Ким бу? Бу мен эмас, лекин таниш бу овоз, узоқ йиллардан бери қадрдон, ғаму ташвишимда, қувончимда

шерик бўлган. Ким у? «Бу менсан». Сени танитайман. «Бўлмаса, қуруқ сумбатингга чой ичиб ўтиравер ҳаволаниб, буғланиб». Майли ҳаволанай, буғланай, лекин сенга қулоқ тутиб булғанмай.

Мен бу кибру ҳавони неча кундан буён тарк этганим йўқ. Мени тинмай чақираётган овозга гоҳ таслим бўлгим келади, унинг орқасидан у қаерга йўл бошласа, шу ёққа кетиб қолишимга сал қолади, лекин ўйлайман: «У ёқда нима бор, ўша-ўша давлат, ҳеч бир янгилик, ҳеч бир ўзгариш йўқ, куним қуруққа ўтиб кетади», бу ерда яна озроқ сабр қилай, майли, кибр диёрида яна бир неча кун нафас олай...

Қаёқдадир еру дарахт, қурт-қумурсқаю одамлар қуёшни кутади. Улар қуёш ёрдамида кўкармоқ иташади. Шунинг учун Суқрот қуёшни худо деган, фикрни, одамнинг йўлини ёритиб борадиган фикрни худо деган, йўқ, бу ёш болакай шимаётган хўрозқандга ўхшайди, ширинлик тамом бўлса, бола яна йиғлай бошлайди. Бу чексиз давом этади.

\* \* \*

Қримдан қайтганингдан сўнг бир кечаси, эсимда йўқ, қайси куни, «қулоқ сол» деганим ёдингдами, кейин: «Юрагинг зарбини эшита бошлайсан, шунда узоқдан шовқин тўлқини юрак «дук-дук»идан устун кела бошлайди», – деб сен ўзинга эмас, аксинча, мен сенга эслатиб қўювдим. Сафардан қайтганингдан сўнг денгиз шаклидаги бутга сиғиниб бошлаганингни бугун сезиб қолганингда мен сенга ёрдам бериб юрганимни билдинг. Метродан чиқиб кутубхонага бораётганингда: «Қримдан жомадонинг тўла бут олиб келдинг», – деб сенга

таъна қилдим. «Жомадонимда кийим-бошу ҳали ўқилмаган китоблардан бошқа нарса йўқ эди». Лекин. Эшит, сенга «қулоқ сол» дейишимдан олдин, йўқ, аввал сендан эшитиб кўрмоқчиман. Кейин мен ўша кечаси нима ёзганимни ўқиб бераман. Сенинг адашишингни хоҳламайман. «Қўшнимнинг хўрози тонгги соат тўртда қичқиради. Аммо менга эслатган кунинг тонгги соат тўрт бўлишидан икки соат олдин қичқирди». Шунда, эшит, ёзганимни ўқияпман, «у танасида айланаётган қонини кўрди. Қон қоп-қора. Ва...», у ёғидан хабаринг бор, бут Қора денгиз шаклига кирганини фаҳмладинг. Бунинг энди билсанг-да, ўшанда еттинчи сура икки юз биринчи оятни эслашга ҳаракат қилдинг, шунда хўроз қичқирди. «Ас-раш-эслаш қийинлигини билсанг эди. Мен ҳозир кўнглимдан ўтказган кечмишим сен шунчаки ёзиб қўйишинг учун бўлмади».

Эслаганимда бутлар кўз ўнгимдан йўқолди.

#### 4

«Кутубхонадан чиқиб, йўлкира эсимга тушди». «...эсига тушди». «Эсингга тушди».

«Борса-келмас» чегарасида миршаблар – бири «Андижон полка»га, иккинчиси «Хоразм лазгиси»га ўйинга тушяпти. Назоратчи аёл қўлини кўксига қўйиб: «Марҳамат, ўтинг», – дейди менга, шериги хуржун кўтариб кириб келган чолга: «Бобо, мундоқ нафасингизни ростланг», – деб қўлидаги пиёлани узатади. «Хоразм лазгиси»га ўйнаётган миршаб чолнинг елкасидан хуржунини олиб, «Бобо, вагонгача қарашвораман», – деганини элас-элас эшитаман». «Унгача чегарадан ўтиб кетаётган бўласан».

## 5

«Шоирни кўриб қоламан». «Борса-келмасда-я». «Метрода. Миршабларга гапиряпти. Ё пирай. Шоир «онаскэ, онаскэ, онаскэ» деяпти. Иккови кўли кўксиди жўр овозда ташаккур, ташаккур, катта раҳмат, устоз, дейишяпти. Қулоғим яхши эшитади. Кўзим кўр эмас. Кўрқиб кетаман. Кўрқув аралаш хотиржам уларга яқинлашиб, икки навбатчи ходимга шоир «Р»ни гапиролмайди, бировингиз япон ёзувчиси Рюноскэ Акутагавага ўшаркансиз десам, бир-бирига қараб кулишади, лекин майин, худди чақалоқ кулгисидай, сўнг бараварига шоиримиз олтмиш ёшдан ошиб сўконғич бўлганлардан хабардормиз, бизга японча сўкишлари ёқади дейишиб, «Бизнинг номимиздан ҳам вино ичинг-да, устоз», – деб чўнтагидан пул чиқаришиб, сўконғичга беришади. «...сўконғичга беришади».

## 6

Кўрқма, бу Амир Темур метро бекати эмас. Борса-келмас. Бу ердагилар қарғишини ичига ютиб, одамларни яхши кўриб, ҳар хил тилларда меҳр билан сўкадилар. «Мен сени кўриб турибман». «Мен кўринмайман». «Қаршимда чап тарафдаги столда пиво ичяпсан. Мен эса дунёдаги энг арзон ичимлик – чой ҳўплайпман, ҳатто метро чиптасидан ҳам арзон». «...метро чиптасидан ҳам арзон».

## 7

«Бугун кутубхонадан чиқиб, ёмғир остида пиёда қаёққадир кетаётганимда кеча радио диктори эртага ёмғир ёғади деб айтганига ҳақиқатан ишондим. Шунда ўша диктор қизни рост гапиргани учун

эмас, бугун ёмғир ёққани учун яхши кўриб кетдим. Ваҳолонки, ҳамма рўй-рост гапиради. Телевизорлар, радиолар, газеталар, китоблар, ҳатто иблис Ҳақ қошида бандангни ундай қиламан, бундай қиламан деб очиқчасини айтади». «Нафақат ёлғонни чин гапирувчиларнинг ҳам устози иблис бўлганда, демак», – дейди Собит Маҳмудий. Тўсатдан унинг бошидан икки шох ўсиб чиқади. «Собит Маҳмудий, шохингиз борми?» Кулади. «Менда шох нима қилсин?» «Ойнага қаранг». Қарайди. «Жуда ҳазилкашсиз». «Ҳазил қилмадим». «Унда ёлғон гапирдингиз». «Йўқ».

## 8

Собит Маҳмудий кафедрага телевизорга қараганча кўзи лўқ қотиб қолган: «Шунақами?» – дейди, кейин: «Қаранг-қаранг, телевизордан бир така чиқиб архитектор бўлмоқчиман деяпти». Собит Маҳмудийнинг бошдаги шохи яшин тезлигида йўқолади.

## 9

Шу куни кечаси Собит Маҳмудий менга қўнғироқ қилади. «Эшитяпсизми, Амир Темур метро бекатида бир гуруҳ така кўрдим. Эшитяпсизми, одам такага айланиши мумкин, така одамга... Ҳеч қачон». «Яъни?» «Иблис одамга ҳеч қачон». Кейин мен: «Собит Маҳмудий». «Лаббай» деган овоз эшитилади. «Ҳозир юрагингизни тинглаб кўринг-да», – дейман. «Тинглаяпман. Қулоғим ёнида нимадир ғинғирляяпти тинмай». «Шуни эшитаверинг-чи», – деб телефон гўшагини қўяман.

Телефон жиринглайди, яна Собит Маҳмудий. «Эшитяпсизми, телевизордаги така эмас эди. Мет-

рода ҳам такалар эмас, йўловчиларни кўрувдим», – дейди ялингансимон. Мен жим.

«У ҳам жим. Мен айбдорман бунга». «Нега?» – дейди Абдухолиқ. «Негаки ўша куни эрталаб шаҳарнинг шарқ тарафига пиёда бораётгандим, қаршимда афтидан ароқхўр, тўхтаб, салом-алик йўқ, «Илтимос, юз сўм беринг», – дейди. Мен унга ҳатто ҳеч нима демай йўлда давом этдим. У эса орқамдан: «Шохинг борми?» – деб бақирди.

«Қизиқ. Қаёққа бораётувдингиз эрталабдан, иш-ламасангиз?» «Мен ҳар кеча уйқусизликдан деб ўйламанг яна, хат ёзаман, нимадир иш қилишим керак-ку, ахир. Кейин хатни конвертга жойлаб, устига ўзимнинг яшаб турган манзилимни, исмимни кўрса-таман».

«Ўзингизга ўзингиз хат ёзасизми?» «Абдухолиқ ҳам шундай дейди, нимаси қизиқ ўзига ўзи хат ёзишнинг? Гап бунда эмас. Мен ҳар куни хат баҳона шаҳарнинг бир чеккасига пиёда бориб, конвертни почта қутисига ташлаб, яна пиёда қайтаман. Бу қизиқарли машғулот».

«Менинг сабрим чидамаса керак бунга», – деди Абдухолиқ. Ишонасизми? Ҳали бирорта мактубим ўзимга етиб келгани йўқ. Абдухолиқ почта хизматчилари бизда яхши ишламайди дейди. Йўқ-йўқ, асло. Ҳамма бало ўзимда. Конверт устига манзилим-исмимни аниқ ва хатосиз ёзаяпман деб ўйласам керак. Ҳеч бўлмаса бир донаси етиб келиб, қўлимга тушиши мумкин эди-ку».

«Ноумид бўлманг. Хоҳлайсизми, мен сизга хат ёзаман. Хатни қўлингизга тутқазаман. Яна у ҳам почта идораларида йўқолиб кетмасин».

«Сиз мени умидсиз, нотавон одам деб ўйлаясизми девдим. Собит Маҳмудий, айтинг-чи, шундай одамга ўхшайманми? Ўшанда Ойхонга айтувдим, агар умидсиз бўлганимда ҳеч қачон ўзимга хат ёзмаган бўлардим». «Ҳатто ҳали ҳам кеч эмас».

«Ойхон ҳам ўшанда шунақа гап айтиб, қўлимга менга ёзган хатини тутқазувди».

«Мен ҳеч қачон аёл зотидан хат олмаган эканман. Хотиним бундан мустасно, у бир марта ишхонамга келиб, хат эмас, бир парча қоғозда келганини ёзиб кетган, холос», – дейди Абдухолиқ Қалқон. Мен эса ундан Устоз ҳақда сўраб-суриштираман. У бепарво ёки ўзини атай шундай кўрсатяптими? «Билмасам, балки, борса-келмасга кетиб қолгандир», – дейди. Кейин озроқ ўйланиб, бу масалада сизнинг олдингизга боришимни тайинлади». «Борса-келмасга бориш ҳақда мен ҳам кўп бош қотириб юрганман. Энди хаёл ҳам қилмайман. Бола-чақалиман. Оиламни ташлаб кетолмайман-ку, ахир. У ёққа бориш сизга осон туюлар, балки, ҳали уйланмагансиз, бу ҳали ҳеч нарса эмас, йўлга тушмасданоқ борса-келмаснинг йўлини йўқотиб қўйибсиз. Таажжубланманг, шундай».

Мен: «Сиз доим чин гапирасиз, шунинг учун доим сизга қулоқ соламан, лекин», – деганимда «Бировга тез ҳукм чиқарманг. Шошилманг, азизим», – девди.

Шунда у билан анча тортишиб қолдим. Сиз ҳамма вақт ўзингизни оқлайсиз. Бошқага ҳукм чиқаришга шошилма деганингизнинг ўзи шундан далолат беради. Агар ҳозир нега ишламай юрганимнинг боисини айтсам, сиз эътироз билдириб, «Ҳеч бундай

эмас-ку», – дейсиз десам, у аввал жим қотди – ўйлаб олди, шекилли, сўнг бирдан қизишиб: «Вайсанг-чи», – деди.

«Рост. Қани, вайсанг-чи, нега ишламай юрибсиз? Хат ёзишни баҳона қиласиз», – деб Абдухолиқ Қалқон мендан сўради. «Қалқон, мана, қаранг, ўйлаб кўринг, менинг қаердадир ишлашим ўзимга зарар-ку. Ишласам, солиқ тўлайман, тўғрими, ҳукумат эса бу маблағ ҳисобига борса-келмасга ҳеч ким бормасин деб чегарани мустаҳкамлаш билан овора. Газетаю радио эса «борса-келар»имизнинг гуллаб-яшнаётганини ёзишу айтиш билан банд».

Абдухолиқ Қалқон эса нутқимдан қизишиб кетиб: «Чиндан, эй, нега ҳукуматимиз «борса-келмас»ни очикча ёмонламайди?» – дедди. Кейин бу саволига ўзи жавоб берди: «Кўрқишади».

«Ойхон эса: «Сизни тушунаман. Бу гапларни миянгиздан чиқариб ташланг, биров билиб қолмасин», – деб қўлимга хат тутқазди. Эшитинг-да, Собит Маҳмудий, айниқса, мана бу сатри: «Сенинг ўй-кечинмаларинг мен учун ҳам қизиқ, ҳам азиз, аммо ғалати. Ўкинма. Ташвишга тушма, ҳаёт – имтиҳон. Биз биргаликда бу имтиҳондан аъло даражада ўтамиз». Ҳам ёқимли, негаки умид уйғотади. Ҳам кўрқинчли, гўё ҳамма тил бириктириб, мени синаш-имтиҳон қилиш билан машғул-у, мен эса буни билиб билмасликка олиб юргандай эдим. Кейин сал кўзим очилгандай бўлди. Бир пайғамбар айтгандай, одам нима қилаётганини ўзи билмаскан. Шунда ташвишга тушмай қўйдим. Мамлакатда нима ишлар содир бўлаётган бўлса, шахсан менга ҳеч алоқаси йўқ. Сизни тушунаман, агар мени «ватанпарвар эмассиз» деб



айбласангиз. Ва сизга бу масалада заррача эътироз билдирмайман.

«Шунда Собит Маҳмудий менга ҳеч нима демасдан, устознинг, англашимча, «борса-келмас»дан туриб унга ёзган хатини ўқиб берди. Абдухолик, агар сизга бу хат қизиқ туюлаётган бўлса, эсимда қолган жойларини айтиб беришим мумкин». «Хўш-хўш. Ишонсангиз, мен учун ғоят қизиқ. Аммо хатни нега энди «борса-келмас»дан ёзган экан ва у ёқдан-бу ёққа етиб келиши-чи, менда шубҳа уйғотмасдан қолмайди. Ҳа, майли».

## 10

«Хат менда оғир кайфият туғдирди ўшанда. Негалигини икки йил ўтгандан сўнг билдим. Яхшиси, сизга негалигини айтмай. Ўзингиз тушуниб оларсиз қачондир. Хат «Мен борса-келмасдан» деб бошланарди. Кўп жойида «борса-келмас»дан шикоят қилаётгандай эди хат эгаси. Чунки хатда «Менга қийин бўляпти» деган жумла камида тўрт-беш марта учрарди. Менга ёққан жойи, Абдухолик, ҳатто шеърдай ёд олганман, бу эди: «Борса-келмас»нинг табиати мени мафтун қилди. Қуёшнинг бир четида холи бор. Ойда эса доғ йўқ. Одамлари фақат жилмайиб юришади». Хатнинг охири эса, назаримда, анча қайғули нотада тугалланган эди. «Сўнгги пайтларда, – деб ёзганди устоз, – ҳаловатимни йўқотяпман. Бу ернинг табиатидан, одамларидан ҳеч тинчим йўқ. Қуёш нурлари баданимга найзадек ботиб кетяпти. Ёш дўстим Собит Маҳмудий, ўзингиз ўйланг, бу беҳисоб найзалар... танамда тешилмаган жой қолмади. Бу ерда қийин бўляпти». Шунақа».

«Бу хат ҳақида энди сиздан эшитиб турибман. Собит Маҳмудий менга гапирмаган экан».

## 11

«Бир куни эшигим тақиллади. Очсам, почтачи қўлимга конверт тутқазяпти. Хурсанд бўп кетдим, Собит. Ниҳоят, ўзим ёзган хатимнинг бири кепти деб ўйлагандим-да. Йўқ, хат устоздан экан. Барибир қувондим. Лекин қувончим узоқ чўзилмади. Хат қайғули эди.

«Қандай бўлмасин борса-келмасга бориб, устозни излаб топиб, касалхонага олиб боришимиз керак», – дейди Абдухолиқ Қалқон. «Собит Маҳмудийга бу хатни ўқиб берганимда у ҳам: «Зудлик билан устозни табибга кўрсатиш керак», – деб, Абдухолиқ, эшитяпсизми, қўлимдан хатни юлиб, «У касал эмас», – деганимга жавобан бу жойини ўқувди: «Менга бу ерда оғир бўляпти. Кундузи қуёш, кечаси ой йўқ. Шифоси йўқ жойга ўхшайди».

«Собит, устоз хатида чин ёзмаган, лекин ёлғон ҳам эмас», – десам, «Нималар деб валдираяпсиз?» – девди.

«Айтинг-чи, сиз менга ёзган хатингиздаги ҳамма гаплар ростми?» – деб мендан Ойхон сўровди.

«Абдухолиқ, нима дейишни билмай қолдим». «Демак, ёлғон ёзгансиз-да?» «Йўқ, аксинча, ичимда нимани ўйлаган бўлсам, шуни ёзгандим. Соф. Лекин, биласизми, нима?»

«Нима?» – сўровди Собит Маҳмудий. «Одам бировга яхши кўриниш учунгина чин гапирар экан. Унга чин гапириб уни ўзимга севдирибман». «Хоҳишонинг, хоҳишонманг, Устознинг бир жумласи-

ни тушуниб етганимдан сўнг бадтар ўз-ўзимга хат ёзишни кучайтирдим». «Қайси жумласини?»

Абдухолик ҳам «қайси жумласини» деганида тилимни тишловдим. Шу куни кечаси бу жумла ҳақда ўзимга хатда ёза бошладим.

«Шу хат ўзингизга етиб, яъни қайтиб келдимиз?» – деб Собит Маҳмудий менга савол берувди. «Йўқ», – дедим.

«Лекин ишончим комил».

«Нима деб ёзгандингиз, айтинг-чи», – деб Абдухолик Қалқон сўрагани.

«Менга ҳам айтинг-чи». «Собит, ой қуёшнинг ёруғидан ўзини чиройли кўрсатиб ҳаммани алдайди. Қуёш эса ўзи қандай бўлса, шундай кўрсатиб ҳаммани ўзига қаратади».

Бу гапимга жавобан бири: «Демак, унинг касал бўлмагани ҳақиқат», – деса, иккинчиси: «Демак, унинг касал бўлгани ҳақиқат», – девди.

\* \* \*

«Сўнгра мен кафедра узоқ ўтирдим, аввал чой, кейин пиво ва қаҳва ичдим, балки, тўрт соат ўткандир, Марям келди».

Ёнингдаги ким деди Д.Н. Оля ҳайрон қолди. Чунки кафедра улардан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

«Марям менга айтдики: «Д.Н., сен французга ўхшайсан-у, лекин француз эмассан». «Ёнингдаги ким?» – деб мен қайта сўрадим. У эса индамади. Мени билмайди деб ўйлаган, чоғи.

Оля жиддийлашди ва: «Балки, рақсга тушсам, Д.Н. менинг учрашувга кечикиб келганимни кечирар», – деб ўйлаб, ўриндикдан туриб, кафе фонтани деворига чиқди-да, рақсга туша бошлади.

«Марям икки қўлини икки ёнга ёзиб қимирлатган сайин ёнидаги кампир сочларини тўзғитиб, овози борича бақирарди. Марям кампирни кўриб-кўрмаганликка олаётгандир деб ҳам ўйладим. Официант қизни чақириб, «Уввос солаётган анави кампирни кафедан чиқариб юборинглар», – десам, у ҳам Марям каби икки лабини бир-бирига қисиб, орқага тортди. Ҳатто кўрсаткич бармоғим билан кампирни кўрсатдим ҳам».

Оля чарчади. Келиб ўтирди. Д.Н. эса сўради: «Чарчаб қолдингиз, шекилли».

«Мен Марям ёнига келиб ўтириб олган шум кампирга пичинг қилувдим. Марям мендан сўраяпти деб ўйладими: «Чарчамадим, мусиқасиз узоқ рақс тушиб бўлмайти», – деди, мен: «Кампир доира чалди-ку», – дедим. У эса: «Қанақа кампир?» – деб безрайди. Кампир эса менга чап кўзини қисиб, қўлидаги тугунни ечди».

Улар орасида жимлик чўкди. Балки, уч-тўрт минут ўтгандир. Оля официант қизга имо қилди. «Бизга иккита қаҳва, илтимос, меники сутли бўлсин», – деди.

«Мен кампир қаҳва ичмайдими деб Марямдан сўрадим. Сўнг официант қизга иккита эмас, учта қаҳва буюрдим. Бу вақт кампир, адашмасам, кашта тикяпти. Бошини кўтармайди. Ишига қаттиқ берилган, чоғи».

Д.Н.: «Момонгиз бўладими?» – деб сўради. Оля ажабланди. «Қанақа момо? Қани? Сизга нима бўлди?» «Ёнингизда ўтирган ким?» Оля ўнг ёнига қаради, ҳеч ким йўқ, чап ёнига қаради, ҳеч ким йўқ. Кейин: «Кўп ичдингизми?» – деб сўради. Д.Н. қандай ичимлик ичган бўлса шуни айтди. «Балки, банг чек-

кандирсиз Паша икковингиз?» – деб сўради Оля. Павел ҳам Киевдан, талаба, ёзда пул ишлагани Қримга келади. Оля билан Киевдаги университетда ўқийди.

«Марям, биласиз-ку, банг чекмайман», – десам, у: «Мени Марям деманг, онам қўйган ўзимнинг исмим бор», – деди жаҳли чиққандай. Кашта тикаётган кампир бошини кўтармай кулиб қўйди. Қўрдим. Кейин бошини кўтариб, чап кўзини яна қисди. Мен ҳам жавобан чап кўзимни қисдим».

Оля таажжубланди: «Сизга нима бўлди, менга кўзингизни қисяпсиз. Ростдан ҳам банг чеккансиз». «Павел кундузи соат икки атрофида чеккан эди», – деди Д.Н. жавобан ва официант қиз келтирган қаҳвадан ҳўплаб, сигарет чека бошлади.

«Ҳой кампир, қаҳва совиб қолмасин, ичинг», – дедим. У жавоб қайтармади, эшитмаганга олди. Билдим. Кейин тикаётган каштасини буклаб, тугунига ўради. «Қаёққа отланяпсиз, қаҳвангизни ичиб кетинг-да», – дедим. Индамади».

Оля: «Шошилаётганим йўқ. Қаҳвани ичяпман-ку. Паша ҳам ҳализамон келиб қолса керак», – деб соатига қаради. Д.Н.: «Неччи бўлди?» – деб сўради.

«Йигирмата кам бир», – деди Марям. Кампир соат неччи бўлганини эшитиб: «Кеч қолибман-ку», – деди менга қараб, сўнг ўрнидан туриб, кафе қаршисидаги улкан магнолия дарахти томон юрди. Мен қизиқиб дарахт томон қарадим».

## 12

Оля: «Эй, эй, менга қарагин. Скамейкадаги қизларга ҳушинг кетдими?» – деб бармоғини чертди. Д.Н. унга қараб кулди. Оля ҳам.

«Сўнг Марям: «Паша ҳализамон келиб қолади», – деб соатига қараб қўйди. Мен эса магнолия дарахтига қаровдим ҳам, кампир дарахт тепасидан хуштак чалиб, ўнг қўлини силкитди. Мен ҳам».

Оля: «Паша келяптими?» – деб орқасига ўгирилди. Кўча томонда ҳеч ким кўринмасди. Сўнг дарахт ёнидаги скамейкада ўтирган қизларга қараб: «Бу қизларни танийсизми? Москваликларга ўхшашяпти, чамамда», – деб Д.Н.дан сўради. У эса «Йўқ» маъносида бошини чайқади.

«Шу пайт магнолия дарахти тепасидан қизлар туша бошлашди. Кампир уларга хуштак чалган экан, менга эмас. Фонтан ҳовузчаси атрофини ўрашди. Ва қўллари билан қарсак чала бошлашди. Ҳовузча ичидан ёши қирқ атрофида аёл юзини чиқарди. Аввал балиқми деб ўйловдим. Марямга кўряпсизми, десам, «Йўқ» дейди, аввал жиддий айтди. Чунки мен жиддий сўрагандим-да. «Скамейкада ўтирган қизларни кўряпман, олдиларига йигитлар ҳам келишди», – дейди. Анови қиз-парилар эса ҳовузча деворига ўтириб олишди. Сув ичидан чиққан аёл эса уларга бир нима дея бошлади. Менга қизиқ туюлди, албатта. Марямга: «Ҳозир келаман», – деб ўрнимдан кўзғалдим. Фонтанга яқинлашдим. Париларга: «Кимсизлар?» – девдим, улар мен томонга ўгирилишиб, жиддий қараш қилишди. Ҳайрон қолишгандек ҳеч нима гапиришмади. Мен жойимга келиб ўтирдим».

Оля Д.Н.дан: «Ҳовузча ичида балиқ кўриб қолдингизми?» – деб ҳазиломуз сўради. У эса: «Париларни кўрмаяпсизми?» – деди. Оля кулимсираб: «Москвалик париларними?» – деб сўради. «Йўқ,

магнолия тепасидан тушган париларни», – жавоб берди Д.Н. Орага битта сигарет тутатилиб, чекилиб тугатилгунча Павел кафега кириб келди. «Яна банг чекиб келяпсизми?» Оля сўради. Паша жавоб бермади, фақат столда турган қаҳвани хўплаб: «Со-виб қопти-ку», – деди. Яна жимлик чўкди. Бу сафар учови икки мартадан сигарет чекишди. Кейин Д.Н. жимликни бузди: «Паша ҳамма ёқ сароб, бўм-бўш, эшитяпсанми?» – деди. Павел индамади, фақат кўзи олайиб кетди.

«Менинг бу гапимдан Марям хафа бўлдим, юзини мендан тескари ўгириб олди. Энди мен ундан хафа бўлдим. Кейин фонтан ҳовузига қарагандим, ҳовузча ичидан бошини чиқариб турган аёл менга табассум қилди-да, кийикка айланиб кўча тарафга худди биров қувлагандек югуриб кетди. Ҳовуз атрофидаги қизлар эса магнолия дарахти тепасига чиқиб ғойиб бўлишди. Мен ўрнимдан қўзғолиб, кийикнинг орқасидан қувиб кетдим. Алупка шаҳрининг марказий кўчасидан югуриб борардим. Кийик кўринмасди. Югуришимни бадтар тезлатдим, олдинда зоғ кўринмайди. Шу кетишда «Воронцов» хиёбонига кириб қолдим. Атроф қоронғи. Бир вақт бошимга мушт тушди. Бошим айланиб, ерга йиқилдим. Атрофимда ҳалиги раққоса қизлар ҳадеб мени қўлларига хивич билан уришади. Юзимни қўлим билан бекитиб олганман, майли, дейман ўзимча, жоним оғриси оғриси, уларнинг башарасини кўрмайин. Бир вақт «Д.Н., турсангиз-чи» деган овозни эшитдим. Марямнинг овози. Қўзимни очиб қарасам, Марям. Кулиб турибди. Ҳайрон қолганимни билди.

«Мен Марьямман», – деди. Ишонқирамадим. Чунки кафедра у: «Мен Марьям эмас, Оляман», – деб такрор-такрор айтганди. Хўп.

Хуллас, «Туриб, орқамдан юринг», – дейди. «Қаёққа?» – дедим. «Юринг, кейин биласиз», – дейди. Ётган жойимдан қўзғолмадим. Аксинча, «Мен сиздан хафа бўлдим, Марьям», – деб бор ҳолимча бақиргандим, яна раққосалар пайдо бўлиб, баданимни чимчилай кетишди. Уларнинг юзини кўрмайин деб кўзимни жоним борича юмиб олдим. Шу вақт дупур-дупур туёқ товуши эшитилди. Қизлар ғойиб бўлишди. Кўзимни очиб қарасам, бояги кийик яна аввалги аёл ҳолига қайтиб, мени кўлимдан маҳкам ушлаб ҳавога кўтарилди».

### 13

«Самолёт ҳавога кўтарилганига ярим соатдан ошадиям «чурқ» этмайсиз?» – деди ёнида ўтирган киши. Д.Н. эса унга хўмрайиб қараб: «Сизни танимасам», – деди. Ҳамроҳи жавобан кулди. Д.Н. эса: «Кеча киевлик танишларим билан хайрлашишни унутибман», – деса, ҳамроҳи: «Иллюминатордан қаранг, қандай чиройли кўриняпти, Қора денгиз», – деди кўнглини кўтармоқчидай.

«Мени кўлимдан олиб ҳавога учган аёл: «Менга қарама, пастга қара», – деди. Қарадим, «Устозни кўряпсанми?» – деб сўради, мен эса: «Кўрмаяпман, қирни кўряпман фақат», – дедим, у: «Яхшилаб қара», – деди, тикилиб қарасам, устоз қирда тиззалаб ўтирибди, бошини ерга тегизи-тегиби оляпти, нега у бундай қияпти десам, пари-аёл индамайди; «Борса-келмасда ҳам азоб чекаптими у?» – деб кеча бақирганим эсимга тушди. Аммо ёнимда ўтирган одам-



га бу ҳақда гапирмадим. У менга ҳар хил саволлар бера бошлади. Қримнинг қаерида бўлдингиз, нима қилдингиз, қандай дам олдингиз ва ҳоказо».

Шунда Д.Н. унга қараб: «Эй, сиз кечаги ҳалиги жинлардан эмасмисиз, мени хивич билан урган?» – деб сўради. Ҳамроҳи: «Мени кимгадир ўхшатяпсиз, шекилли», – деб жавоб қайтарди. Д.Н.: «Майли, ўтган ишга саловот, ростини айтинг, улар сизни мени орқамдан пойлоқчи қилиб юбордимми?» – деб сўради. У: «Эсингизни едингизми? Мен тошкентликман. Қримда ўғлим келиним билан яшайди. Шуларни кўргани борувдим, энди қайтяпман», – деди. Д.Н. эса: «Аммо овозингиз кечаги жинлардан биттасиникига жуда ўхшаб кетар экан», – деди. Сўнг улар орасида самолёт то ерга қўнгунча жимлик чўқди.

## 14

«Ниҳоят, Тошкентга ҳам келиб қўндик», – деб жимликни Д.Н. бузди. Ҳамроҳи эса: «Қанақа Тошкент? Бу борса-келар, қани, бунинг оёқ-қўлини боғланглар», – деб чапак чалганди, олд-орқа ўриндиқлардан ҳалиги қизлар туриб, Д.Н.га ёпирилишди. У бечора эсини йиғиб олгунча кўп вақт ўтган экан, қўл-оёғи боғлиқ қоронғи ертўлада ётганини пайқайди. Ертўлада ундан бошқа яна битта одам бор экан. Танишди. Исми Юсуф К. экан. Қримдан эргашиб келган қизлар уларни қийнай бошлашди. Ҳар куни уч маҳал баданларини чимчилаб, ўйиб олишарди. Уч кун ўтди. Тўртинчи кун эрталаб Юсуф К. Д.Н.га айтди: «Сенга бир яхшилик қилсам, қўлимдаги хатни севгим Зулайхога олиб борасанми?» «Жоним билан», – деди Д.Н. Унга бундан буён нима қилиши кераклиги-

ни уқтириб, сўнг севгилисининг манзилини конверт устига ёзиб қўлига тутқазди.

Шу пайт ертўла эшиги очилиб, рўмол ўранган чиройли жувон кириб салом берди. Д.Н. жувонни таниди. Эски таниши. Жувон: «Юринг бу ёққа», – деб Д.Н.ни ертўладан олиб чиқиб кетди. Юсуф К. унинг орқасидан: «Айтганимдай қил», – деб пичирлаб қолди. Улар ҳовлига чиқишганда аёл: «Мени танидингизми? Дилдор бўламан», – деб ҳовли ўртасида ёнаётган гулханга рўмолини, сўнг кўйлагини ечиб ота бошлади. Шунда Юсуф К. уқтиргандай Д.Н. аёлга яқинлашиб, уни гулханга итариб юборганди. У бирпасда худди қоғоз ёнгандек ёниб кул бўлди. Д.Н. югуриб бориб отхонага кирди. Дуч келган отга миниб, дашт томон уни чоптириб кетди.

## 15

«Йўл юрсак ҳам мўл юрдик. Кун ботиб атрофни қоронғилик қоплаганида бир бино олдидан чиқиб қолдик. Дарвозасини очиб кирдик. Ҳовлисида ҳеч ким йўқ. Отимни устунга боғлаб эшикни очиб, ичкарига кирдим. Кенг саҳнадай ичкари, лекин ўртаси темир панжара билан тўсилган, нарёғида ёш-ёш болалар. Мени кўриб қий-чув кўтаришди. «Мендан нега кўрқяпсизлар?» – десам, «Бизни ўтхонага ташлагани келдингизми?» – дейишди. Тушунмадим. Бегоналигимни билишганидан сўнг тушунтиришди. Эрталаб уларни ўтхонага ташлаб ёқишаркан: «Кўрпяпсизми?» – дейишди. – Трубаси ҳам бор. Шу трубадан тутунимиз мамлакатга тарқалади. Шунда янги туғилаётган чақалоқлар ўлик туғилмайди. Руҳимиз тутунга ўралиб, улар ичига киришади-да». Уларнинг гапини

эшитиб, тупугимни ютиб юборибман. Улар: «Амаки, биз атиги битта эртак эшитмасдан ўлиб кетяпмиз, илтимос, чўпчак бўлса ҳам айтиб беринг», – деб илтимос қилишди. Мен у ёқ-бу ёққа олазарак қараб: «Сизларни қўриқлаётган қоровул борми?» – десам, «Улар иккита, эрталаб келишса керак. Бир танишиникига тўйга – ошга кетишди», – деб кулишди».

Д.Н. ўйлаб кўрса, битта ҳам эртак эсида йўқ. Шунда у ўзининг болалигини эртак қилиб айта бошлади.

## 16

«Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонда Д.Н. деган сиз тенги бола ҳам бор экан, ҳам йўқ экан», – деган ҳам эди, болалар: «Бу қанақаси – ҳам бор, ҳам йўқ бўлиши мумкин. Ишонгимиз келмаяпти», – деб шовқин солишди. Д.Н. эса: «Болалар, агар сўзимни бўлиб, мени чалғитсангиз, эртакни айтмай қўяман», – деб огоҳлантирди. Сўнг давом этди.

«Хуллас, шу болакай момосини, момоси уни яхши кўраркан. Момоси касал бўп қопти. Ётган ҳолатда нуқул: «Ана ўламан, мана ўламан», – дермиш. Бола нима қилишини билмай қийналибди. Оймомо бунга кўриб турган экан. «Нега йиғлаяпсан?» – деб сўрабди бир оқшом. Болакай: «Момом ўляпти», – деб жавоб берибди. «Хоҳлайсанми, сенга ёрдам бераман», – дебди Оймомо. Бола эса: «Сизнинг қўлингиздан нима иш келади?» – деб ишонқирамабди. «Мен ахир тақдирмомоман-ку», – деса, бола: «Сиз бор-йўғи кашта тўқийсиз фақат», – дебди. Оймомо кулиб: «Йўқ, болам, мен кашта тўқийдиганларнинг тақдирини тўқийман», – деб жавоб қайтарибди».

«Болалар ерга ўтириб олиб жим тинглашар эди. Ўшанда Оймомо айтди: «Агар ҳар куни қуёш билан ўйнасанг, сен хоҳлагандек бўлади». «Масалан, қанақа ўйин?» – дегандим. «Ўзингга ёққани», – деди. «Унда бекинмачоқ ўйнайман, аммо эрталабгача узоқ, момом ўлиб қолмасин», – деб Оймомога ёлвордим. У: «Ўзингнинг умрингдан бир кунини момонгга бероласанми?» – деб сўради. «Ҳа. Бир кунини», – деб айтдим. «Йўқ. Икки кунини», – деб қайта айтдим. У: «Болакай, ҳозирча бир кунинг етади. Қуёш чиққунча. Кейин кўрамиз», – деди. Тонг отиб қопти. Ухламагандим. Момомга қараб чиққандим-да, қуёш нурлари кўзимни қамаштириб, мени уйғотиб юборди. Ёнимдаги момоннинг ўрни бўш. Хурсанд бўлиб кетдим. Сўридан тушиб қарасам, момом сигир соғяпти. Бирдан тундаги ваъдам эсимга тушиб, совқотгандек қалтироқ босди. Кейин қуёш билан бекинмачоқ ўйнай бошладим. Уйга кириб яшириндим. Деразадан қуёш нурлари уй ичига тушувди. Сандиғимизни очиб, унинг ичидан лаш-лушларни олиб ташлаб, ичига кириб, қолқоғини ёпиб олдим. Кечгача, қуёш ботгунча чиқмадим».

Битта болакай: «Улар фақат бекинмачоқ ўйнашибдими?» – деб сўраса, бошқаси: «Қуёш уни тополмаптими?» – деб сўради, яна бошқаси: «Д.Н. жуда бахил экан, бор-йўғи умридан икки кунини момосига бағишлабди», – деди. Д.Н. эса: «Жим, болалар, бўлмаса, қолганини айтмайман», – деб эртагининг давомини айта бошлади.

«Болакай икки-уч кун қуёш билан бекинмачоқ ўйнабди. Қуёш уни тополмабди, албатта. Кунлар ўтибди, болалар, жим эшитинг, момоси яна ана ўламан, мана ўламан дермиш, бола энди тақдирмомога: «Беш йилимни момомга бердим, у ўлмасин», – дебди. Оймомо жавобан: «Қуёш билан тагин бирон ўйин ўйна», – дебди. Хуллас, шу тахлит давом этибди. Бир куни лойдан одамча ясаб, қуёшга: «Элликка довур санагунимча одамчани қурит, қуритолмасанг, мен ютаман», – деб бола санокда адашмай, айтилган сонгача тез санаркан. Қуёш ютқазаверибди. Яна бир куни бола уйи ёнидаги ахлатхонада қўғирчоқ кўриб қолибди. Ҳовуздай чуқур ахлатхонага ҳалиги ташландиқ қўғирчоқни олгани тушибди. Олибдию қайта чиқишга қийналибди. Оёқяланг экан, ахлатхона иссиқданми ёна бошлабди».

Шу пайт бир бола Д.Н.нинг ҳикоясини бўлиб: «Қуёшнинг жаҳли чиқибдими?» – деб сўради, бошқаси: «Ваъдасини бузгандан кейин шундай бўладида», – деб айтди. Д.Н. давом этди.

«Ахлатхонадан чиқиб олибди-ю, оёғи куйган товукдек ерда сакрар эмиш, чунки иккала оёғи ҳам куйибди-да. Шу-шу тақдирмомо ундан хафа бўлиб гаплашмай кўйибди. Лекин берган ваъдасида турибди. Момоси ўлмабди».

\* \* \*

Муюлишга бориб қолишганда М. қушга: «Бўлди энди, уйга қайтайлик ё бирорта кафега кириб, сал нафас ростлайлик», – деди. Қуш уни тинглагиси келма-

ди, ҳатто ўн қадам наридаги метро бекатига кирди. Қуш у ёқ-бу ёққа олазarak қарайди ва гўё бир нима-нинг ҳидини олгандек бурнидан тез нафас олиб, тез чиқаради. Унинг орқасидан югуриб келган М. бурнини жийириб, «уф» дейди. Поезд келади. Улар ҳам вагонга чиқишади. Қуш вагон деразаси ёнидан жой олади ва вагон деразаси тоқчасида турган тувакдаги гулларга суқланиб қарай бошлайди. Сўнг М.га: «Боя менинг бир яхши нарсанинг ҳидини сезганимни сиз қилғилик деб ўйлаб бурнингизни жийиргандингиз. Қаранг, бир яхши гуллар. Чиройли-ку деб айтмайман, ҳар ҳолда, чидаса бўлади». «Балки, вагон полдан хас-чўплар топиб, туваклар ёнидан уя ҳам қурарсан, оёқкийимлардан қолган чангдан ён-верини суваб ҳам оларсан?» Бу кесатиқ қушга заррача таъсир қилмади, чунки у энди гул ҳидидан маст эди. Маст эди-ю, лекин гулни чўқиб олмайин деган ҳадик ҳам бор эди. М. қушнинг гапига парво ҳам қилмаётганидан, табиийки, жаҳли чиқмади. Бу унга қимматга тушишини, албатта, тушунарди. Анча вақт ўтмади. Қуш юзини М. томонга буриб: «Дарвоқе, гапингизда жон бор. Менга дабдурустан ёқиб қолган бу гулшанда қаср қурсам хўп яхши иш бўлар экан. Сизам, азизим, менинг дарвишчасига қадам ташлашларимдан анча вақт қутуласиз. Хуллас, бир тўхтама келдик деб ўйлайман. Сиз бу гулга қаранг, йўқ, шамолда учган ҳидини ҳидланг». «Сенинг нозларингдан чарчаб кетдим. Менинг ҳузур-ҳаловатимни сен атайлаб... эшитяпсанми, нега менга қулоқ солмайсан... бузаяпсан? Ҳаётимга нега тўғаноқ бўласан?» «М., рост, бу ерга қаср қуриб яшамоқчиман. Негаки сизнинг ҳатто кўчага чиқишга пулингиз бўлмайди. Сизга қолса-

ку, чиқмайсиз, тушунаман, мен сабаб бугун чиқдик, шундаймасми, азизим, бугундан, йўқ, ҳозироқ ажралишамиз, мени кечиринг, сизни ўзимнинг орзу, сиз айтгандай, эрмакларимга кўпроқ ошно қилиб, аксинча, мен сизнинг талабларингизга кам эргашганим учун, балки, мастдирман, лекин бу сўзларим, ишонинг, самимий». «Эй куш, энди шу етмай турувди. Мени эл орасида шармандаи шармисор қилишининг янги усулини топибсан, балли, энди мен сенга қандай илтифот қилишим керак, қизиқ, ўйлаб қўйгандирсан?»

«Сиз доим менинг ҳар бир хатти-ҳаракатимдан ўзингизга қарши исён қидирасиз. Сизнинг восвосингизга мен сабабчи эмасман. Ҳар бир айтган гапингизни, наҳотки, таҳлил қилолмасангиз? Сабабчи ўзингиз-ку, ахир. Тушунаман, йўқ, биламан, сизнинг хаёлингиз элнинг назарида: «Нима дейишаркин?», «Қандай ўйлашаркин?», «Кўзига қандай қарайман?», «Уятдан кўзимни ердан узолмай қолдим» ва ҳоказолар. Сизга неча марта айтганман, эътибор бериб чалғитманг ўзингизни, ахир, менга ҳеч бўлмаган ҳафтада бир кун тўлиғ қулоқ солинг».

«Майли, розиман. Фақат бунда уя қуриб, мени келтириб бу вагонда тиламчилик қилишимга йўл қўйма. Меним сен истаган нарсани истайман, лекин ҳар куни кўчадан буғдой тўла қоп кўтариб, мункиллаб кетаётган кампирга бўйин эгган ким? Айт? Илтимос, яна ёмон хаёлга борма. Кейин: «Қўйинг бу гапингизни, яна бошидан бошладингизми?» – деб айтма ҳам. Барибир қайси бир куни икков дангал гаплашиб олишимиз керак эди. Шу кун бугун экан-да, аммо қанақа шиддатли воқеликни менга таклиф қилишингни ҳатто

хаёлимга келтиролмаيمان. Чунки айнан шу сенинг орзу-умидларинг йўлида менинг бошимга қандай кулфатлар тушишини, ишон, ҳар кун, ҳар соат ёдимга келтираман ва сенга таъна-дашном қилишимнинг ҳам сабаби шу бўлса керак. Ва бу билан ўзимга қийин бўлса-да, лекин, майли, илтимос, бошқа мавзуга ўтайлик. Илтимос, бу ердан кетайлик. Майли, сен айтганча бўла қолсин, бунгачаям сен айтганча бўлаётувди».

«Сизнинг исёнингиз-чи, азизим?» «Сен мени тушунарсан деб ўйловдим. Рўй-рост гапирсанг-ку бошқа, хўп, яхши, демак, фойдам тегяпти».

«Сизнинг камтарлигингиз менга ёқади бирам».

«Менга айтяпсанми ё анави гулга? Қара. У уялди. Бирам. Лекин тушунсанг-чи, қачонгача кампир орқалаган қопи тешигидан дон териб юрамиз? Авваллари яхши эди».

«Сиз рози эмасми?»

«Нималар деяпсан? Ҳатто хаёлингга келмасин».

Қуш, дарди ичида тўлғанаётган эканми, нола қила бошлади: «Қачонки кимдир сизни хафа қилса, менинг олдимга югуриб келасиз ё бошқа вазият бўладими, нима фарқи бор ёки ёлғиз қолганингизда мен сизнинг эшитадиганингиз. Яъни қилғиликни сиз қилиб қўйиб, мен жазосини тортаман. Шундан менинг-да гапларимга ҳар замон қулоқ тутасиз-да. «Керак» десангиз керак ичингизда».

«Яна бошидан бошладингми таъна-дашномларингни?» – деб М. овозини сал кўтарди. Бу ҳаракат билан қушнинг ноласини пасайтирмақчи бўлди, албатта. Лекин, минг афсуски, М.нинг ўйлагани унинг ўзи учун калтак зарбаси бўлиб қайтди. Қуш шундай



чинқираб юбордики... Йўқ, бу чинқириқ товуши зарбидан вагон деразаси ойнаси чил-чил синмади. Ёки ён-веридаги йўловчилар қўрқувдан ҳушдан кетмадилар. Ёки кимнингдир боласи йиғлаб ҳам юбормади. Қизиқ. Йўқ, ғалати ҳолат. Жуда ғалати ҳолат. М. ҳам шунинг учун куярди-да. Қушга-да буни неча йиллаб таъкидласа, у бепарво, М.га: «Улар билан нима ишингиз бор, ғалатисиз», – деб тескаридан келарди.

Хўп, майли, ҳозирча қайтайлик. М. дир-дир титраб кўзига ёш олди. Йиғлаш осон дейсизми. Сўраманг. Фақат аёлларгина қачон хоҳлашса, шу пайт йиғи-сиғи қилишаркан. М. эса қушнинг раҳмини келтиришнинг бирдан-бир чорасини қўллади. Лекин бу сафар олдингисидай чиқмади. Қуш:

«Энди сизнинг йиғи-сиғингизга ёлғон аралашган деб қарайман, аслида, шундай бўлиб чиқяпти», – деди.

М. кўзидаги ёшини артиб, бир нима эсига тушгандек ўйланиб қолди. Қуш нимага шаъма қилаётганини англаб етиб, энди қушга қайси йўл билан, қандай мулозамат кўрсатишни мўлжалламоқчи ҳам бўлди-ю, лекин унинг ҳар қандай талаби ичида нима борлигини қушнинг зийрак фаҳми фош этишини, у айтмаса-да, англаб етди. Қуш нима деса, бунга кўнмай иложи йўқ энди, чунки бунга кўп йиллар бурундон тўла қоп кўтарган кампирнинг халтасини тешишга қушни М. ундаган ва бунинг эвазига кейинчалик у нима деса, бу жаноб ҳеч шак-шубҳасиз бажаришини билдирган эди. Қуш миннат қилмаса-да, лекин М. кўзи олдидан ўша суронли воқеалар бирма-бир гав-

даланди. Тўғри, кейинчалик М. насибасини бечора кампирнинг энди бошқа кимдир илма-тешик қилган қопидан тушган донларни қуши икковлон кўчама-кўча жавлон уриб териб юришди. Бу-да қушнинг ҳиммати, албатта.

## 17

Улар манзилга етиб келишганди. М. боши эгик ҳолда метро зиналаридан чиқа бошлади-ю, аммо қуш ҳам вагондан чиқдимиди-йўқми хаёлига келтирмади. Чунонам беғамликми бу, йўқ-йўқ, асло, шу он қуш унинг орқасидан учиб келдию М.ни юпата бошлади:

«М., анови токчадаги гулларнинг ўликдан фарқи йўқ. Фақат мендан хафа бўлманг. Мен боя ҳазиллашдим. Яна ўйламанг синаяпти деб». М. эса ҳеч нарса демай юришда давом этди. Қуш унинг нима ҳақда ўйлаётганини билгиси келарди. Унинг ниманидир билгиси, эшитгиси ҳаётининг мазмуни эди-да. Қуш энди элангансимон:

«Тувакдаги гулни ҳидладинг нимаю мурдани қучдинг нима, ҳеч фарқи йўқ. Лекин тушунинг мени, одам қайси бир куни ўзгача бир кайфият, ҳолат истаб қолади ва ўз уйидан узоқларга кетиб қолади».

М. юришдан тўхтаб:

«Эй қуш, менинг уйим энди сенга торлик қилиб қолдимми?» – деди.

Қуш жавоб бермади. М.нинг орқасидан кета бошлади. Чунки М.нинг хатти-ҳаракатлари унга маълум эди. Фақатгина қушнинг сукути, балки бу жимлик бир кунга чўзилар, лекин натижа берарди. М. улар ўртасида тортишув ва жанжал бўлмагандек яна дўст-

лик қонун-қоидаларини бажараверарди. Бу ҳолатда ҳам шундай бўлди:

«Мен сенга бу воқеани айтиб берганманми-йўқми, шу ҳақда ўйлаб бораётувдим», – деб М. секингина гап бошлади. Вазиятни юмшатиш керак-ку. Қуш унинг орқасидан ҳаллослаб юриб кетаётган бўлса, энди бу гапни эшитди-да, икки қанотини ёйиб ҳавога кўтарилди. М.нинг ўнг елкасига қўниб олиб:

«Хўш, жаноб, сўйланг, вужудим қулоққа айланди», – деди.

«Мақтабда ўқиб юрганимда ичи ҳар хил суратларга тўла дарслик китоб бўларди. Бир суратда қафас ичида Марабу исмли қуш боши эгик ҳолатда акс этганди. Унга қандай овқат келтиришмасин емасмиш, сув-да ичмасмиш. Хафамиш. Сен-да ўшанга ўхшайсан».

«Унда сиз, жаноб, унинг атрофини ўраб турган қафас бўлиб қоляпсиз. Тагин хафа бўлманг. Тамом».

«Энди ўйлаб кўрсам, у доим ватани ҳақида ўй сурар экан».

Бу икковлон яна нималарни гаплашгани ҳақида ёзиш, ишонинг, жуда оғир, қаламимнинг кучи етмайди демоқчиман ҳам бўлмағур хаёллар оқимига қўшилиб қолишингиз мумкин.

Вақт ҳам бўлди. Менинг кўчамдан бир жонон ўтади. Деразам пардасининг бир четини секин кўтариб, унинг юзига тўйиб олмоқчиман. Лекин у менинг пойлаганимни билиб қолмасин. Яхшиси, дераза пардасини кўтармай, қадамнинг товушларини эшитай. Ёки қулоғимни-да бекитиб олиб, унинг бугун-да менинг кўчамдан ўтаётганидан завқланай.

М.нинг уйқуси қочиб кўчага чиқди. Йўлни тўз-  
фитган писта пўчоқларини битталаб терди. Сигарет  
қолдиғию хас-хашак, тошчалардан тозалади. Вақт  
тез ўтмасди, уйқуси келмасди. Кўча бўйидаги дарахт  
танасига ёпишган чангни қўли билан кеткизди. Ке-  
йин дарахтга чиқиб олиб, чанг ёпишган чангларни  
пуфлади. Кўп баргларда чанглар қотиб қолганди, бу-  
ларни қўли билан кеткизиб, қолганларини тупугидан  
кафтини намлаб артди. Дарахт баргларида чангни  
тозалаб бўлди-ю, лекин бу ишдан кечагидай кўнг-  
ли тўлмади, тонг отишига вақт бор, шундан энди кўз  
ёши билан чангдан тозаланган баргларни сувда юв-  
гандай арта бошлади.

Бу кўчада пистаю қурут сотгич кампир унинг ти-  
рикчилиги ўтиб туриши учун чойчақа беради, эва-  
зига М. кечаю кундуз кўча супуради. У кампирдан  
рози, кампир бундан. Кампир М.дан кўча топ-то-  
за туришини астойдил сўрамаган эса-да, барибир,  
кўнглини олишга тинмай ҳаракат қиларди, бечора  
энди келиб-келиб бу ишини қилмаса, уйқуси кел-  
майдиган, кундалик одатига айланди-қолди. Ажаб,  
энди одатини ташласа, виждони қийналадиган, чун-  
ки «кампирдан ул-бул олиб тураман-ку» дерди, та-  
нида ялқовлик сезилса. Бу ишини ўзининг фойдаси  
учун қилаётганини тушунарди; агар уйдан кўчага  
бир кун чиқмай қўйса, унда телбалик аломатлари  
сезиларди. М. ҳам уйда асалари ушлаб турарди.  
Уларга шароитни бекаму кўст яратиб турди. Ҳовли-  
сидаги бўш, ҳеч нарса экилмаган ерни қўл панжала-  
ри билан ағдариб чиқарди. Қўли билан кесакларни  
ғалвирдан ўтказгандек майдалаб, ерга уруғ қадаши-  
дан олдин бир-икки ой майин тупроқни уқаларди,

она боласи бошини силагандек, кейин тупугидан ерга уруғ қадарди. Тупукдан бўлган уруғ ердан униб чиқиши учун қуёш нурларига ҳожат йўқ эди. М. уруғ қадаган жойга мийиғида кулиб қўйса ёки бирор қўшиқ хиргойи қилса бўлдийди. Суғориш анча қийинроқ, сув ишлатилмасди. Бўш пиёлани куну тун кўз ёшидан тўлдириб тупроқдан бўй кўрсатиб чиқаётган ёш ниҳолларнинг ташналигини қондирарди бечора. М. қушнинг валақлашларидан безор бўлиб, уйида жини чиқиб, у ёқдан-бу ёққа тинмай юрарди. Юришдан чарчаб тўхтаб қолдими, қуш унинг бошидан, юзидан ёки оёғидан чўқиб-чўқиб оларди. М. оғриққа чидолмай ҳовлисига югуриб чиқарди. Қуш орқасидан етиб келиб яна тинмасдан жаврай бошларди. Шунда М. қушни қўрқитмоқчи бўлиб шундай дерди: «Сен сайрайвер. Мен буларни оқизмай-томизмай қоғозга тушираман». М. қўлига қалам олиб, қоғозга ёзишни бошлаган заҳоти қуш нола қилишдан тўхтаб: «Виждон борми? Булар ёзилмайди. Отабоболаримиз ушлаган одоб доирасидан четга чиқманг», – дерди. М. уялганидан кўчага отилиб чиқиб, дарахт панасига ёки бировнинг уйи девори орқасига яшириниб олса-да, қуш уни топиб олиб баданини бадтар чўқиб ташларди. Бу ҳолат унинг гапларини эшитишдан енгилроқ эди. М. қачонки қўлини бекиган қулоғидан туширса, қуш чўқишдан тўхтаб, нола қилишга ўтарди. М. бу оғриққа чидаш беролмасдан йиғлай бошларди. Шунда қуш М.нинг олдига челақ қўйиб, бу идишга кўзёш томишини эшитаётгандек жимиб қоларди.

Яхши одамлар машинасида ўтиб кетишади. Мен ҳам яхши одам бўлганимда ёнимдан ўтиб кетаётган анави кишининг ҳам машинаси бўларди. Анови киши хотинини уришмасди. Кеча қайсидир йигит қайси бир қизга ёлғон гапирмасди. Кимдир боласига қанд эмас, эртақ китоб харид қиларди.

Яхши одам бўлганимда...

Ёмғир ёғиши энди тезлашади. Қанча кўп ёғса, унинг раҳми келиб эшигини очиши мумкин. Ҳеч бўлмаса, ёмғирда ивиб кетмасин деб ўйлаши мумкин. Биз олдин ёмғир чангини ювиб кетган дарахт баргида яшардик. Ўтган-кетганни кузатиб. Кейин барг узилиб ерга тушди. Хазонга айланди. Қизиқ, биз қаримадик. Аксинча, ерда туриб одамларни кузатардик. Ҳозир ойнаванд кафедра ўтириб ўтган-қайтганларни кузатаман. Ташқари аквариумга ўхшайди. Хоҳлаган аёл нигоҳини овлашим, лекин унинг-да тузоғига тушиб қолишим мумкин.

Дарвоқе, унинг эшигини тақиллатаман. Лекин: «У эшикни дафъатан ҳозир очиб қолса-чи». Қўрқиб кетиб кафедран чиқиб кетаман, официант қиз орқамдан югуриб келиб, чойчақамни қайтаришга тушади. Ортиқча дейди. «Наҳот, ортиқча?» Унга бундай демайман. «Бор-йўғи яхши одам бўлмоқчи эдим». Бу гапнида унга гапирмайман, албатта. Кулиб қўяман, холос.

Метрога кириб, юриб кетаётган вагон деразасига суяниб олганимда Борса-келар мамлакати хони кўлини чўзган ҳолатда олдимга келади. «Уялмайсизми?» У: «Нега ундай деяпсиз?» – дейди билмоқчидай. «Кўр эмасман, кўриб турибман», – дейман унга. У кўлини тушириб: «Кўрдингизми, ҳеч ким мени тушунмайди.

Мени кечиринглар. Қутқаринглар. Ёрдам беринглар десам, халойиқ менга садақа беради. Натижада кундан-кунга бойиб кетяпман». «Сизга шу ёқса керак-да». У: «Ўрганиб ҳам қолдим-да», – дейди. «Унда мендан нима истайсиз?» «Мендан нима истайсиз?» – қайтараман. У эса метродан чиққанымда ҳам орқамдан эргашиб келаверади. «Мени кечиринг», – дейди. Нима дейман? Ҳеч нарса демайман унга. Ёки: «Овимга халақит қилманг. Жўнанг», – дейми? «Қаёққа?» – деса, нима дейман? Унга гап уқтириб бўладими ўзи? Зарб билан ўзимдан сўрайману йўл ёқалаб кетавераман-кетавераман. Бир зоғ ҳам кўринмайди. Лекин қора тўртбурчак машина кўринади. «Ёрдам берворинг», – дейди жувон. Ўзи чиройли.

«Нима бу?» – сўрайман.

«Тупроқ».

«Нима қиласиз?»

«Нима ишингиз бор?»

«Қизиқ-да».

«Тупроқни улуғ боболаримиз қабридан олдим. Бало-қазолардан асрайди».

«Улар шу учун йўл юришган экан-да», – дейман.

Бошқа нима дей? У индамайди. Ярим халта тупроқни машинаси багажигга жойлашвораман. У бир қаричча ҳайкалчани халтадаги тупроқ ичига беркитади.

«Нима учун бундай қилипсиз?» – қайта-қайта сўрайман.

«Ҳайкалча менга ўхшайдими?» – сўрайди.

«Ўхшайди».

Лекин ўйлаб қоламан: «Бу жувоннинг тузоғига тушиб қолмай тагин». Қочаман. Йўқ, йўл юришда давом этаман. Ов қиламан деб. «Яхшимисиз?» – дейман.

«Яхши, нимаиди?»

Тўғрисини айтаман: «Ов қилаётувдим». Туфлимга қарайди. Шимимга ҳам. Туфлим унга ёқмайди. «Кечирасиз», – дейди. Кетиб қолади. Бошқа бир чиройли кийикни кўриб қоламан. Ёлғон ишлатаман. Гапим унда хуш кайфият уйғотади. Кейин: «Ёлғон ишлатдим. Кечирасиз». У ҳам: «Кечирасиз», – деб телефон гўшагини тарақлатиб қўяди. Севимли рақамни қайта-қайта тераман. Гўшакни кўтармайди. Начора, ов қилиш қўлимдан келмаса деб эшикни тақиллата бошлайман. Эшик нарёғидан мусиқа эшитила бошлайди. У худди бу мусиқага мослаб қўшиқ айт агар зериксанг деб айтаётгандек.

Мен: «Хон қизи! Хон қизи!» – дердим. Хон қизи кафтимга кўнарди. «Хон қизи! Бориб айт. Унга. Унинг кимлигини биласан-а? Хон қизи». Хон қизи мени эшитиб, икки қанотини ёзарди-да, учиб кетарди. Хон қизи энди мени гўё мени эшитмаганга олади.

Ёмғир чангини ювиб кетган дарахт баргида яшардик. Кунлардан бир куни барг узилиб ерга тушди.

«Бу нақоратими?» Мен: «Ҳа», – дейман. Ойнаванд кафедаги официант қизга яна чой буюраман.

«Кўкчой».

«Ҳозир». Эшитсанг-чи, барибир, эшигингни тақиллатавераман. Лекин кўрқаман. Шундан кўчада ўтиб кетаётган жувоннинг нигоҳини тутиб оламан ва ундан сенга ўхшаш томонларини қидира бошлайман. Зора, топсам. Бадтар чекаман.

Йўқ, Фиръавннинг хотини Осиё ҳақдаги ўйларимни тутунга ўраб ташқарига чиқараман. «Зора, мени тушунсанг, эй қўшни столда ўтирган қиз, ва олдимга келсанг», – деб хаёлан унга айтаман. Йўқ, у гўё эшит-



маганга олиб, муסיқа чалишда давом этади. Муסיқа асбоби чанг эмас, дутор эмас. Рубоб ҳам эмас. Гитара-да эмас. Сурнай. Асло. Мен эса мусиқага мос бир нималарни эсламоқчи бўламан. Бир нималарни. Ҳа-я, «Ичиб туриш керак», – девди у. Кейин секингина кўшиб кўювди: «Алкаш деб ўйлашсин». Яна чой буюраман. Официант қиз: «Намозхон бўлса керак», – деб ўйлайди. Ёки ўйламайди. Балки: «Мени севиб қолган», – деб шеригига айтар. Билмадим.

\* \* \*

Мен сўрадим: «Менга сал тушунтириб гапиринг». У айтди: «Ҳов анови кўрғонда хон қизи яшайди. Унинг севгисини қозон». Ва ғойиб бўлди. Ўша куни кўп ичдим. Кафеда, балки, беш соат ўтирдим. Чой ичиб узоқ ўтирардим. Сабрим тугаб қолиши мумкин. Ўзимни тушунмасдим. Хон қизининг кўрғони атрофида ойлаб уймалашиб юрдим. Ҳеч ким айтмаган. Маош ҳам тўлашмайди. Кўрғон атрофини ҳар кун супурдим. Сув сепиб, албатта. Чанг чиқармай дердим. Кўрғон дарвозасини ювардим, артардим. Ҳар куни. Шу аҳвол.

«Бодлернинг пальтосини шоир Ўлжабой Сулаймон кийиб юрибди».

Икков, адашмасам, тўрт йил олдин, қиш эди, чача ичувдик. «Жиззахдан олиб келдим. Грузинлар совға қилишди. 1 литр». Ярмини ичдик. Ўлжабой сариқ пальтосида ўралиб ўтирди. Официант қизга айтди ҳам: «Синглим, кўк чой олиб келинг. Совуқ». Ўлжабой яна айтувди: «Бу яхши-да, иссиқлик беради». «Виночи?» «...Вино чачадан ҳам зўр. Аммо бориға шукр».

Хуллас, Ўлжабой кафе орқасига чиқиб қайт қилувди. «Ўлжабой қаерга тупурсангиз, ўша жойда гул ўсиб чиқади». «Ҳазиллашяпсизми?» «Рост. Чиқит чиқарган жойингизда сарой қуришибди». «Ҳеч кимга айтиб қўйманг, сочларига суртиб юришмасин».

Давлат куши ўша пайтларда ишларди. Кейин бўшалди. Айниқса, миршаблар билиб қолишмасин, ҳеч қайси осмонда рўйхатдан ўтмаган. Адашмасам, паспортини олти марта йўқотган. Қушга паспорт нима керак? Ёки қуш бирор ташкилотда ишлайди-ми? Гоҳида давлат куши қўнғироқ қилади:

«Сирдарёдаман».

Тушдан кейин яна қўнғироқ:

«Жиззахдаман. Нима олиб борай? Вино олиб бораман. Зўридан».

Аммо гап осмон ҳақида эмас. Етти иқлим ва Бодлернинг пальтоси хусусиятлари ҳақида.

Мамлакатда қанча фуқаро бўлса, дарвишнинг шунча хизматкори бор. Бу Ўлжабой ҳақда айтилган.

Коинотда ҳозир иккита бекорчи бор. Бири Ўлжабой. Анча уриндим. Ҳатто хон қизига хат ёздим:

«Менга ёрдам бер. Мен ҳам яшай». У эътибор бермади. Яна ёздим: «Сиз бу дунёнинг чеккасига бориб келгунча мен ўлган бўламан».

«Ҳозирга келгунингча 39 йил ўтади. Оқарган сочингга нур ташувчилар қўнади. Набираларингга насихат қиласан ё сочинг ҳали оқармаган бўлса, уларга ақл ўргата бошлайсан. Уларга ёқмайсан, албатта. Ҳозирни эслай бошлайсан. Фақат эслайсан, аммо келмайсан. 18 минг оламнинг биттасида ҳам яшамабман дерсан, эҳтимол. Тасодифлар оламининг маликаси! Билсанг, энди бу шайтоннинг пуфак ўйи-

ни экан». «Сочларинг баттар оқаради. Сочларингга қўнаман. Сочларингни Хизр қўли билан силайман, севгилим».

– Ўшанда ақлингиз кирган бўлса, кеч бўлади. Ва йиғлаб-йиғлаб урчуқ айлантрасиз. Ёки ўшанда ҳам қанотингизни ёзишни ўрганмаган бўлсангиз, невараларингизнинг ҳам қанотини қайирасиз. Бузасиз.

Чўлпон ёзган. «Бузилган ўлкага». Кейин хўп йиғлаган. 1923 йил. Самарқанд темир йўл вокзалида.

Пойлоқчи миршаблар уни шу ерда учратишган, йиғлаганини кўришмаган. Аммо:

«Синглингиз сизни излаб юрибди. Учинчи осмонда бўлсангиз, у сизни иккинчи осмондан излайди. Бир нуқтада кўришолмаяпсизлар. Нега? Нега?..» Ўша осмон миршаблари кейинроқ дафтарларида шундай ёзиб қўйишган. Айтганча, «Навоий қора палосда ўралиб иқлимларни кезган. Кимдир айтувди: Шу қора палос келиб-келиб француз шоири Шарл Бодлернинг қўлига тушган. Шарлнинг шўрлик онаси бу палосдан ўғлига қора пальто тикиб берган».

Балки, шундайдир. Аммо мен хон қизига ожизлигимдан яна илтижо қилувдим. Айтувдимки, коинотни матода тасвирлаган ҳар қандай санъаткор ёниб кетади. Матодаги тасвири ҳам. Аммо онадан бечора устига қора палос ўраб қутқариб қолиш мумкинми?

У Қоф тоғи томон йўлга чиққанди

«Қирқ қиз қишлоғида бир тун тунаб яна йўлга чиқаман».

Манзилга бир кунлик йўл қолганди, холос. Унинг бу қишлоқдаги саргузашти узоқ йилларга кейинки йилларга чўзилиб кетди.

«Ишонма, вафо йўқ, йўлдан қолма».

Учрашув белгилади. У келди. Учрашди. «Ҳозир келаман. Сиз ҳовлимиздаги ўрага кириб яшириниб туринг», – деди. Келмади. Бошқа хонадон қизи узун сочларини чуқур ўрага ёки қудуққа ташлаб уни қутқариб олди. Ёки ўша қизнинг невараси эдими? Аниқ тафсилот шарт эмас деб ўйлайман. Яна учрашувга келди. Яна қудуққа тушди. Асрлар ўтди. У кўкдан умидини узмади. Яна бир соч уни қутқарди. Аммо яна зулматда қолди. Яна маънисизлик балиғи ичида суза бошлади. Юнусдай. Бир кун Юсуф К. келди. Қўлида иқлимларни ўлчайдиган узун таёғи бор эди. «Сени қутқараман».

Д.Н. Юсуф К.га айтди:

«Сен бир умр маънисиз иш билан ўз умрингни ўтказиб юрибсан. Буни билсанг-да, вақт ўтказиш ва ўз қайғуларингни яшириш учун бу йўлни танлабсан».

Юсуф К. қайтиб кетди.

Ёзувчи М. кейинроқ бу ҳақда сўзлаб беради, аммо: – 1992 йил эди. Газетада Бухоро амирининг кичик хотини расми чиққанди. Унинг суратдан қарашини ёқарди. Расмни қирқиб олиб чўнтагимга солиб юрардим.

Ойхонни йўлда учратувдим. «Эрим мени севмасди. Аммо эримни қора кўлка бошқариб бошлаганди. Уларнинг тўдасини яъжуж-маъжужлар ҳам дейишади. Шимолдан бостириб келишди. Хон қизини излаб. Уни топишолмагач ўлкамизни бузиб бошлашди. Хон қизи Ҳазрати Султон тоғи атрофида темирдан осмонўпар девор қурдириб яширинган деб эшитдик».

Олой бозори ёнида аҳду паймон қилувдик. Кейинги йил келганимда Ойхонни тополмадим. Сов-

қотганимдан Бодлернинг пальтосини эски-туски моллар дўконидан сотиб олувдим. Узун, ранги қора, кирлиги билинмайди. Ички ён чўнтаги тешик эди, ковлаганман. Ичидан пул чиқади, ўйлаганман. Чиқмади, аксинча, қоғозга ўралган банг чиқди. Ҳеч кимга айтмадим. Қизиқувчилар бу нарсалар ёшига камида 140 йил беришарди, пуллаймиз дейишарди. Бангни чекмадим, осмон бўшлиқларини кўриқлайдиган миршаблар кўлига тушиб қолмасин, ташлаб юбордим. Аммо қоғозда француз тилида сонет ёзилган эди. Бу шеър Бодлерники, аммо ҳеч қайси тўпламида чоп этилмаган. Сўнги шеъри, чамаси, ёки бу сонет ёзилган қоғозга бангни ўраб кафеда ошналари билан чекаман деганми, билмайман. Пальто иссиқ сақлайди. Унга ўралиб юриш, ётиш мумкин. Сонетни ёдлаб олганман. Бу ҳақда...

Хон қизи тоғда яшайди. Мен қуёшни изляяпман деганини эшитиб қолганман. Ўша учун ҳам у тоғда яшаса керак. Тонгда қуёш тоғ чеккасидан сакраб-сакраб чиқишини кўраман деб бу чекка тоғда қолиб кетгандир, эҳтимол. У қуёшнинг уйи шу тоғ орқасида деб ўйлайди.

Сенинг хаёлингни унинг ишхонасида кузатаман. Унинг кимгадир, нимагадир қарашини ўғринча бўлса-да тутиб, хотирамда сақлаб, кейин уни тафтиш қилмоқчиман. Демак, дейман, ўзимни тасвирламоқчиман ёки. Ёки шундай деб азобдан енгил қутулмоқчиман. Унга хат ёзгум. Сен ҳақда билдиргум. Иккиланадими деб кўрқаман, балки, мен унга яқинлашсам сендан узоқлашиб кетаман. Билмайман. Уни кимдир топтаб ташласа, тингламаса, оғритса деб ёмон ўйлайман. Мана. Юмшоқ ва бир қаттиқ куч билан

Ўзимни унинг олдига судрайман. Овозим бўғилади. Лекин эзилиб, букчайиб ҳам мункайиб, титраб, сел бўлиб товушлар йиғиндиси дунёни тасвирлайди.

Эҳ, қаршимда бу ким? Оппоқ қор ёғаётган эди. Борлиқ – қорнинг ишхонасидан ўзимнинг ишхонамга кўчаман – қочаман. Бу ердан, бу ҳолда, узоқда, сендан кечирим сўрайман.

Хон қизи кафедан чиқади. Канизаклари атрофида. Унинг йўлига гуллар сочишади. Кемага чиқишади. Шамол дарёсида сузиб яна тоққа қайтишади. Қуёшни излагани.

Аслида, қуёшнинг уйи денгиз тубида. Уй оқ зарралар бирикувидан ташкил топган. Бу ҳақда ҳеч кимга ҳеч қачон айтмаганман. Аммо шу кафеда, аниқ эсимда 20.. йилнинг ёзи эди, қуёш уйига боришни чуқур ўйлаганман. Балки, у Қора денгизда яшар деб Қримга кетувдим.

– ...?

Тиламчи кекса чол ва чаван Афанасийдан хат келган эди:

– Ёқут керакми сенга ё қут? Ёқутистонга, яхшиси, ўзинг кел. Бу ерда камида олти ой қуёш пастлаб учадди, манзарани кўриб шавққа тўласан, ҳаётингда янги уфқ очилади. Бир куни, қайси кунлигини билмайман, кечир, юриб кетаётганингда қуёш бир неча дақиқа тўхтаб қолади, айнан шу ерда қудуққа дуч келган бўласан, агар ёнида ёлғиз дарахт бўлса, билки, бу – шу. Қудуқ ичига арқонни дарахтга боғлаб туш, қўрқма, ичи иссиқ ва суви йўқ. Тубига етганингда мушт катталигича ёқутга дуч келасан, унга игна қадалган, суғуриб ол, қўрқма, нимадан қўрқасан, бу қизиқ, балки, узоқ йиллар вино ичавериб қўрқув ҳисси-

дан айрилиб қолганманми, бу нарса менга бегона, хуллас, ёнга қараганингда, албатта, қарайсан, чунки сувойнада бир хурлиқони парга беланиб ухлаб ётганини кўрасан – узоқ тикилиб қолма, уни ҳаётингда учратганингда ҳам сени барибир танимайди – аммо бир умр сен ҳақда ўйлайди, сени бир умр излайди, нима қиласан, ўзинг биласан, бу бари иллюзиялар – денгиз кўпиклари ёки шунчаки яна бир бор – бу кўпикларда оқмоқчимисан, йўқ бас қил, яхшиси, ёқутдан игнани суғуриб олиб, ёқутни сувойнага от, ойна чил-чил синади, ҳулё йўқолади ва игнани ҳам иккига бўлиб синдириб ташла, қўлинг қонаса қонайверсин, кўрқма, арқонни ушлаб қайтиб юқорига чиқмайсан, аксинча, шунда қуёшдан қудуқ ичига нурли зина тушган бўлади, бу айни қутнинг ўзидир. Кейин ўзинг биласан нима қилишни.

Хуллас, сенга тиламчилик қилиб топган танга-чақаларимни рублга айлантириб юборяпман, йўлкира учун, сенинг юртингда гадойлик қилиб ҳам йўлкирага пул ундиролмайсан, чунки қут йўқ. Сен ярамас учун икки ой вино ичмай пул тўпладим, кечир, бу, албатта, ҳазил. Сени кутаман. Кекса чаван Афанасий.

Тонг оппоқ нуқталардан бириккан. Бу гулшанда ҳар қайси нуқтанинг достони бор. «Сиз тақдирингиздан сўзлаб беринг». Кўқдан чакка томарди. Бу мусиқа қайси оқ нуқтанинг ўтмиши эди. Ҳозир тонг отади. Унинг юзи кўринади. Сўз эмас, ҳатто мусиқалар ёнади. Ҳамма нарса кул бўлиб йўқ бўлади. Фақат севги қолади.

## МУНДАРИЖА

«Ҳеч»нинг ҳечлиги ҳақида. Назар Эшонқул .....	3
Ҳеч.....	5
Қора денгиз.....	63



*Адабий-бадiiй нашр*

Мурод Човуш

ҲЕЧ

**Муҳаррир:** Абдулла ШАРОПОВ  
**Бадiiй муҳаррир:** Баҳриддин БОЗОРОВ  
**Техник муҳаррир:** Дилшод НАЗАРОВ  
**Саҳифаловчи:** Иномжон ЎСАРОВ  
**Мусаҳҳиҳ:** Маҳфуза ИМОМОВА

Нашриёт лицензияси: AI №134, 27.04.2009  
Босишга рухсат этилди: 05.01.2021 й.  
Офсет қоғози. Қоғоз бичими: 84x108  $\frac{1}{32}$ .  
Segoe UI гарнитураси. Офсет босма.  
Ҳисоб-нашриёт т.: 4,75. Шартли б.т.: 6,72.  
Адади: 1000 нусха.  
Буюртма № 1

«AKADEMNASHR» нашриётида тайёрланди ва чоп этилди.  
100156, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 20<sup>А</sup>-мавзе 42-уй.

Тел.: (+99871) 217-16-77  
e-mail: info@akademnashr.uz  
web: www.akademnashr.uz





МУРОД ЧОВУШ

«Ҳеч» – феноменал асар. Мен бунга ўхшаш ижодий изланишни ўзбек адабиётида бошқа учратмаганман.

**Маҳмуд Саъдий, адабиётшунос**

Мурод Човуш айтадиган гапига ўзига хос янги шакл топа олган. Шу билан бирга, олмошлар ўртасидаги тўсиқни, бошқача айтганда, анъанавий баён усулини осонгина енгиб ўтади, ҳеч иккиланмай, дадиллик билан бу меъёрни бузади. Бузганда ҳам осон, табиий бузиб ўтади, бунга изоҳ ҳам бермайди. «Мен» қолади, аммо қаҳрамонлар ўзгариб туради.

**Назар Эшонқ**

ISBN 978-9943



9 789943 151789